

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“ЕВРОСИЁ” ЖАМҒАРМАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Л.М. Тошпўлатова

МИНТАҚАНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
ўқув-услубий Кенгаши томонидан ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

05.050(54) УЗБ-н Халқ хужа-
Лигини бошқариш ва
Тартибга солиш

Ушбу лойиҳа "Евросиё" жамғармаси кумагида, Америка Қўшма Штатларининг Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) тақдим этган мабларлар ҳисобига амалга оширилди. Муаллифларнинг ушбу ҳужжатда ифодаланган нуқтаи назари Халқаро Тараққиёт Агентлиги ёки "Евросиё" жамғармасининг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

Ю 31713
291

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

20 05 6197	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
---------------	--

100

Л.М. Топпўлатова. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти.
Ўқув қўлланмаси. – Т., ТДИУ, “ЕВРОСИЁ”. 2004 йил. 96 бет.

Ушбу ўқув қўлланмасида ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш мезонлари ва унинг мазмуни баён этилади, салоҳиятнинг асосий турлари: табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, меҳнат ва ижтимоий салоҳиятларнинг хусусиятлари ва уларга баҳо бериш усуллари батафсил очиб берилди.

Минтақа инфратузилмасига унинг иқтисодий салоҳиятининг муҳим омили сифатида алоҳида эътибор берилди.

Ўқув қўлланмаси иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари ва факультетларининг талабалари, ўқитувчиларига, ҳокимиятларнинг ходимларига, шунингдек минтақавий иқтисод масалалари билан кизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: акад. С.С. Фуломов.

проф. Холмўминов Ш.Р.

доц. Каланова М.З.

Тақризчилар: К.А. Ҳасанжононов – и.ф.д., проф.

М.М. Ирматов – и.ф.н., доц.

МУҶДАРИЖА

КИРИШ	6
I БОБ. ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ: ТАЪРИФИ, БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМ- ЛАРИ	7
1.1. Иқтисодий салоҳияти тушунчаси.	7
1.2. Ишлаб чиқариш омиллари.....	9
1.3. Иқтисодий ривожланиш даражасининг кўрсаткичлари.	12
1.4. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.	14
Қисқача хулосалар.....	17
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	18
Асосий адабиётлар.....	18
II БОБ. ТАБИИЙ-РЕСУРС САЛОҲИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ.....	19
2.1. Табиий-ресурс салоҳияти тушунчаси. Табиий ресурслар.....	19
2.2. Табиий ресурсларни туркумлаш.	21
2.3. Табиий ресурсларни баҳолаш.	27
Қисқача хулосалар.....	31
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	32
Асосий адабиётлар.....	32
III БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ УСУЛ- ЛАРИ.....	33
3.1. Ишлаб чиқариш салоҳияти тушунчаси. Капитал ва унинг тузилиши... 33	
3.2. Ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш.....	35
3.3. Инвестициялар: моҳияти ва таҳлили.	37
Қисқача хулосалар.....	39
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	40
Асосий адабиётлар.....	40
IV БОБ. МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИ. УНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	41
4.1. Меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти.	41
4.2. Меҳнат ресурсларининг сон кўрсаткичлари.	41
4.3. Минтақалар бўйича меҳнат ресурслари балансини таҳлилдан ўтказиш... 49	
4.4. Меҳнат салоҳияти: унга сифат ва сон жиҳатидан баҳо бериш мезон- лари.....	55
4.5. Меҳнат бозори ва унинг мониторинги.....	58

Қисқача хулосалар.....	60
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	61
Асосий адабиётлар.....	61

V БОБ. ИЖТИМОЙ САЛОҲИЯТ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ..... 62

5.1. Тадбиркорлик салоҳияти.....	62
5.2. Инсон капитали иқтисодий салоҳиятни ўстирувчи омил сифатида... 62	62
5.3. Ижтимоий салоҳият ва унга баҳо бериш мезонлари.....	63
5.4. Минтақада ижтимоий неъматларнинг ривожланиши кўрсаткичлари... 71	71
Қисқача хулосалар.....	76
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	77
Асосий адабиётлар.....	77

VI БОБ. МИНТАҚАНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИ УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА..... 78

6.1. Минтақа инфратузилмаси тушунчаси ва унинг туркумланиши.....	78
6.2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси.....	80
6.3. Ижтимоий инфратузилма.....	83
6.4. Илмий инфратузилма ва фан-техника салоҳияти.....	85
6.5. Туризм ва спорт инфратузилмасининг тавсифи.....	86
Қисқача хулосалар.....	89
Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар.....	90
Асосий адабиётлар.....	90

Матнда учрайдиган мураккаб атама ва иборалар лугати.....	91
Асосий адабиётлар рўйхати.....	93

КИРИШ

Таклиф этилаётган нашр “Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти” курси бўйича биринчи ўқув қўлланмасидир.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши иқтисод йўналиши мутахассисларини тайёрлаш доирасида турли нуқтаи назардан ўрганилади. Улар орасида ҳозирги босқичда турли минтақаларнинг иқтисодий кўрсаткичларини таққослаш айниқса муҳимдир. Минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини ва уларнинг хўжалигини ривожлантиришнинг хусусиятларини таҳлилдан ўтказиш минтақавий сиёсатни амалга ошириш, инвестиция қарорлари ва бошқа хўжалик қарорларини қабул қилишнинг негизидир. Шу муносабат билан ўқув дастурига “Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти” курси киритилган.

“Минтақавий иқтисод” курсидан фаркли ўларок, мазкур махсус курс амалий фан соҳаси бўлиб, амалий жиҳатдан муҳимлик, муайян минтақавий муаммоларни ҳал қилишга яқинлик унинг бош хусусиятидир.

Ушбу ўқув қўлланмаси олти бўлимдан ташкил топган:

“Иқтисодий салоҳият: таърифи, баҳолаш мезонлари ва иқтисодий салоҳият тушунчасининг таркибий қисмлари”;

“Табиий-ресурс салоҳияти ва уни баҳолаш”;

“Ишлаб чиқарин салоҳияти ва уни баҳолаш усуллари”;

“Меҳнат салоҳияти. Уни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари”;

“Ижтимоий салоҳият унинг таркиби ва баҳолаш кўрсаткичлари”;

“Минтақанинг инфратузилмаси унинг иқтисодий салоҳиятининг муҳим омили сифатида”.

Шу нарса эътиборга молики, муаллиф ҳар бир бўлимда (асосий иқтисодий тушунчалар ва таърифлардан ташқари) иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятнинг таркибий қисмларига баҳо беришнинг ҳозирги замон методикаларини ҳам келтиради.

Ушбу ўқув қўлланмаси мазкур курс бўйича биринчи нашр бўлгани учун, табиийки, келгусида унга ўқувчилардан тушган таклиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб баъзи бир қўшимча ва аниқликлар киритилиши мумкин; бундай таклиф-мулоҳазаларни муаллиф диққат билан кўриб чиқади.

1 боб

Иқтисодий салоҳият: таърифи, баҳолаш мезонлари ва иқтисодий салоҳият тушунчасининг таркибий қисмлари

1.1. Иқтисодий салоҳияти тушунчаси

Иқтисодий минтақаларнинг ўзига хосликларини тўлиқ эътиборга олиш ва уларни ривожлантириш йўналишларининг юксак даражада асосланганлигини таъминлаш учун минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятига комплекс баҳо бериш зарур.

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти – бу минтақа хўжалик комплекслари тармоқларининг маълум даврда sanoat ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юк ташини ва аҳолига хизматлар кўрсата олиш қобилиятидир. Иқтисодий салоҳият минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини батафсил тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими билан белгиланади.

Иқтисодий салоҳият меҳнат ресурсларининг сони ва уларнинг касбий тайёргарлиги сифати, sanoat ва қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш имкониятлари, транспорт йўлларининг узунлиги ва транспорт воситаларининг мавжудлиги, ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиш даражаси, фан ва техника ютуқлари, разведка қилинган фойдали қазилма ресурслари, яъни биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқариш қулирини ташкил этадиган унсурлар билан белгиланади.

Шундай қилиб, минтақавий ривожланиш салоҳияти деганда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган омиллар мажмуи тушунилади. Салоҳият деганда минтақанинг ички ва ташқи функцияларни бажариш, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш имкониятлари тушунилади, деб айтиш мумкин. Бундай имкониятлардан фойдаланилиши ҳам, фойдаланилмаслиги ҳам мумкин.

Иқтисодий фаолият деганда жамиятнинг ва унинг алоҳида аъзоларининг эҳтиёжларини қондирувчи ва пул қўринишида ёки натурал шаклда даромад келтирувчи моддий нёматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади.

Беспул уй-рўзгор хизматлари, жишсий фаолият (ўғирлик, ржкет, поракўрлик), уй-жойга ва узок муддат фойдаланиладиган буюмларга эгалари томонидан хизмат кўрсатилиши ва таъмирланиши ишлаб чиқариш фаолиятига қирмайди.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти, бошқа мамлакатлар иқтисодиётига унинг таъсири ва, аксинча, айни мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига жаҳон хўжалигининг таъсири ҳар бир мамлакат иқтисодий салоҳиятининг кўлами ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва иқтисодий қудрати деганда маъкур мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг ҳажми, тузилиши, сифати ва техникавий даражаси, шунингдек мамлакат ўз хулудид ва чет элда тўплаган моддий ва бошқа бойликлар тушунилади.

Иқтисодий салоҳиятни тавсифлаш учун бир қатор кўрсаткичлар зарур, ammo ялти ички маҳсулот (ЯИМ//ЯММ) ва миллий бойлик бунда етакчи ўрин тутади. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш тўлиқ бўлиши учун уни бошқа мамлакатларнинг салоҳияти билан таққослаш керак, яъни халқаро қиёслашлар зарур.

Энг аввало шунга қайд этиб ўтиш керакки, ЯИМ//ЯММни ягона валютада (одатда, эркин муомаладаги валютада, кўпинча долларда) ҳисоблашда турли мамлакатлар бўйича олинган бундай кўрсаткичлар ноаниқ бўлиши мумкин.

ЯИМ//ЯММни халқаро таққослашда жиддий тафовутлар келиб чиқишининг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Таққосланадиган кўрсаткичлар бир йилга ёки бир даврга келтирилиши керак.

2. Таққосланадиган кўрсаткичлар миллий валюталарнинг харид қобилиятидан келиб чиқиб ягона валютага келтирилган бўлиши лозим.

Харид қобилиятининг нисбати деганда таққосланадиган мамлакатлар валюталарининг ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқарилган ўхшаш товар ва хизматлар нархининг нисбати тарзида ҳисобланадиган амалдаги нисбати тушунилади. Валюталарни харид қобилиятига қараб таққослаш ҳар бир мамлакатда ўхшаш истеъмол харажатларига ҳақ тўлаш ва капитал сармоялар қилиш учун қанча миқдорда миллий валюта талаб этилишини кўрсатади. Моҳият эътибори билан бу миллий пул бирлигининг бошқа мамлакат валютасидаги реал қийматидир. Харид қобилияти нисбатини эътиборга олишда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой ва транспорт хизматларининг қиймати мамлакатлар ишлаб чиқарган товар ва хизматлар сонини таққослаш имконини берадиган муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодий салоҳиятни *сон жиҳатидан* потенциал ЯИМ//ЯММ кўрсаткичи орқали пулда ифодалаш мумкин. *Потенциал ЯИМ (ёки иқтисодий салоҳият) деганда мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари: капитал, ишчи кучи, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланилганида, яъни ресурслар тўлиқ банд этилганида олиниши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади.*

Ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши юкланмаган ишлаб чиқариш қувватлари салмоғини уларнинг умумий ҳажмининг 10-20% даражасида ва ишсизликнинг табиий даражасини ишчи кучлари умумий сонининг 5,5-6,5% даражасида сақлаб туришни назарда тутаяди. Бу кўрсаткичлар турли мамлакатлар бўйича ҳар хил бўлиши мумкин, ammo барча ҳолларда ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши улардан 100% фойдаланилишини истисно этади.

Агар Оукен коэффициентини маълум бўлса, ресурсларни тўлиқ банд этиш йўли билан олинган миллий даромад орқали ифодаланган ишлаб чиқариш салоҳиятини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$Y_r = Y / (1 - k(u - u^*)), \quad (1.1)$$

бу ерда Y_r – ресурслар тўлиқ банд этилганида потенциал мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми;

Y – амалда эришилган ишлаб чиқариш ҳажми;

k – Оукен коэффициенти;

u – ишсизликнинг амалдаги даражаси;

u^* – ишсизликнинг табиий даражаси.

Мамлакатнинг миллий бойлиги – бу жамият меҳнати билан яратилган ва мамлакат ҳудудида тўпланган моддий бойликлар мажмуидир.

Миллий бойлик ўтмишдаги ва ҳозирги авлодлар меҳнати билан яратилган барча моддий неъматлар ва жорий ишлаб чиқариш натижаларини ўзида мужассамлаштиради. Бу билан миллий бойлик муайян календарь йили (чорак, ой) учун ҳисобланадиган ЯИМ ва ЯММ каби умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фарқ қилади.

Миллий бойлик таркибига куйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фондлари (бинолар ва қурилмалар, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, узатиш қурилмалари, ишчи ва зотдор чорва моллари ва бошқалар);

- асосий ноишлаб чиқариш фондлари (турар жойлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият, санъат, спорт ва дам олиш муассасаларининг бинолари, қурилмалари ва асбоб-ускуналари);

- моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги моддий айланма воситалар;

- ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги ғамламалар ва захиралар;

- аҳолида мавжуд узоқ муддат (бир йилдан ортиқ) хизмат қиладиган буюмлар.

Миллий бойликнинг кўрсаткич сифатидаги мавжуд камчиликлари жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

- миллий бойликни аниқлашда таянмиладиган нархлар бозор нархлари билан доим ҳам бир хил эмас;

- мамлакатнинг jisмоний ва юридик шахсларига тегишли бўлган хорижий активлар, шунингдек олтин-валюта захиралари ва бошқа қўпгина номдодий бойликлар (фирмаларнинг обрўси, мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ва ҳоказолар) миллий бойликка кирмайди.

Миллий бойликларни халқаро таққослаш деярли ўтказилмайди.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари фойдаланиладиган ресурсларнинг камчилиги билан чекланади. Бундай чекланганлик жамиятнинг ривожланишига қараб сакланибгина қолмай, баъзан ортиб ҳам боради. “Салоҳият” (потенциал) тушунчасига жалб этиладиган ресурслар ва маблағлардан янада гўлик ва самарали фойдаланиш мезони деб қараш керак. Унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги мақсадли функциялари ана шулардан иборат.

Халқ ҳўжалигининг мақсадларидан бири сифатида ишлаб чиқаришнинг потенциал даражасига фақат ишлаб чиқаришнинг барча омиллари самарали фаолият кўрсатган тақдирдагина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу омилларни муттасил такомиллаштириш ва уларнинг унумдорлигига баҳо бериш – бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг асосий муаммоларидан бири.

1.2. Ишлаб чиқариш омиллари

Ишлаб чиқариш омиллари деганда аънаога кўра ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш имконини берадиган шарт-шароитлар тушунилади. Иқтисод фанида Ж.-Б. Сей томонидан асос солинган ишлаб чиқариш омилларининг маржиналистик назарияси кенг тарқалган. Ушбу назария неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида иштираётган этувчи

иктисодий ресурслар сингари ишлаб чиқариш омилларини кўриб чиқади. Бундай омиллар жумласига қуйидагилар киради:

- меҳнат;
- ер (табiiй ресурслар);
- капитал;
- тадбиркорлик.

1. *Меҳнат (L)* – бу неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган инсоннинг ҳар қандай ақлий ёки жисмоний фаолиятидир. Меҳнатта туланидиган ҳақ иш ҳақи (W) деб аталади. Инсон ўз меҳнат қобилияти билан жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг ақлий ва маънавий салоҳияти мамлакатнинг ҳақиқий бойлигига айланиши керак, деган қараш тарқалмоқда. Иқтисод ва сиёсатнинг ривожланиши, ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари, умуман мамлакатнинг қиёфаси унда яшайдиган аҳолининг ақлий ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бунга алоҳида эътиборни қаратади ва халқ жамиятнинг энг катта бойлиги сифатида улкан салоҳиятга эга эканлиги, бу салоҳиятни рўёбга чиқариш жамиятнинг ривожланиши ва тараққиётининг кучли омили бўлиб хизмат қилишини қайд этади. Инсон салоҳияти мамлакат ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан жадал олға юришини таъминлайдиган энг фаол, бунёдкор омилдир¹. Шунинг учун ҳам инсон капиталига бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили деб қаралади. Инсон капиталига қилинган инвестициялар жамият учун энг самарали ва ўзини тез оқлайдиган инвестициялардир.

2. *Табиий ресурслар (Z)* – бу товар ва хизматларни яратишда фойдаланиладиган табиий неъматлар (фойдали қазилмалар, ўрмон, сув, ҳаво ва хоказолар)дир. Иқтисодчилар ишлаб чиқариш омиллари маъносида келган табиий ресурслар ҳақида сўзлаганда кўпинча “ер” атамасини қўллайдилар. Ердан фойдаланганлик учун туланган ҳақ рента (R) деб аталади. Шундай қилиб, рента – бу ер эгаси олган фойладир.

3. *Капитал (K)* – бу меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида одамлар томонидан яратилган ишлаб чиқариш ресурслари (машиналар, бинолар, компьютерлар, трубопроводлар, темир йўллар ва хоказолар)дир. Капитал деганда тагин ишлаб чиқаришнинг жисмоний элементларини харид қилишда ишлатиладиган пуллар (қисқа даврда) тушунилади. Бировнинг пулидан ёки жисмоний капиталидан фойдаланганлик учун олинандиган ҳақ фоииз (r) деб аталади. Бу ҳақ капитал этказиб берувчилар оладиган фойладир.

4. *Тадбиркорлик* – бу ўзига хос меҳнат фаолияти тури: товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бошқарувчилик ва ташкилотчилик кўникмаларидир. Ушбу ишлаб чиқариш омили ишлаб чиқаришни ташкил этишда ташаббускорлик, тоқирлик ва таваккалчиликни назарда тутади. Тадбиркорнинг вазифаси – юқорида зикр этилган ишлаб чиқаришнинг уч омилини энг самарали, оқилона усулда бирлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, тадбиркорлик даромади – бу тадбиркорлик омили (ғайрат, таваккалчилик, инновация) учун олинган мукофотдир.

Келтирилган ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши буткул ўзгармас, турғун эмас.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997. 244-бет.

XX асрнинг ўрталари фан-техника инкилоби бошланган давр бўлди, ахборот тобора етакчи роль ўйнай бошлади, индустриал иктисод эса постиндустриал иктисодга айлана бошлади. Ҳозирги замон иктисодида энг кўп ахборотга – технологик, ишлаб чиқариш, тижорат, фан ва маданият ахборотларига эга бўлган ишлаб чиқарувчи бозорда ютиб чиқади. *Ахборот – бу моҳият эътибори билан янгилик унсурларига эга, маълум фаолият соҳаси ҳақида маълумот олиш ва мақбул қарорлар қабул қилиш имконини берадиган маълумотлардир.*

Ҳозирги замон менежментида ахборот иктисодий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш имконини берадиган асосий восита бўлиб хизмат қилади. Компьютер техникасига асосланган ҳозирги замон ахборот технологиялари кашф этилиши билан ахборот бир томондан ишлаб чиқариш кучларининг унсурига, иккинчи томондан эса – миллий бойлик унсурига айланиб бормоқда. Ахборот омили ҳозирги замон фан ютуқлари ва янги технологиялар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўз ҳолича мустақил омил бўлиб хизмат қилади, чунки ишлаб чиқариш самарадорлигини, инсон салоҳияти имкониятларини оширишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсишининг ишлаб чиқариш омилларида фойдаланилишига боғлиқлиги. Ишлаб чиқариш функцияси.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолият кўрсатган тақдирдагина миллий хўжаликда барча ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқариш омилларида ривожланиши ва улардан фойдаланилиши даражаси ишлаб чиқариш функциясида ўз ифодасини топадики, уни умуман миллий хўжалик учун ҳам, минтақа ва алоҳида фирма учун ҳам аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш омилларида ҳар қандай тўплами билан мажкур омиллар тўпламидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мумкин бўлган энг катта ҳажми ўртасидаги нисбат ишлаб чиқариш функциясини таърифлайди.

Ишлаб чиқариш функцияси деганда мавжуд bilim даражаси ва фойдаланилаётган технологиялардан келиб чиқиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўсишига турли ишлаб чиқариш омилларида таъсирини акс эттирувчи математик ифодаланган боғлиқлик тушунилади. Ишлаб чиқариш функциясида ҳар қандай берилган товарлар ҳажмини ишлаб чиқариш учун зарур харажатларнинг энг кичкина ҳажмини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Математик нуқтаи назардан ишлаб чиқариш функциясини куйидагича ифодалаш мумкин:

$$Q = A \times X_1^\alpha \times X_2^\beta \times \dots \times X_n^\epsilon, \quad (1.2)$$

бу ерда Q – ишлаб чиқариш натижаси (ушбу технологияда ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми);


A – кўриб чиқилаётган n -омилларга тааллуқли бўлмаган омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига кўрсатган таъсирини акс эттирувчи ўзгармас катталиқ. Агар тахлилдан ўтказилаётган X_1, X_2, \dots, X_n омиллар турли бирликларда ўлчанса, A сон кўрсаткичи уларни таққословчи функциясини бажаради.

$\alpha, \beta, \dots, \epsilon$ – ҳар бир ишлаб чиқариш омилининг харажатларига кўра маҳсулот ишлаб чиқаришнинг эластиклик кўрсаткичлари, яъни ҳар бир омил харажатлари 1% га ўзгарганида Q нинг ўзгариши фоизи;

X_1, X_2, \dots, X_n - ишлаб чиқариш омилларининг харажатлари.

Изокванта ишлаб чиқариш функцияларининг график модификацияси ҳисобланади. *Изокванта деганда берилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ишлаб чиқариш имконини берадиган ишлаб чиқариш омиллари уйғунлигининг ҳар хил вариантларини ифода этадиган эгри чиқиқ нукталарнинг геометрик ўрни тушунилади.*

1.1 расмда "а", "в", "с" нукталар тузилган изокванта берилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми учун меҳнат ва капитал харажатларининг уйғунлигини акс эттиради.



1.1- расм. Изокванта

Шундай қилиб, иқтисодий салоҳият минтақада мавжуд барча ресурслар мажмуи жалб этилганида минтақа захиралари, имкониятлари билан белгиланади.

1.3. Иқтисодий ривожланиш даражасининг кўрсаткичлари

Турли мамлакатлар ёки минтақалар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартлари уйғунлигининг ҳар хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бир хил нуктадан назардан баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ//ЯММ ёки миллий даромад;
2. Миллий (минтақавий) иқтисоднинг тармоқ тузилиши;
3. Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси);
4. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
5. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ//ЯММ. Иқтисодий ривожланишнинг даражасини таҳлилдан ўтказишда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичлари муҳим ўрин тутати. ЯИМ айни минтақа ҳудудида ишлаб чиқарилган яқуний маҳсулот (ялпи ишлаб чиқариш) миқдорининг минтақа аҳолиси сонига нисбати тарзида ҳисобланади:

$$\text{Аҳоли жон бошига ЯИМ} = \frac{\text{ЯИМ}}{\text{Аҳоли сони}} \quad (1.3.)$$

Минтақавий иқтисоднинг тармоқ тузилиши. Халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган яна бир кўрсаткич бу *минтақавий иқтисоднинг тармоқ тузилишидир*. У тармоқлар бўйича ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларига асосан таҳлилдан ўтказилади. Энг аввало халқ ҳўжалигининг йирик моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ўрғанилади. Бу нисбат авваламбор қайта ишлаш саноатининг салмоғига қараб аниқланади.

Алоҳида тармоқлар тузилишини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қайта ишлаш саноати тармоқларини таҳлилдан ўтказиш унда машинасозлик ва кимё, яъни фан-техника тараққиётини таъминлайдиган тармоқларнинг салмоғи қанча эканлигини аниқлаш имконини беради. Етакчи тармоқлар диверсификацияси анча катта. Масалан, ривожланган мамлакатларда машинасозлик тармоқлари ва ишлаб чиқаришлари сони 150-200 гага етса, иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган мамлакатларда 10-15 тадан ошмайди. Йирик ҳўжалик комплекслари: ёнилғи-энергетика, агросаноат, қурилиш ва конструкция материаллари, мудофаа, ҳарбий-саноат комплексларининг салмоғи ҳам таҳлилдан ўтказилади.

Алоҳида минтақалар ва вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига баҳо беришда тармоқ тузилишининг динамикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш. Мамлакат ёки алоҳида минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини шунингдек аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам таърифлайди. Мазкур кўрсаткичлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобланади:

- асосий тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- узоқ муддат хизмат қўлувчи товарларнинг мавжудлиги.

Асосий тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мамлакат ёки минтақанинг электрэнергетика, металлургия, машинасозлик каби тармоқлар ишлаб чиқарадиган асосий маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Бундай кўрсаткичлар жумласига биринчи навбатда аҳоли жон бошига электрэнергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари киради. Электрэнергетика барча ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш негизига ётади, бинобарин, техникавий тараққиёт имкониятлари ҳам, эришилган ишлаб чиқариш даражаси ва товарлар сифати ҳам, кўрсатиладиган хизматлар даражаси ҳам мана шу кўрсаткич ортида яшириниб ётади.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг муҳим турлари орасида статистикада прокат, металл қирқувчи дастгоҳлар, автомобиллар, минерал ўғитлар, кимёвий тоғалар, қоғоз ва бошқа бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ажратилади.

Мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлилдан ўтказишда аҳоли жон бошига асосий *озиқ-овқат маҳсулотлари*: ғалла, сўт, гўшт, шакар, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткични ай-

тайлик FAO² ёки миллий институтлар томонидан ишлаб чиқилган бундай маҳсулотларни истеъмол қилишнинг оқилона нормалари билан таққослаш аҳолининг мамлакатда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларининг кондирилиши даражаси, озиқ-овқат рационининг сифати ва ҳоказолар ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Мамлакатда узок муддат хизмат қилувчи товарлар: музлатгичлар, кир ювадиган машиналар, телевизорлар, енгил машиналар, видеоаппаратура, шахсий компьютерлар ва ҳоказолар мавжудлиги (ёки ишлаб чиқарилиши) нинг ҳар 1000 кишига (ёки ўртача статистик ошлага) тўғри келган кўрсаткичлари ҳам юқорида зикр этилган кўрсаткичларга яқин туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан истеъмол бўйича ЯИМ тузилиши билан таърифланади. Хусусий якуний истеъмол (шахсий истеъмол харажатлари) тузилишини таҳлиладан ўтказиш айниқса муҳимдир. Истеъмол қилишда узок муддат хизмат қиладиган товарлар ва хизматлар салмоғининг катталиги аҳолининг турмуш даражаси нисбатан юқори эканлигидан, бинобарин, мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумий даражаси ҳам юқорилигидан далолат беради.

Аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда одатда иккита ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар: “истеъмол савати” ва “тирикчилик минимуми” кўрсаткичлари таҳлиладан ўтказилади.

Турмуш даражаси тағин куйидаги кўрсаткичларга қараб аниқланади:

- меҳнат ресурсларининг ҳолати (умрнинг ўртача узоклиги, аҳолининг маълумоти даражаси, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши калорияларда, протеин таркибида, меҳнат ресурсларининг малака даражаси, ҳар 10 минг кишига ҳисобланган ўқувчи ва талабалар сони, ЯИМда таълим харажатларининг салмоғи);

- хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши (ҳар 10 минг кишига ҳисобланган врачлар сони, ҳар минг кишига ҳисобланган касалхона ўринлари сони, аҳолининг турар жой, рўзғор буюмлари билан таъминланганлиги ва ҳоказолар).

Сўнги йилларда жаҳон амалиётида турмуш сифатини аниқлаш учун кўпгина иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар (аҳолининг маълумоти даражаси, умрнинг узоклиги, иш ҳафтасининг давомийлиги ва бошқалар)ни ўзида бирлаштирган “инсоннинг ривожланиши индекси” қўлланилмоқда.

1.4. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Ушбу туркум кўрсаткичлари кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш даражасини таъсирлайди, чунки мамлакатнинг асосий ва айланма капитали, меҳнат ресурсларининг ҳолатини ва улардан фойдаланиш даражасини – бевосита ёки билвосита – акс эттиради.

Шунинг учун ҳам иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш муҳим иқтисодий категория - самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Самарадорлик тушунчаси ва унинг турлари. Умумий маънода самарадорлик – бу мақбул натижага эришиш учун мавжуд имкониятлардан энг яхши

² FAO - (инглизча Food and Agriculture Organisation) – БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти.

усулда фойдаланиш қобилиятидир. Иқтисод ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг исталган нуқтаси самарали деб ҳисобланади, чунки мазкур ҳолларда мавжуд ресурсларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажмига эрипилади. Бу “техникавий самарадорлик” (паретто-самарадорлик) деб аталади, яъни берилган харажатлар ва технологияларда жамият истеъмолчиларнинг талаби (истаклари)дан катъи назар энг катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаради.

Иқтисодий самарадорлик шу билан фарқ қиладики, у самарали талабни эътиборга олади. Унинг шартлари қуйидагича:

- ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши;
- бозор талабидан келиб чиқиб ресурсларни самарали жойлаштириш;
- мавжуд технологияларнинг энг яхшиларида фойдаланиш.

Мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланилишига эришишнинг асосий воситалари қуйидагилардир:

- янги технологиялар ва ишловчиларнинг юксак малакаси ҳисобига эришиладиган меҳнат унумдорлигининг ўсиши;

- янги технологиялар, табиий ресурсларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш ҳисобига табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш;

- товарлар, капитал, ишчи кучи, ахборот ва технологиялар бозорлари оқилона фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- бозорларнинг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлайдиган институтларни ривожлантириш;

- кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун рақобат муҳитини вужудга келтириш ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари, ахборот ва технологияларидан мазкур корхоналарнинг фойдаланиши имкониятини кенгайтириш.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларнинг катта бир тизими ёрдамида баҳоланадики, уларни иқтисодий салоҳиятнинг сифат ва сон кўрсаткичларига ажратиш мумкин.

Иқтисодий салоҳиятнинг сифат кўрсаткичлари жумласига қуйидагилар кириди:

- минтақада фаолият кўрсатаётган меҳнат, капитал, технология бозорларининг самарадорлиги;

- минтақа табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги;

- институционал ривожланишнинг ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг ривожланиш даражаси;

- жамиятнинг иқтисодий эркинлиги даражаси;

- кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш даражаси.

Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари 1.1 жадвалда келтирилган.

СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ	СОЊ КЎРСАТКИЧЛАРИ
I. Иқтисодий эркинлик даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. НИМда, банд этилганларнинг умумий сонига нисбатан экспортнинг салмоғи 2. Бозорда эркин тарқалган реңкизация қилинган товар ва хизматлар салмоғи. 3. Монополизация даражаси (корхоналарнинг умумий сонига монополизация қилинган корхоналар сони). 4. Монополизация қилинган корхоналар маҳсулотининг салмоғи.
II. Фабрикат йуриштирилган меҳнат, капитал, технология бозорларининг самарадорлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Товар бозорларининг товарга бойлиги. 2. Иқтисодий даражаси. 3. Ишчи кучини булган самарали талаб (алоқиди дивария яши бўш жойлар умумий сонининг яши ишчи кучи (вакфифия) нисбати): <ol style="list-style-type: none"> 3.1. Ишчи кучини булган талабнинг инвестицион уёғи билан нисбати; 3.2. Аҳоли турли табақаларининг меҳнат фойдалитиса жаб этилганлиги (бўйс этилганлар билан иқтисодий фойда шахелар сонининг нисбати). 4. Тижорат банклари фойда этилганларининг даражаси ва ўғарини. 5. Азбароят баъралишининг даражаси ва оғаридлиги.
III. Табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидаги фойдаланишнинг самарадорлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишлаб чиқаришда талаб этилган материал, ресурслар ва қайталинган хажми. 2. Меҳнат умурдорлиги. 3. Инвестиция лобихаларининг ўғарини оқлаш даражаси. 4. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий хажмида қўғаридан қийматининг салмоғи.
IV. Институтционал ривожланишнинг ва иқтисодий ўғарини куллаб-қувватлайдиган инфратузилманин ривожланиш даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Машиа сектори (банклар, суғурта танкилотлари, қимматли қозғалар бозори ва шу қабалар)нинг ривожланиши ва иш самарадорлиги кўрсаткичлари. 2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси (туғанжорт, алоқа, суғурта ташкиоти, алектр энергия)нинг ривожланиш кўрсаткичлари. 3. Институтional инфратузилма (таълим, соқлиқни сақлаш, маданият, жамеоний тирбия, истеъмал қимматлари кўрсаткичи). 4. Савдо.
V. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Туғди НИМда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи. 2. Банд этилганларнинг умумий сонига кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи. 3. Кичик ва ўрта бизнеснинг тирмоқ туғаридлиги.

Қисқача хулосалар

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти – бу минтақа хўжалик комплекслари тармоқларининг маълум даврда саноат ва кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал курилишни амалга ошириш, юк ташиш ва аҳолига хизматлар кўрсата олиш қобилиятидир.

Хар қандай иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари фойдаланиладиган ресурсларнинг камчиллиги билан чекланади. Бундай чекланганлик жамиятнинг ривожланишига қараб сақланибгина қолмай, баъзан ортиб ҳам боради. “Салоҳият” тушунчасига жалб этиладиган ресурслар ва маблағлардан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш мезони деб караш керак. Унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги мақсадли функциялари ана шулардан иборат.

Ишлаб чиқариш омиллари деганда неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи иқтисодий ресурслар тушунилади. Бундай омиллар жумласига куйидагилар киради: меҳнат; ер (табiiй ресурслар); капитал; тадбиркорлик.

Ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиши ва улардан фойдаланилиши даражаси ишлаб чиқариш функциясида ўз ифодасини топадики, уни умуман миллий хўжалик учун ҳам, минтақа ва алоҳида фирма учун ҳам аниқлаш мумкин.

Турли мамлакатлар ёки минтақалар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартлари уйғунлигининг хар хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бир хил нуқтаи назардан баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади: аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ//ЯММ ёки миллий даромад; миллий (минтақавий) иқтисоднинг тармоқ тузилиши; аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси); аҳолининг гурмуш даражаси ва сифати; иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш муҳим иқтисодий категория - самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларнинг катта бир тизими ёрдамида баҳоланадики, уларни иқтисодий салоҳиятнинг сифат ва сон кўрсаткичларига ажратиш мумкин.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Иқтисодий салоҳиятга таъриф беринг.
2. Миллий бойликнинг асосий унсурларини санаб беринг.
3. Турмуш даражаси ва сифатини таърифловчи кўрсаткичлар туркумига қайси кўрсаткичлар кирди?
4. Иқтисодий самарадорликнинг қайси кўрсаткичларини биласиз?
5. Ишлаб чиқариш омиллари деганда нималар тушунилади?
6. Ишлаб чиқариш функцияси нима?
7. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш учун аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичининг ўзи етарли эмаслиги сабаби сизнингча нимада?
8. Нима учун инсон капиталига бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили деб қаралади?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», -Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. «Макроэкономика». Учеб.пособие для вузов. Под ред. И.П.Николаевой. ВЗФИ. М., ЗАО «Финстатинформ», 1999. 213 стр.
3. Маршалова А.С., Новиков А.С. «Основы теории регионального воспроизводства». М., «Экономика», 1998.
4. «Экономика». Под. ред. проф. А.С. Булатова. М., «Юрист», 2000.
5. Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан. Экономическое обозрение, № 8-9, 2001.

II боб

Табиий-ресурс салоҳияти ва уни баҳолаш

2.1. Табиий-ресурс салоҳияти тупунчаси. Табиий ресурслар

Табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг сони, сифати ва уйғунлиги ҳудуднинг табиий-ресурс салоҳияти билан белгиланади ҳамда ишлаб чиқариш кучларини мазкур ҳудудда жойлаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистоннинг ҳудудий хусусиятлари ва жуғрофий ўрни давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини танлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини ўз асарларида бир неча бор қайд этган. “Марказий Осиёда марказий жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллаган Ўзбекистон ўзининг реал ва потенциал табиий ва ресурс имкониятлари билан жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий харитасида алоҳида аҳамият касб этиб бораётган мазкур стратегик жиҳатдан муҳим минтақада мувозанат ва тенгликни таъминлаш, ҳамкорликнинг мустаҳкам негизини яратиш жараёнларида муҳим роль ўйнаш учун барча имкониятларга эга”³.

Табиий-ресурс салоҳияти мавжуд фойдали қазилмаларни, ҳудуд рельефини, ер-сув ресурсларини ва сейсмик бузилиш даражасини ўз ичига олади.

Ҳудуднинг табиий-ресурс салоҳияти унинг бозорга ихтисослаштишига ва ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўрнига таъсир кўрсатади. Табиий ресурсларнинг жойлашиши, уларни қазиб олиш шароитлари ва улардан фойдаланиш хусусияти минтақанинг ривожланиш суръати ва мазмунига таъсир кўрсатади. Табиий шароитлар ва ресурслар хусусийлаштиришда иштирок этиш учун бошқа минтақалардан қўшимча капитал (шу жумладан чет эл капиталли)ни жалб этишга кўмаклашиши ва, аксинча, минтақа корхоналари ва аҳолисида мавжуд маблағлар хўжалик фаоллигини амалга ошириш учун нисбатан қулай шароитлар мавжуд бошқа минтақаларга оқиб кетишига тўртки бериши мумкин.

Табиий шароитлар ва ресурслар. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ер ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан биридир. Иқтисод назариясида бу омил тор ва кенг маънода талкин қилинади. Тор маънода ер деганда ер майдонлари (масалан, қишлоқ, ўрмон хўжалигида, қурилишда) тушунилади. Шаҳарлар иқтисодида (қулай ва ноқулай ҳудудий ўрнига қараб) ер майдонлари, яъни тор маънодаги ер муҳим аҳамият касб этади. Кенг маънода ер деганда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча табиий ресурслар тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари – бу ер остида ва унинг юзасида жойлашган, ишлаб чиқариш жараёнига ишлаб чиқариш омиллари сифатида жалб этилиши мумкин бўлган табиий ресурслардир. Шундай қилиб, табиий ре-

³Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997.

сурсларнинг ўзига хос хусусиятида шундаки, улар ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилганидан кейингина ишлаб чиқариш омилларига айланади.

Ер қуррасининг *табиий шароитлари* табиий ресурсларнинг табиий пойдевори ҳисобланади. Ер қуррасининг ички иссиқлиги ва қуёш нурлари, мамлакатнинг жуғрофий ўрни ва жой рельефи, ер ости тузилиши, иқлими ва ёғин арчиликлар шулар жумласидан. Табиий шароитлар одамлар янашши ва фаоллият кўрсатиши учун имконият яратади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига қараб табиий ресурсларга айланади. Масалан, атом энергиясининг кашф этилиши уран рудасини иқтисодий ресурсга айлантирди, иқтисоддаги ислохотлар эса йирик саноат марказлари атрофидаги табиий ерларнинг аҳамиятини янада оширди, чунки улардан қорбоғлар учун оммавий фойдаланиш имкониятини вужудга келтирди.

Ўзбекистонда Тошкент ҳудуди (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри), Жиззах, Сирдарё, Самарқанд минтақалари нисбатан қулай иқтисодий-жуғрофий ўринга эга бўлиб, бу четдан капитал жалб этишга қўмаклашади. *Агроиқлимий омиллар* тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига фаол таъсир кўрсатади. Аграр секторининг ерга ихтисослашишида бу омиллар айниқса муҳим аҳамият касб этади, бу эса ўз навбатида қишлоқда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга амалга ошириш шакллари ва усулларига таъсир кўрсатади. Масалан: Тошкент вилояти озиқ-овқат маҳсулотлари, Навоий вилояти – қорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Сурхондарё вилояти – ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Фавқулодда иқлимий шароитларга эга минтақалар (Сурхондарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси)да ривожланишнинг техниканий-иқтисодий кўрсаткичлари мўтадил иқлими минтақалар (Фарғона vodiиси вилоятлари)даги шундай кўрсаткичлардан анча паст бўлиб, бу нарх белгилаш жараёнига ва миқтақаларо айирбошлашнинг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай қилиб, табиий ресурслар – бу товарлар, хизматлар ва маънавий бойликлар яратиш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган табиий шароитлар мажмуидир.

Мамлакатнинг миллий бойлиги таркибига кирувчи табиий ресурслар: ер, ўрмон ресурслари, фойдали қазилмалар, сув, гидроэнергетика, балик ресурслари ва ҳоказолар моддий ноишлаб чиқариш активлари ҳисобланади.

Моддий ноишлаб чиқариш активлари ижтимоий ишлаб чиқаришга нисбатан:

- мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг муҳим унсури сифатида иқтисодий муомалага жалб этилган;
- мамлакат салоҳияти сифатида иқтисодий муомалага жалб этилмаган бўлади.

Моддий ноишлаб чиқариш активларининг статистик кўрсаткичлари тизими табиий ресурсларнинг жойлаштириши, сақланиши ва захираларига уларнинг ўрганилганлик даражасига ва иқтисодий муомалага жалб этиш имкониятига қараб баҳо беради.

2.2. Табиий ресурсларни туркумлаш

Табиий ресурсларнинг моҳият-мазмунини аниқлашни уларни туркумлашдан бошлаш керак. Авваламбор, шуни кайд этиш керакки, табиий ресурслар *реал, яъни қидириб топилган ва фойдаланилаётган ҳамда потенциал, яъни прогноз қилинган, аммо аниқ аниқланмаган* бўлади. Реал табиий ресурслар миллий бойлик миқдорига, аҳолининг турмуш даражасига, мамлакат ва минтақа иқтисодий фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатса, потенциал ресурслар миллий бойлик таркибига киритилмайди ва келажақда муваффақиятли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятларинигина яратди.

Иқтисодий туркумлашга асосан қуйидаги табиий ресурслар тафовут этилади:

- 1) умумий аҳамиятга молик табиий ресурслар;
- 2) моддий ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан саноат ресурслари (ёнилғи, металллар, сув, ёғоч, балик) ва қишлоқ хўжалиги ресурслари (тупроқ, суғориш учун сув, ем-хашак экинлари, овланадиган ҳайвонлар);
- 3) ноишлаб чиқариш соҳаси ресурслари, шу жумладан бевосита истеъмол қилинадиган ресурслар (ичимлик суви, ёввойи ўсимликлар, овланадиган ҳайвонлар) ва бавосита истеъмол қилинадиган ресурслар (масалан, кўкаламзор жойлар ва сув хавзаларидан дам олиш учун фойдаланиш) (2.1 жадвалга қаранг).

Такрор барпо қилиниши ёки қилинмаслиги нуқтани назаридан табиий ресурслар икки хил бўлади: *тикланадиган табиий ресурслар* (ўсимликлар, тупроқ, сув, ҳайвонот олами) ва *тикланмайдиган* табиий ресурслар (нефть, газ, кўмир ва ҳоказо).

Тикланадиган табиий ресурслар – бу ишлатилишига қараб табиий жараёнлар ёки инсоннинг оғли фаолияти таъсирида қайта тикланадиган ресурслардир.

Бунга гидроэнергетика ресурслари мисол бўлиши мумкин – бугун оқаяётган сувнинг потенциал энергиясини ўзгартириш қисобига электр энергияси ишлаб чиқарган гидроэлектростанция эртага бу “хом ашё” билан яна таъминланади. Шу тарика – инсоннинг ҳеч бир таъсирисиз – иш чексиз узок давом этиши мумкин. Шу билан бир вақтда, тупроқнинг ҳосилдорлиги ҳам муттасил юксак даражада сақланиши мумкин, аммо бу инсоннинг таъсирини, жумладан – тупроқни ўғит билан тўйинтиришни талаб этади. Бу нуқтани назардан тикланадиган ресурслар *туганмас* ресурслардан, яъни табиат инсоннинг иштирокисиз вужудга келтирадиган ресурслар (куёш энергияси, сув ва шамол энергияси, табиатда сув айланиши ва ҳоказолар)дан фарқ қилади.

Тикланмайдиган табиий ресурслар – бу тўлиқ туғанидан кейин тиклаш мумкин бўлмаган ресурслардир. Уларни табиат қайта тиклай олмайди. Бундай ресурслар жумласига авваламбор фойдали қазилмалар киради. Уларни қазиб олиш ва ишлатиш мавжуд ресурсларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади. У бойликлар қайта тикланмайди, шу сабабли мех-

нат маҳсули бўлган бойликни кўпайтириш учун тикланмайдиган табиий бойликларни эҳтиёткорлик билан авайлаб ишлатиш, имкон бўлгач уни келажак учун сақлаб қўйиш керак.

Бу ўринда баъзи бир тикланмайдиган ресурсларни алмаштириш мумкинлигини қайд этиб ўтиш лозим. *Алмаштира* бўладиган табиий ресурслар – бу бошқа, баъзан иқтисодий жиҳатдан фойдали ресурслар билан алмаштириш мумкин бўлган ресурслардир. Масалан, минерал ёнилғи ресурсларини атом ва қуёш энергияси билан алмаштириш мумкин.

2.1 жадвал

Табиий ресурсларни туркумлаш

Табиий ресурслардан фойдаланиш мақсадлари. Иқтисодий туркумлаш:	Табиий ресурсларнинг турлари (тамом бўлиш притидилига кўра)		
	Тамом бўладиган табиий ресурслар		Тамом бўлмайдиган табиий ресурслар
	Тикланмайдиган	Тикланадиган	
I. Умумий аҳамиятга эга табиий ресурслар II. Моддий ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан: а) саноат ресурслари; б) қишлоқ хўжалиги ресурслари. III. Ноишлаб чиқариш соҳаси ресурслари, шу жумладан: а) бавосита истеъмол қилинадиган ресурслар; б) бавосита истеъмол қилинадиган (рекреацион) ресурслар	Минерал ҳом ашё ресурслари: а) ёнилғи-энергетика ресурслари; б) металл-руда ресурслари; в) нонметалл ресурслари.	Гидроэнергетика ресурслари Тушроқ, ўсимликлар, ҳайвонот аъъми. Сув, ёввойи ўсимликлар, овланадиган ҳайвонлар. Урмоқ, сув хазиналари, ўсимликлар	Ядро энергияси, қуёш энергияси, шамол ва оқар сувларишиг геотермал энергияси. Иқлим широйтлари

Келиб чиқиши ва табиий хоссаларига қараб:

- 1) минерал ресурслар (фойдали қазилмалар);
- 2) ер ресурслари;
- 3) сув ресурслари;
- 4) биологик ресурслар;
- 5) иқлим ресурслари (қуёш иссиқлиги ва ёруғлиги, ёфингарчиликлар);
- 6) табиий жараёнлар (қуёш нури, ернинг ички иссиқлиги, шамол ва ш.к.)нинг энергия ресурслари тафовут этилади.

Минерал ресурслар атохида муҳим аҳамиятга эга. *Ишлатилиш хусусиятига* қараб минерал ресурслар қуйидаги гуруҳларга ажралади:

1) ёнилғи-энергетика ресурслари (нефть, табиий газ, кўмир, торф, ёнувчи сланецлар);

2) металл-руда ресурслари - қора, рангли, ноёб ва қимматбаҳо металл рудалари;

3) нометалл (норуда) ресурслари – фосфоритлар, ҳар хил тузлар, мум, графит, асбест, қурилиш хом ашёси.

Ёр ости ресурслари, яъни келиб чиқиши органик ва ноорганик бўлган табиий минерал ресурслар деб таърифланадиган минерал ресурслар статистик ўрганиш мақсадида қуйидагича гуруҳланади:

- ёнилғи ресурслари (кўмир, нефть, газ, торф, сланецлар);
- руда ресурслари (қора, рангли ва бошқа хил металллар);
- норуда ресурслари (қурилиш материаллари, минерал хом ашё, қимматбаҳо металллар ва ҳоказо).

Физик ҳолатида қараб фойдали қазилмалар қуйидагича гуруҳланади:

- қаттиқ (кўмир, рудалар, норуда қазилмалар);
- суюқ (нефть, симоб);
- газсимон (ёнилғи газ).

Ўрганилганлиги ва ўзлаштиришга тайёрланганлиги даражасига қараб конларнинг тўрт туркуми фарқланади:

• “А” – муфассал разведка қилинган, фойдали қазилмаларнинг ҳажмлари аниқ аниқланган захиралар (бундай маълумотлардан корхоналарнинг эксплуатация фаолиятини ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланилади);

• “В” – бирламчи разведка қилинган, фойдали қазилмаларнинг ҳажмлари тахминан аниқланган (ўзлаштириш учун корхоналар қурилиши лойиҳалантирилади) захиралар;

• “С1” – мураккаб геологик тузилишга эга бўлган разведка қилинган захиралар, шунингдек яхши разведка қилинмаган захиралар;

• “С2” – конларнинг геологик тузилишини талқин этишга асосан аниқланган истиқболли захиралар.

С1 ва С2 туркумига мансуб маълумотлар у ёки бу мишқакани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат истиқболли дастурларини ишлаб чиқишда эътиборга олинади.

Бундан ташқари, фойдали қазилмаларнинг барча захиралари:

• балансдаги захиралар (кондицион разведка қилинган ва ўрганилган, саноатда фойдаланишга яроқли бўлган захиралар);

• балансдан ташқари захиралар (таркибида фойдали компонентнинг камлиги, қазиб олиш ва қайта ишлаш шароитлари оғирлиги туфайли айни вақтда мавжуд техникавий даражада фойдаланиш объектлари бўла олмайдиган захиралар)га бўлинади.

Қазилма ресурслар қуйидаги нагурал ўлчовларда ҳисобланади:

- куб метрда (қурилиш материаллари, ёнилғи газлар ва х.к.);

- тоннада (нефть, кўмир, рудалар);
- килограммда (қимматбаҳо металллар);
- каратда (олмослар).

Миллий бойлик статистикаси кўрсаткичлари тизими ёрдамида *аниқланган, разведка қилинган ва ўзлаштирилаётган фойдали қазилмалар* ўрганилади.

Ер ресурслари.

Ер ресурслари деганда мамлакат ёки минтақанинг бугун майдони, шу жумладан ички сувлари тушунилади. Хўжаликда фойдаланилишига қараб ер ресурсларининг қуйидаги турлари тафовут этилади:

- кишлок хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган кишлок хўжалик ерлари;
- махсус (ноқишлоқ хўжалик) аҳамиятига молик ерлар (шахарлар, кўрғонлар, саноат, транспорт, ўрмон фонди, сув фонди, давлат гамламаси ерлари).

Ҳолати ва хўжаликда фойдаланилишига қараб улар ер майдонлари турларига бўлинади.

Кишлоқ хўжалик майдонлари - кишлок хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ер майдонлари:

- шудгорланадиган ерлар (экиладиган ва дам берилган ер майдонлари);
- бўз ерлар (бир йилдан ортиқ экин экилмаган ва шудгор қилинмаган ер майдонлари);
- кўп йиллик дарахтзорлар (дарахтлар, буталар ва мевали дарахтлар экилган, озиқ-овқат маҳсулотлари, техник хом ашё ва ем-хашак олишга мўлжалланган ер майдонлари);

- пичанзорлар (пичан ўришга мўлжалланган ер майдонлари);
- лалми ерлар;
- яйловлар (мол боқишга мўлжалланган табиий майдонлар).

Ноқишлоқ хўжалик майдонлари:

- ўрмонлар;
- дарахтзорлар остидаги ерлар;
- сув остидаги ерлар;
- йўллар остидаги ерлар;
- бинолар ва иншоотлар остидаги ерлар;
- чўллар;
- кишлок хўжалигида фойдаланишга яроксиз ерлар.

Сувориладиган, қуритилган, рекультивация қилинган (фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, қурилиш ва бошқа ишлар яқунланганидан кейин кишлок, ўрмон ёки сув хўжалигида фойдаланиш учун тикланган) ерлар айниқса қимматли ва унумлидир.

Ер ресурсларининг тузилиши улардан фойдаланиш хусусиятини кўрсатиб беради. Бунинг учун қуйидаги формула бўйича шудгор ердан фойдаланиш коэффициентини ҳисоблаб чиқарилади:

Шудгор ернинг умумий майдони

Ер ресурсларининг ҳолати ва сифати улардан фойдаланишни кийинлаштирувчи ҳар хил белгиларни аниқлаш билан тавсифланади. Бундай белгилар жумласига қуйидагилар қиради:

- ботқоқлик;
- чангалзорлик;
- тошлоқлик;
- рельефнинг нотекислиги;
- шўрхоқлик;
- кислота шлик.

Ўрмон ресурслари – бу ўрмон билан қопланган ва қопланмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжларига мўлжалланган ерлардир.

Ўрмон фонди статистикаси ўрмон фондининг ҳажми, таркиби, ҳолати, ҳаракати, тикланиши ва ундан фойдаланилишини тавсифлайди.

Сув ресурслари.

Сув ресурслари – бу ер усти ва ер ости сувлари ҳамда бошқа сув объектлари захираларидир. Улардан рўзғорни, саноатни ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш, гидроэнергия, балик овлаш ва урчишти манбаи сифатида фойдаланилади.

Сув ресурслари жуғрофий белгисига қараб:

- ички (дарёлар, кўллар, ботқоқлар, музликлар, ер ости сувлари);
- ташқи (мамлакат ҳудудини ювувчи денгизлар, океанлар) бўлади.

Мамлакат ва алоҳида объектлар бўйича сув ресурсларининг миқдори ва захиралари, таркиби, сифати ва ишлатилиши қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- сув ресурслари ҳажми (ер усти ва ер ости сувлари учун алоҳида куб километрда ўлчанади);
- минерал, термал сувлар ва саноат сувлари (саноат аҳамиятига молик минерал модда ишқорида, айтайлик, бром, йод, радий таркиби);
- сув қуйилиши миқдори ва сув захиралари миқдоридаги ўсиш;
- йиллик оқим миқдори (ёки асосан ёттингарчиликлар асосида вужудга келадиган динамик захира);
- ҳудудлар, иқтисод тармоқлари, корхоналарнинг сув билан таъминланганлиги;

• сувдан фойдаланиш, алоҳида эҳтиёжлар, шу жумладан: ичимлик (янги тайёрланган ичимлик суви ва айланма (тегишли тозалаш ва тайёрлашдан кейин қайта ишланадиган) ичимлик суви алоҳида ҳисобга олинади), рўзғор, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги (суғориш ва сув чиқариш), даволаш, курорт-соғломлаштириш мақсадлари учун сув олиш ва уни истеъмол қилиш;

• сувнинг сифати (сувда механик, минерал ва органик аралашмаларнинг мавжудлиги ҳамда гурли мақсадларга унинг яроқлилиги даражаси);

- оқова ва ифлосланган сувларнинг ташланиши ҳажми;
- ташланадиган оқова ва ифлосланган сувларнинг тозаланиш ҳажми ва даражаси.

Гидроэнергетика ресурслари – бу механик энергияси бошқа энергия турларига, асосан – электр энергиясига айлантирилиши мумкин бўлган сув оқимларидир. Гидроэнергетика ресурсларини статистик ўрганиш учун улар қуйидагича гуруҳланади:

- потенциал гидроэнергетика ресурслари;
- ҳисобга олинган (разведка қилинган) гидроэнергетика ресурслари;
- А – ишлаб турган ва қуриладиган ГЭСларнинг қувватлари;
- В1 – техникавий лойиҳалаштирилган ГЭСларнинг қувватлари;
- В2 – қуриш мўъалламанасанган ва лойиҳалаштириладиган ГЭСларнинг қувватлари;
- С – потенциал қувватлар.

Гидроэнергетика ресурсларининг ҳар бир гуруҳи қуйидаги статистик кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади:

- потенциал гидроэнергетика ресурсларини аниқлаш учун оқимларнинг қуввати (оқимда ир секундда оқиб ўтадиган сувнинг миқдори);
- дарё бошидан унинг қуйилиш жойигача сувнинг тушиш баландини (потенциал гидроэнергетика ресурсларини аниқлаш учун).

Бу икки кўрсаткич об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлиб, ҳар йили ва ҳар мавсумда ҳар хил келади, шунинг учун ҳам гидроресурслар ўртача йиллик ва минимал оқимлар кўринишида ҳисоблаб аниқланади;

- гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш (ГЭСнинг аниқланган қуввати ва гидроэлектрэнергия ишлаб чиқариши килловатт-соатларда).

Ўзбекистон анча катта табиий-хом ашё ресурслари захираларига эга бўлиб, бу унга иқтисодда чуқур ислохотларни амалга ошириш ва республиканинг жаҳон бозорига чиқишига йўл очадиган тармоқларни ривожлантириш имконини беради. Ўзбекистон ҳудудида минерал-хом ашё ресурсларининг улкан ва ўзига хос захиралари жамланган. Бугунги кунгача республикада юзга яқин минерал хом ашё турлари аниқланган.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида 2700 дан ортиқ фойдали қазилма бойликлари қони бор, улардан 900 тага яқини ўзлаштирилган. Қазилган захиралар асосида мамлакатда 440 дан ортиқ руда конлари, шахта, карьер, нефть, газ қорхоналари, заводлар ишлаб турибди.

Бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати захираларининг 74%, нефтнинг 31%, табиий газнинг 40%, кўмирнинг 55% республикамиз ҳиссасига тўғри келади. Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида учинчи ўринда туради ва дунёдаги бу соҳанинг кучли етакчи 10 мамлакатлари қаторида туради. Олтин захиралари бўйича республикамиз дунёда тўртинчи, уни қазиб олиш бўйича еттинчи ўринда туради.

Марказий Осиёнинг фойдаланишга яроқли гидроэнергетика ресурсларининг 14% Ўзбекистонга тўғри келади.

2.3. Табиий ресурсларни баҳолаш

Табиий ресурслар нотекис тақсимланган бўлиб, бунинг натижасида турли ҳудудлар, мамлакатлар, минтақалар ва хатто китъалар *ресурслар билан ҳар хил таъминланган*. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳар хил ресурс салоҳиятига, яъни табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг нисбатига эга.

Бу кўрсаткични ҳар бир ресурс тури бўйича мазкур ресурс етадиған йилларда ёки унинг аҳоли жон бошига ҳисобланган захиралари миқдорида фойдалаш мумкин.

Минтақалар орасида ресурс салоҳиятининг даражаси бўйича Бухоро, Навоий, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ажралиб туради. Навоий ва Жиззах вилоятларида ер майдонлари ва сув ресурслари анча чекланган.

Ресурс салоҳияти (РС) қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$PC = 3 \times PK \quad (2.2)$$

бу ерда 3 – тегишли тоифага мансуб табиий ресурсларнинг захиралари (максус методика бўйича ҳисобланади), РК – ресурс қуввати (ресурслар бирлигига нисбатан пулда ҳисобланади).

Ўзбекистоннинг умумий ресурс (минерал-ҳом ашё) ресурс салоҳияти 3,3 триллион АҚШ долларида ортик миқдорга баҳоланган.

Табиий ресурсларга баҳо беришда кўплаб (иктисодий, ижтимоий, техникавий, экологик-журғофий) омилларни эътиборга олиш лозим. Табиий ресурсларга иктисодий баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- сони ва жамланиши (фойдали қазилманинг жами захиралари ва майдон бирлигига нисбатан ўлчанган захиралари билан аниқланадиган қошиш қўлами);

- сифати, таркиби ва хоссалари (фойдали элемент таркиби, унинг салмоғи; ернинг унумдорлиги, сувнинг сифати, қуёш фаоллиги кучи);

- қулай ерда жойлашганлиги (фойдаланиш имкониятлари: қатламларининг қуввати ва жойлашиш шароитлари), шунингдек фойдаланиш шартлари (техника, технология, транспорт нуқтаи назаридан фойдаланиш имкониятлари);

- йиллик қазиб олиш ҳажми.

Бозор иктисоди шароитларида ҳар бир табиий ресурс ўзининг бозор, биржа баҳосини олиши керак, зотан, у чекланган, бетакрор иктисодий бойлик ҳисобланади. Табиий ресурсларнинг бозор қиймати ресурсларнинг қимматлиги кўрсаткичи кўринишида бўлади.

Миллий иктисод миқёсида табиий ресурсларга иктисодий баҳо беришда икки усул – харажатлар ва рента усуллари қўлланади. *Харажатлар усули* табиий ресурсга жойланган меҳнат натижаларига баҳо беришга, *рента усули* эса – мазкур ресурсдан келажакда олиниши мумкин бўлган фойдага баҳо беришга асосланади. Баъзан иккала усулнинг комбинацияси қўлланади.

Харажатлар (меҳнат) усулининг асослари С.Г. Струмилини томонидан яратилган. Ушбу усул ёрдамида ресурсларни дастлабки ўзлаштириш харажатлари миқдори аниқланган, бунда фойдаланиш жараёнида ресурсларни қўллаб-қувватлаш ва тиклаш харажатлари ҳисобга олинмаган. Усулнинг моҳияти – табиий ресурсни ўзлаштиришга сарфланган барча меҳнат харажатларини ҳам меҳнат, ҳам пул ўлчов бирликларида ўлчашдан иборат. Бундай усулда меҳнат харажатларига миллий бойликнинг бошқа унсурлари билан бирга баҳо беришга нисбатан ёндашувнинг бирлиги сақланган. Бирок, табиий ресурслар давлат мулки бўлгани туфайли, улар бозор, биржа баҳосига эга бўлмаган ва бозор жараёнида иштирок эта олмаган.

Рента усули табиий ресурсдан кўриладиган фойдани табақалаштирилган рентани ишлаб чиқиш асосида аниқлашни назарда тутди. Ушбу усул XX асрнинг 30-йилларида халқ хўжалиги балансидаги қишлоқ хўжалик ер майдонлари ва табиий ресурсларнинг бошқа турларига баҳо бериш учун қўлланила бошланган. Бунда миллий даромаднинг ўсишида табиий ресурслардан олинган фойда ажратилган. Бундай принциплар кўпгина қайта баҳолашлар асосига ётган ва реал молия операцияларида табиий омилларнинг интирокини аниқлаб берган. Рента усулини қўллаш табиий ресурслар кадастрлари ва бонитети материалларини жалб этишни назарда тутди.

Ер асосий табиий ресурс сифатида баҳоланади ва асосий ишлаб чиқариш омилига айланади. Ривожланган мамлакатларда ерга унинг табиий-иклимий салоҳияти, асосий ишлаб чиқариш омили ва яшаш муҳити сифатида уни асраш зарурати нуктаи назаридан баҳо берилади.

Ер салоҳияти деганда кўпгина омиллар таъсирида ўзгарадиган, барча ўзгаришлар биржа баҳосида, ерга белгиланган бозор нархида ўз ифодасини топадиган катталик тушунилади.

Рента ёндашуви нуктаи назаридан ернинг нархи – бу капиталлаштирилган рентадир:

$$EN = R/S \times 100\% \quad (2.3)$$

бу ерда R – рента;

S – банк фоизи нормаси;

EN – ер нархи.

Ерга бундай баҳо бериш ерга нисбатан хусусий мулкдорлик институтининг узок ривожланиши натижаси бўлиб, бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларга хосдир.

Табиий омиллар *рекреацион салоҳият* миқдорини – *инсоннинг жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолият (дам олиш туризм) билан шуғулланиш учун минтақанинг имкониятлари ва тайёрлигини* белгилаб беради. Рекреацион ресурсларни таҳлилдан ўтказиш рекреацияни, шу жумладан чет эл туризмни ривожлантиришнинг потенциал имкониятларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бунда табиий ландшафтларнинг ўзига хослиги ва минтақадаги

экологик вазият, тарих ва меъморчилик ёдгорликлари, баънсологик ресурслар, маданий марказлар, спорт марказларининг мавжудлиги ҳамда янги марказлар ташкил этиши ва туризмнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш имкониятлари эътиборга олинади.

Кўпгина табиий ресурслар ва хизматлар учун анъанавий бозорлар, стандарт талаб ва таклифлар мавжуд эмас. Бу ерда табиий бойликларни микро ва макро даражада иқтисодий баҳолаш ва келгусида қарорлар қабул қилиш учун таҳлилдан ўтказиш муҳимдир. Табиий объектларнинг иқтисодий қиммати қанча баланд бўлса, қабул қилинган, турли лойиҳа ва дастурларда ўз ифодасини топган иқтисодий қарорлар экологик жиҳатдан мувозий бўлиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни тежаш манфаатларидан келиб чиқини эҳтимоли шунча катта бўлади. Роберт Констанц раҳбарлигидаги экспертлар гуруҳи амалга оширган тадқиқот жараёнида табиат функциялари ва хизматларининг 17 туркуми ажратилди: иқлимни, атмосферанинг газ таркибини, сув ресурсларини, тупроқнинг таркибини тартибга солиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, генетик ресурслар ва ҳоказо. Олимлар бу функцияларни ўрта ҳисобда 35 трлн. долларга тенг деб баҳоладиларки, бу инсон томонидан яратилган ЯИМдан (йилига 18 трлн. доллар) икки барабар каттадир.

Табиатга баҳо бериш ва унинг асосий функциялари: 1) табиий хизматлар билан таъминлаш; 2) чиқиндилар ва ифлосланишларнинг ассимиляцияси; 3) одамларни табиий хизматлар (рекреация, эстетик лаззатланиш ва ҳ.к.) билан таъминлаш функцияларини эътиборга олишга нисбатан комплекс ёндашув нуқтаи назаридан умумий иқтисодий бойлик (қиймат) – total economic value концепцияси энг истиқболли концепциядир. Нисбатан яқинда – XX асрнинг 90-йилларида юзага келган бу концепция назарияда ҳам, амалиётда ҳам жаҳон миқёсида эътироф этилган.

Умумий иқтисодий қиймат катталиги икки кўрсаткич – фойдаланиш қиймати (истеъмол қиймати) ва фойдаланмаганлик қийматининг йиғиндисидан бўлиб, у яшаш қийматининг катталиги билан белгиланади ва авваламбор табиатнинг жамият учун аҳамиятининг ижтимоий жиҳатларини акс эттиради.

$$TEV = UV + NUUV, \quad (2.4)$$

бу ерда TEV – умумий иқтисодий бойлик (қиймат);

UV – фойдаланиш қиймати;

NUUV – фойдаланмаганлик қиймати.

Ўз навбатида, фойдаланиш қиймати уч қўшилувчининг йиғиндисидан ҳосил бўлади:

$$UV = DUUV + IUUV + OUUV, \quad (2.5)$$

бу ерда DUUV – бевосита фойдаланиш қиймати;

IUUV – бавосита фойдаланиш қиймати;

OUUV – четта сурилган муқобилнинг қиймати.

Фойдаланмаганлик қиймати кўпинча тирикчилик қиймати микдори билан аниқланади, баъзан унга мерос қиймати ҳам киритилади. Умуман ол-

ганда, бу курсаткич энг аввало табиатнинг жамият учун аҳамиятининг ижтимоий жиҳатларини акс эттиради. Шундай қилиб, умумий иқтисодий бойлик миқдори тўртта қўшилувчининг йиғиндиси кўринишида (2.4 ва 2.5 формулаларидан келиб чикиб) аниқланади:

$$TEV = DUV + IUV + OV + EV, \quad (2.6)$$

бу ерда EV – тирикчилик қиймати.

2.2 жадвалда умумий иқтисодий бойликда ҳисобга олинандиган табиий функциялар ва хизматларга мисоллар келтирилган.

2.2.жадвал

Табиатнинг умумий иқтисодий бойлиги (қиймати)

Категориялар	Беловоғта фойдаланиш қиймати		Беловоғта фойдаланиш қиймати	Четта сурилган муносиб қиймати (потенциал бойлик)	Фойдаланиш қиймати (мажмуудлик қиймати)
	Олинандиган фойдаланиш турлари	Олинмайдиган фойдаланиш турлари			
Умумий	Тирикчилик воситалари, тижорий фойдаланиш, дорилармонлар, дам олиш жойлари, янани жойлари	Рекреатив, таълим, илмий тадқиқотлар, транспорт	Моддалар айланishi, иқлимни тартибга солиш, сув олинган таърибга олиш, санитария функцияси	Беловоғта бевоғта ва фойдаланишнинг потенциал турлари	Эттиқ, маданий мерос, бойлик
Эко-системалар (масалан, суи-ботиқ майдонлари)	Ғанили, суи ҳақиқирининг биологик ресурслари, агро-системалар	Қўшларни қўшатиш, суи створти, халыси балық олыш	Суи тошаниш ва қорни қуритиш, қорғоқларни мухтаҳамлаш, қўшларнинг кристалларни химоя қилиш ва х.к.	Беловоғта товар ва хизматлар олиш имконияти	Қўшларни турларни қўшатиш, ботаникаларнинг дахл этишнинг чеклаш йўли билан қиймат қилиш
Турлар (масалан, дарық турлари)	Ғани, йилги, мели, ем-халиш, дорилармонлар, қуритиш материаллари, техник хом ашё	Селекция ишлари, фармацевтик, кимёвий ва биологик тадқиқотлар	Углеродни аккумуляция қилиш, қорни қайта эчиш, эрозиядан ҳимоялаш, ҳимояларнинг янани қўшатиш	Тискиладиган ўрмон ресурслари ва кўрвятиладиган хизматлар	Ўрмонларни дам олиш жойлари сифатида, маросимлар учун муҳофазат қилиш ва х.к.
Ғенистик ранг баранглик (магналиш, маданий ўсимликларнинг тавалари)	Олиқ олиқлар	Ғенистиклар сезимлилик	Эволюцион бойлик	Наиларнинг янанилишнинг имтиёслари	Ғенистиклик муҳофазат қилишнинг тизимлиги

Қисқача хулосалар

Табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг сони, сифати ва уйғунлиги ҳудуднинг табиий-ресурс салоҳияти билан белгиланади ҳамда ишлаб чиқариш кучларини мазкур ҳудудда жойлаштиришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Табиий-ресурс салоҳияти мавжуд фойдали казилмаларни, ҳудуд рельефини, ер-сув ресурсларини ва сейсмик бузилиш даражасини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари – бу ер остида ва унинг юзасида жойлашган, ишлаб чиқариш жараёнига ишлаб чиқариш омиллари сифатида жалб этилиши мумкин бўлган табиий ресурслардир.

Табиий ресурслар – бу товарлар, хизматлар ва маънавий бойликлар яратиш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган табиий шароитлар мажмуидир.

Табиий ресурслар *реал*, яъни *топилган ва фойдаланилаётган* ҳамда *потенциал*, яъни *прогноз қилинган, аммо аниқ аниқланмаган* бўлади.

Иқтисодий туркумлашга асосан қуйидаги табиий ресурслар тафовут этилади: умумий аҳамиятта молик табиий ресурслар; моддий ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан саноат ресурслари ва кичик хўжалиги ресурслари; ноишлаб чиқариш соҳаси ресурслари, шу жумладан бевосита истеъмол қилинадиган ресурслар ва бавосита истеъмол қилинадиган ресурслар.

Тақрор барпо қилиниши ёки қилинмаслиги нуктаи назаридан табиий ресурслар икки хил бўлади: *тикланадиган табиий ресурслар* (ўсимликлар, *тупроқ, сув, ҳайвонот олами*) ва *тикланмайдиган* табиий ресурслар (нефть, газ, кўмир ва ҳоказо).

Тикланадиган табиий ресурслар – бу ишлатилишига қараб табиий жараёнлар ёки инсоннинг онгли фаолияти таъсирида қайта тикланадиган ресурслардир.

Тикланмайдиган табиий ресурслар – бу тўлиқ тугагандан кейин тиклаш мумкин бўлмаган ресурслардир.

Келяб чиқиши ва табиий хоссаларига қараб: минерал ресурслар (фойдали казилмалар); ер ресурслари; сув ресурслари; биологик ресурслар; иклим ресурслари (қуёш иссиқлиги ва ёруғлиги, ёрингарчиликлар); табиий жараёнлар (қуёш нури, ернинг ички иссиқлиги, шамол ва ш.к.)нинг энергия ресурслари тафовут этилади.

Табиий ресурслар *нотекис таксимланган бўлиб*, бунинг натижасида турли ҳудудлар, мамлакатлар, минтақалар ва хатто китъалар *ресурслар билан ҳар ҳар хил таъминланган*. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳар хил ресурс салоҳиятига, яъни табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг нисбатига эга.

Табиий ресурсларга баҳо беришда кўплаб (иктисодий, ижтимоий, техникавий, экологик-журрофий) омилларни эътиборга олиш лозим.

Миллий иқтисод миқёсида табиий ресурсларга иқтисодий баҳо бериш-

да икки усул – харажатлар ва рента усуллари қўлланади. *Харажатлар усули* табиий ресурсга жойланган меҳнат натижаларига баҳо беришга, *рента усули* эса – мазкур ресурсдан келажақда олинishi мумкин бўлган фойдага баҳо беришга асосланади.

Ер салоҳияти деганда кўпгина омиллар таъсирида ўзгарадиган, барча ўзгаришлар биржа баҳосида, ерга белгилашган бозор нархида ўз ифодасини топадиган катталик тушунилади.

Табиий омиллар *рекреацион салоҳият* миқдорини – *инсоннинг жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолият (дам олиш, туризм) билан шугулланиш учун минтақанинг имкониятлари ва тайёрлигини* белгилаб беради.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Табиий салоҳиятга таъриф беринг.
2. Табиий ресурслар нима?
3. Табиий ресурсларнинг қайси туркумларини биласиз? Мисоллар келтиринг.
4. Минерал ресурсларнинг асосий гуруҳларини айтиб беринг.
5. Ер ресурслари қайси турларга бўлинади?
6. Сув ресурслари қайси турларга бўлинади?
7. Ресурс билан таъминланганлик нима?
8. Ресурс салоҳияти қандай баҳоланади?
9. Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашнинг қайси усуллари мавжуд?
10. Рекреацион салоҳият нима?

Асосий адабиётлар:

1. Бобылев С. Н., Стеценко А. В. «Экономическая оценка природных ресурсов и услуг». - Вестник московского университета № 81, 2000.
2. «Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан». Экономическое обозрение, № 8-9, 2001.
3. Микроэкономика. Теория и российская практика: Учебник. Под ред. А. Г. Грязновой и А. Ю. Юданова. М., ИТД «КноРус», 1999. - 544 стр.
4. Шишов С. С. «Экономическая география и регионалистика». М., ЗАО: «Финстатинформ», 1998. -127 стр.

III боб

Ишлаб чиқариш салоҳияти ва уни баҳолаш усуллари

3.1. Ишлаб чиқариш салоҳияти тушунчаси. Капитал ва унинг тузилиши

Ишлаб чиқариш салоҳияти – бу маълум давр оралиғида зарур ассортимент ва сифатга эга бўлган маҳсулотни маълум миқдорда ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқариш салоҳиятига баҳо бериш энг аввало капиталнинг тузилишини, миқдорини ва самарадорлигини таҳлилдан ўтказишни назарда тутлади. Ҳозирги замон иқтисодиёти юз, беш юз йил олдинги хўжалиқдан ёки ривожланган давлат қолоқ давлатдан авваламбор ишлатилаётган капиталнинг сони ва сифатига қараб фарқ қилади.

Капитал омили ва унинг аҳамияти.

“Капитал” сўзи латинча “capitalis”дан келиб чиққан бўлиб, “бош”, “асосий” деган маънони англатади. Ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида капитал *одамлар даромад олиш учун бўлеуси иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида яратган* барча ишлаб чиқариш ресурслари – дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, янги технологиялар ва ишловлар, дастурий маҳсуллари бирлаштиради.

Маъкур таърифнинг уч муҳим бандини қайд этиб ўтиш керак.

1. Одамлар томонидан яратилган ресурслар капитал деб аталади. Табиат томонидан яратилган хилма-хил ресурсларни ўз ичига олувчи “ер” омилидан капиталнинг фарқи ана шунда. Мослаштирилган ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган табиий ресурслар (масалан, ишлов берилган ер) ҳам капитал бўлиши мумкин.

2. Фақат ишлаб чиқариш фаолиятида қўлланиладиган предметларгина капитал ҳисобланади. Пойабзал, озиқ-овқатлар, шахсий автомобиллар ва бошқа истеъмол буюмлари одамлар қўли билан яратилганлигига қарамай, улар ишлаб чиқаришда қўлланилмайди ва капитал деб ҳисобланмайди.

3. Капитал ишлатиладиган ишлаб чиқаришнинг мақсади фойда олишдир. Яъни капиталнинг асосий хоссаси даромад олиш бўлиб, у капиталнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги унумдорлиги билан белгиланади.

Капитал – бу ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омилидир. У ишлаб чиқариш омилилари ўртасида етакчи ўринни эгаллайди, чунки у ҳозирги замон иқтисодиётларининг асосий жиҳатларини:

- 1) уларнинг саноатлашган (технологик) хусусиятини;
- 2) ихтисослашиш ва меҳнат тақсимотини;
- 3) йирик ишлаб чиқаришнинг мавжудлигини белгилайди.


Юқорида зикр этилган хусусиятлар хўжалиқни ривожлантиришнинг маълум босқичида қабул қилинган “нима ишлаб чиқариш керак?” ва “қандай ишлаб чиқариш керак?” саволларига жавоб топилш усуллари акс этти-

ради. Ҳозирги замон иктисодиётининг технологик негизини белгилайдиган капитал бундай саволларга жавобларнинг хусусиятини белгилаб беради.

Капиталнинг тузилиши.

Иктисодий нуқтаи назардан *реал капитал* (ишлаб чиқариш капитал), яъни ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги капитал ҳамда *пул капитали*, яъни молиявий шаклдаги капитал тафовут этилади. Баъзан товар капитали ҳам тафовут этилади.

Реал капитал, яъни жисмоний шаклда фаолият кўрсатадиган капитал асосий ва айланма бўлади (3.1 расмга қаранг).



3.1-расм. Реал капиталнинг тузилиши

Асосий капитал жумласига асосан бир йилдан ортиқ, бир неча йил, ҳатто ўн йилликлар давомида хизмат қиладиган ва бир нечта ишлаб чиқариш даври давомида аста-секин фойдаланиладиган мол-мулк киради.

Асосий капитал бир нечта ишлаб чиқариш циклида фаолият кўрсатганлиги туфайли унинг қиймати уч ўлчамда аке эттирилади:

1. ишлаб чиқариш жараёнига киритилган (фойдаланишга топширилган) пайтдаги дастлабки қиймати;

2. ҳозирги (фойдаланишнинг айни давригача бўлган) қиймати (қолдик қиймати);

3. фойдаланишдан чиқариладиган пайтдаги тиклаш қиймати. Асосий капиталнинг эскириши, бинобарин, унинг қиймати микдори турли баҳолаш тизимларида аке эттирилади.

Асосий капитални диспласки қиймати бўйича баҳолаш – бу маъкур капитал ишлаб чиқариш жараёнига киритилган йили унинг қийматининг пул ифодасидир. Бундай баҳолаш асосий капиталнинг эскиришини ҳисобга олиш имконини бермайди. Асосий капиталнинг турли йиғиндилари миллий иқтисод тармоқларида турли даврларда амалга киритилиши уларнинг турли йилларнинг ўзаро таққослаб бўлмайдиган нархларида ўлчанадиган қийматларининг тўпلامини шакллантиради.

Қолдиқ қиймати бўйича баҳолаш деганда асосий капиталнинг фойдаланишга киритилган пайтдаги қийматининг айни давргача эскиришини эътиборга олган ҳолдаги пул ифодаси тушунилади.

Тикланган қиймати бўйича баҳолаш – бу асосий капиталнинг фойдаланишдан чиқарилган пайтдаги қийматининг пул ифодасидир.

Ҳар бир ишлаб чиқариш циклида айланма капитал бир марта ёки тўлиқ ишлатилади (яъни ўзининг истеъмол қийматини тўлиқ йўқотади).

Моддий айланма воситалар, яъни ишлаб чиқариш ғамламалари (ёни-лғи, хом ашё, материаллар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ғамламалари ва қайта сотишга мўлжалланган товарлар реал айланма капитални ташкил этади. Бу - айланма капиталнинг иқтисодий таърифи.

Агар моддий айланма воситаларга таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблардаги маблағларни, корхона кассасидаги пул маблағларини ва иш ҳақи харажатларини қўшсак, бухгалтерия таърифи бўйича айланма капитал (айланма воситалар)ни оламиз.

3.2. Ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш

Асосий капитал реал сектордаги фирмалар, корхоналарнинг бош таркибий қисми бўлиб, фирма (тармоқ, минтақа, бутун мамлакат)нинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўп жihatдан белгилаб беради.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарига нисбатан айни ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида гапирилади.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш салоҳияти (ИЧС)ни умумий кўри-нишда куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{ИЧС} = \Phi \cdot \gamma \quad (3.1),$$

бу ерда Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари;

γ - лойиҳада белгилабган фонд қуввати.

“Салоҳият” (потенциал) тушунчасидан жалб этилувчи ресурслар ва маблағлардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш мезонлари сифатида фойдаланилади.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш салоҳиятининг миқдори асосий фондларнинг ҳажми, тузилиши, такрор ишлаб чиқарилишини тавсифлайдиган кўрсаткичлар, шу жумладан фонд қуввати, фондларни янгилаш, уларнинг эскириши ва муомаладан чиқарилиши, шунингдек капиталнинг сифими сингари кўрсаткичларга бевосита боғлиқ.

Агар айланма капитал миқдорини асосий капитал миқдори билан солиштирадиган бўлсак, кўпгина фирмалар ва тармоқларда айланма капитал миқдори асосий капитал миқдоридан анча камлигининг гувоҳи бўламиз. Шунга карамай, айланма капитал ўз номига асосан хўжалик ҳаётида асосий капиталдан анча тез айланади. Натижада маҳсулот таннархига айланма капиталнинг қўшган ҳиссаси асосий капиталнинг ҳиссасидан анча катта бўлади. Асосий капитал ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотта бир неча йил давомида қисмларга бўлиб (амортизация орқали) ўтказса, айланма капитал – узоғи билан бир йил давомида ўтказилади. Айланма капитал қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида таҳлилдан ўтказилади: талаб қиладиган материал, энергия, металл сарфлари, шунингдек айланма воситаларнинг айланувчанлиги, жорий ва абсолют ликвидлик коэффициентилари.

Ишлаб чиқаришда капиталнинг иштирок этиши капиталнинг коэффициенти билан ифодаланади. Капиталнинг ўртача ва энг катта коэффициентлари тафовут этилади.

Капиталнинг ўртача коэффициенти – бу ишлатилган капитал ва олинган маҳсулот ёки даромад нисбатидир.

$$AK_c = \frac{C}{Y} \quad (3.2)$$

бу ерда AK_c – капиталнинг ўртача коэффициенти;

C – асосий капитал;

Y – даромад ёки маҳсулот.

Капиталнинг чегараланган коэффициенти – бу капиталнинг жойлаштирилиши (инвестициялар, унинг ўсиши) ва маҳсулот ёки даромаднинг тегишли ўсиши нисбатидир.

$$MK_c = \frac{I}{\Delta Y} \quad (3.3)$$

бу ерда MK_c – капиталнинг чегараланган коэффициенти;

I – инвестициялар;

ΔY – даромад (маҳсулот)нинг ўсиши.

Махсус иқтисодий мақсад ёки дастурни амалга ошириш учун зарур капиталнинг ўсишини ҳисоблаш миллий иқтисод секторлари бўйича фарқ қиладиган капиталнинг энг катта коэффициенти кўрсаткичига таянади.

Бозор иқтисодида капитални баҳолашга нисбатан 3 асосий ёндашув мавжуд:

- даромад ёндашуви;
- бозор ёндашуви;
- харажат ёндашуви.

Даромад ёндашуви баҳоланаётган корхонадан олинadиган бўлғуси даромадларга берилган баҳога асосланади. *Бозор ёндашуви*га мувофиқ баҳоланаётган корхона қиймати ўхшаш ёки қийсий объектларнинг соғилиши-

ни таҳлилдан ўтказиш усули, яъни таккослаш усули билан аниқланади.

Харажат ёндашуви шуни назарда тутадик, баҳоланаётган корхонанинг қийматини маънавий ва жисмоний эскиришни чегириб ташлаган ҳолда, такрор ишлаб чиқариш ёки мулкни алмаштириш учун зарур харажатларни таҳлилдан ўтказиш асосида аниқлаш мумкин. Учала ёндашув бир-бирини нафақат истисно этмайди, балки ўзаро боғлиқ ҳамдир.

Капитал эгалари ундан фойдаланиш ҳисобига даромад оладилар. Ссуда капитали билан боғлиқ ҳолда даромад *фоиз* шаклига киради. Қолган ҳолларда даромад фойда шаклига киради. У ҳар хил кўринишларда: фирма даромади, акция эгалари олган дивидендлар ва хоказо кўринишларда бўлиши мумкин.

Фойданинг миқдорини аниқлашнинг икки ўлчови мавжуд. Категориянинг абсолют кўрсаткичи – даромад массаси, нисбий кўрсаткичи – даромад нормаси.

Даромад массаси – бу унинг пулда ифодаланган абсолют ҳажми. *Даромад нормаси* – бу даромаднинг фоизда ифодаланган аванс капиталга нисбатидир. Унинг шакли:

$$П = \frac{П}{К} \cdot 100 \quad (3.4),$$

бу ерда $П$ – даромад нормаси; $П$ – даромад миқдори; $К$ – капиталнинг катталиги.

Даромад нормаси кўпинча рентабеллик даражаси деб аталади. У даромаднинг асосий фондлар ва айланма воситалар қийматига нисбати кўринишида ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш салоҳияти минтақада амалга оширилаётган инвестиция фаолиятига бевосита боғлиқ, реал капитални такрор ишлаб чиқариш ва янгилаш жараёнининг ўзи инвестициялаш деб аталади.

3.3. Инвестициялар: моҳияти ва таҳлили

Инвестициялар – бу мамлакат ичиди ва чет элда иқтисод тармоқларига капитални узоқ муддатли жойлаштиришидир. *Реал инвестициялар* – иқтисоднинг муайян тармоқларига капитални жойлаштириш ва *молиявий инвестициялар* – қимматли қоғозлар харид қилиш тафовут этилади. Инвестициялашнинг мазмуни шундаки, субъектлар келаси замонда фойда кўришни кўзлаб ўз маблагларини ҳозирги замонда жойлаштирадилар.

Капитални таҳлилдан ўтказиш *дисконтлаш принципини* кўриб чиқишни ҳам назарда тутати. Ҳар қандай инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш харажатлар ва даромадлар ўртасида замонда узилишни назарда тутати. Дисконтлаш деганда бўлғуси даромадларни ҳозирги қийматига келтириш йўли билан баҳолаш (ўлчап) усули тушунилади. (Гап шундаки, бугун олинган фойдани кўшимча даромад ҳосил қилиш учун қайта инвестициялаш мумкин.)

Дисконтлаш – бу мураккаб фоизларнинг ёзилишига тескари жараён. Биз бўлғуси қийматни $(1 + \text{фоиз ставкаси})$ мўлжаллаётган йилимизга бўлиш орқали жорий қийматни топамиз:

$$PV = \frac{FV}{(1 + R)^N} \quad (3.5),$$

бу ерда PV – жорий қиймат, FV – бўлғуси қиймат, R – фоиз ставкаси, N – йиллар сони.

Дисконтлаш фоиз ставкасидан фойдаланишга асосланади. Молиявий таҳлилдан ўтказишда фирма молиявий маблағларни қарз олиши мумкин бўлган намунавий фоиз дисконтлаш ставкаси деб олинади.

Шундай қилиб, дисконтлаш – бу бўлғуси даромадларнинг жорий (бу-гунги) қийматини олиш мақсадида даромадлар (фойдалар) оқимларини бир-бирига яқинлаштиришдир.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқариш салоҳияти – бу маълум давр оралиғида зарур ассортимент ва сифатта эга бўлган маҳсулотни маълум миқдорда ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида капитал *одамлар даромад олиш учун бўлгуси иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида яратган* барча ишлаб чиқариш ресурслари – дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, янги технологиялар ва ишловлар, дастурий маҳсулларни бирлаштиради.

Иқтисодий нуқтаи назардан *реал капитал* (ишлаб чиқариш капитали), яъни ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги капитал ҳамда *пул капитали*, яъни молиявий шаклдаги капитал тафовут этилади. Баъзан товар капитали ҳам тафовут этилади.

Асосий капитални дастлабки қиймати бўйича баҳолаш – бу маъкур капитал ишлаб чиқариш жараёнига киритилган йили унинг қийматининг пул ифодасидир.

Қолдиқ қиймати бўйича баҳолаш деганда асосий капиталнинг фойдаланишга киритилган пайтдаги қийматининг айни давргача эскиришини эътиборга олган ҳолдаги пул ифодаси тушунилади.

Тиклаш қиймати бўйича баҳолаш – бу асосий капиталнинг фойдаланишдан чиқарилган пайтдаги қийматининг пул ифодасидир.

Асосий капитал реал сектордаги фирмалар, корхоналарнинг бош таркибий қисми бўлиб, фирма (тармоқ, минтақа, бутун мамлакат)нинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш салоҳияти (ИЧС)ни умумий кўринишда қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин: $ИЧС = \Phi \cdot \gamma$.

Бозор иқтисодида капитални баҳолашга нисбатан 3 асосий ёндашув мавжуд: даромад ёндашуви; бозор ёндашуви; харажат ёндашуви.

Даромад ёндашуви баҳоланаётган корхонадан олинadиган бўлгуси даромадларга берилган баҳога асосланади.

Бозор ёндашувиға мувофиқ баҳоланаётган корхона қиймати ўхшаш ёки қиёсий объектларнинг сопилишини таҳлилдан ўтказиш усули, яъни таққослаш усули билан аниқланади.

Харажат ёндашуви шуни назарда тутадикки, баҳоланаётган корхонанинг қийматини маънавий ва жисмоний эскиришини ҳегтириб таплаган ҳолда, таққор ишлаб чиқариш ёки мутовви алмаштириш учун зарур харажатларни таҳлилдан ўтказиш асосида аниқлаш мумкин.

Инвестициялар – бу мамлакат ичиди ва чет элда иқтисод тармоқларига капитални узоқ муддатли жойлаштиришдир. *Реал инвестициялар* – иқтисоднинг муайян тармоқларига капитални жойлаштириш ва молиявий инвестициялар - қимматли қоғозлар харид қилиш тафовут этилади.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш капитали нима?
2. Капитални ишлаб чиқариш омили сифатида таърифланг.
3. Асосий капитални баҳолашнинг қандай турлари бор?
4. Инвестицияларга таъриф беринг. Инвестицияларнинг қандай турлари бор?
5. Дисконтлаш принципининг моҳияти нимада?
6. Жорий қиймат қандай аниқланади?
7. Ишлаб чиқаришда капиталнинг иштироки қандай аниқланади? Капиталнинг ўртача ва чегаравий коэффициентларига таъриф беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», -Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Копанов Г.В. Региональная экономика. - Ижевск «Персей», 1994.
3. Макроэкономика: Учеб.пособие для вузов. Под ред. И.П.Николаевой. ВЗФИ., М., ЗАО «Финстатинформ». 1999. — 213 стр.
4. Маршалова А.С., Новиков А. С. «Основы теории регионального воспроизводства», М., «Экономика». 1998.
5. Экономика. Под. ред. проф. А.С. Булатова., М., «Юрист», 2000.

IV боб

Меҳнат салоҳияти. Уни иқтисодий баҳолаш курсаткичлари

4.1. Меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти

Меҳнат соҳаси - жамият иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг муҳим ва кўп жабҳали соҳасидир. У ишчи кучи бозорини ҳам, меҳнат ресурсларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланишни ҳам қамраб олади. Меҳнат бозорида илчи кучининг қийматига баҳо берилади, уни ёллаш шартлари, шу жумладан иш ҳақи миқдори, меҳнат шартлари, таълим олиш, касбий ўсиш, бандлик кафолатлари ва ҳоказолар аниқланади. Меҳнат бозори бандлигининг динамикаси, унинг асосий (тармоқ, касбий-малакавий, демографик) тузилмаларидаги, яъни меҳнатнинг ижтимоий тақсимотидаги асосий тенденцияларни, шунингдек ишчи кучининг тезкорлигини, ишсизлигининг кўлами ва динамикасини аниқ эътиради.

Меҳнат омили ва жамиятнинг ривожланишида унинг алоҳида ўрни

Қадим замонлардан бошлаб инсон меҳнати ҳар қандай хўжалик фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳақли равишда ишлаб чиқаришнинг универсал омили деб таърифлаш мумкин. XVII асрдаёқ классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири В. Петти: “Меҳнат - бойликнинг отаси ва уни фаол яратувчи омил, ер эса – унинг онасидир”, деб айтган эди.

Меҳнат ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили сифатида нсмаатлар яратиш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган ақлий ва жисмоний фаолиятни ўзида мужассамлаштиради.

Шу билан бир вақтда, меҳнат – бу ҳақиқат фаолият, жисмоний ва асаб қувватини сарфлашдир. Бундай сарфлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) меҳнат қилиш жараёнида инсон организмнинг толиқиши, қаришига олиб келадиган жисмоний ҳаракатлар;

б) ишчи бажаришда диққат-эътиборни сарфлаш билан боғлиқ психологик, ақлий фаолият;

в) меҳнат жараёнига “кириш”, “кўшилиш”, уни давом эттириш ва таъминлаш учун зарур прода.

Олинган маълумот, касбий тайёргарлик (малака), тўпланган тажриба, ниҳоят, жисмоний ва шахсий фазилатлар инсондан унинг бутун фаол ҳаёти давомида ажралмасдир. Бинобарин, инсон меҳнат ресурсининг, яъни ўзининг маълум фаолият турларини амалга ошириш қобилиятининг ташувчиси ва эгасидир.

Меҳнат ресурслари тушунчаси ва уларнинг тузилиши

Меҳнат ресурслари – бу жамиятдаги меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган кишилардир. Уларнинг асосий қисmini меҳнат қилиш ёшида бўлган аҳоли таш-

кил этади. *Меҳнатга лаёқатли аҳоли* – бу аҳолининг маълум ёш доираси билан чегараланган қисмидир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан меҳнат ресурсларининг куйи чегараси 16 ёш, юқори чегараси эса эркаклар учун 60, аёллар учун эса 55 ёш деб қабул қилинган. Меҳнат ресурслари иқтисодда банд этилган ва банд этилмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, *меҳнат ресурсларининг миқдори* меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони билан тавсифланади. Меҳнатга лаёқатли ёш чегаралари турли мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий хусусиятлар, анъаналар ва урф-одатлардан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, Россия, АҚШ, ЖАРда меҳнатга лаёқатли ёшнинг куйи чегараси 16 ёшни, Франция, Англия, Япония ва Озарбайжонда – 15 ёшни, Қозоғистонда – 14 ёшни, Покистонда – 12 ёшни, Бенинда – 10 ёшни, Мисрда – 6 ёшни ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли ёшнинг юқори чегараси (пенсия ёши чегараси) Россияда аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун эса – 60 ёш, Англияда аёллар учун 60 ёш ва эркаклар учун 65 ёш, АҚШ, ГФР, Канада, Испанияда эса – эркаклар ва аёллар учун 65 ёш деб белгиланган. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишламайдиган ногиронлар меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибига киритилмайди.


Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонини ҳисоблаш аҳолининг жинс ва ёш таркибига асосланади. Шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятини статистик ўрганиш энг аввало демографик жараёнларни: аҳолининг сони ва тузилишини, табиий ва механик ҳаракатини ўрганишга асосланади. Мазкур кўрсаткичларни тузиш методологияси меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаракати абсолют кўрсаткичларини меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача сонига бўлиш йўли билан меҳнатга лаёқатлиларнинг табиий ва механик ҳаракати коэффициентларини ҳисоблаш учун қўлланади. Пенсияга чиқиш, ногиронлик, меҳнатга лаёқатли ёшда вафот этиш ва бошқалар меҳнатга лаёқатли ёшдан табиий чиқиш кўрсаткичлари ҳисобланади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони *минтақанинг мавжуд меҳнат салоҳиятини*, яъни *амалда меҳнатга лаёқатлилар сонини* акс эттиради.

Уни иқтисодий фаол аҳоли билан тавсифланадиган мавжуд меҳнат салоҳиятидан ажрата билиш керак. Иқтисодий фаол аҳоли меҳнатга лаёқатли аҳолидан кам (у иқтисодий фаолиятда иштирок этишни истамайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолини ўз ичига олмайди), яъни бу мамлакатнинг ишчи кучидир.

Ишчи кучи – бу иқтисоднинг мамлакат миллий даромади яратилаётган соҳаларида меҳнат билан банд бўлган аҳоли, яъни мамлакатнинг айни даврда фойдаланилаётган меҳнат салоҳиятидир. Меҳнат ресурсларининг гуруҳланишини расм кўринишида тасвирлаш мумкин (4.1 расмга қаранг).

Меҳнат ресурслари таркиби



4.1- расм.

Шундай қилиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида *иқтисодий фаол* ва *иқтисодий нофаол* аҳоли ажратилади. *Иқтисодий фаол аҳоли* деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган аҳоли ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳловчилар (ишсизлар) тушунилади.

“Ишчи кучи” тушунчаси иқтисодий фаол аҳолининг синонимидир. Статистикага кўра ривожланган мамлакатларда барча ишлайдиган аҳоли ва ишсизлар ишчи кучи деб ҳисобланади.

Иқтисодий нофаол аҳоли деганда давлат ва айрим кишилар қарамоғида бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган аҳоли тушунилади. Бундай аҳоли жумласига қуйидагилар киритилади:

1. ўқувчилар, кундузги ўқув юртларида таълим олувчи ва ишлаб чиқаришда банд этилмаган талабалар, курсантлар;
2. имтиёзли шартларда қариллик пенсияси олувчи шахслар;
3. ногиронлигига кўра пенсия олувчи шахслар.

Шундай қилиб, меҳнат ресурсларининг сони икки тоифа шахсларни камраб олади:

1. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонидан иқтисодий нофаол аҳолини, ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронларини, шунингдек имтиёзли шартларда пенсия оладиган ишламайдиган шахсларни, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олувчи ўқувчиларни айириш орқали аниқланади.

2. Меҳнатга лаёқатли ёш доирасидан ташқаридаги ишлаётган аҳоли – ишлаётган (16 ёшгача бўлган) ўсмирлар ва ишлаётган пенсионерлар сони билан аниқланади.

Аҳолининг бандлиги даражасини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

$$\text{Меҳнат ресурсларининг бандлиги коэффициенти} = \frac{\text{Ишлайдиганлар сони}}{\text{Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони}} \quad (4.1)$$

$$\text{Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги коэффициенти} = \frac{\text{Меҳнатга лаёқатли етган ишлайётганлар сони}}{\text{Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони}} \quad (4.2)$$

Бу нисбатларнинг ҳар бирининг сурати ва махражи ўртасидаги тафовут тегишли равишда меҳнат ресурслари ски меҳнатга лаёқатли аҳолининг захираларини кўрсатади.

Ишчи кучи ишлайдиганлар, ишсизлар ва туликсиз банд этилганлардан ташкил топади.

Ишсизлик даражасини қуйидаги нисбат аниқлайди:

$$\frac{\text{Ишсизлар сони}}{\text{Ишчи кучи сони}} \cdot 100\% \quad (4.3)$$

Меҳнат турларига қараб меҳнат ресурслари икки гуруҳга бўлинади:

- асосан ақлий меҳнат билан банд бўлганлар;
- асосан жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар.

Машғулот турига қараб саноат корхоналарининг ходимлари:

- асосий саноат-ишлаб чиқариш ходимларига;
- корхона балансида бўлган носаноат ташкилотлари (поликлиникалар, клублар, болалар боғчалари ва ҳ.к.) ходимларига бўлинади.

Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари ўз навбатида асосий, ёрдамчи ва кўмакчи цехларнинг ходимларига бўлинади. Ишчилар, яъни меҳнат предметиға бевосита таъсир кўрсатувчилар саноат-ишлаб чиқариш ходимлари тоифасига қиради.

Банд этилганларни туркумлаш зарурати корхоналарнинг асосий ва ноасосий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини тайёр маҳсулот таннархига киритиш усуллари ҳар хиллиги билан боғлиқ.

4.2. Меҳнат ресурсларининг сон кўрсаткичлари

Меҳнат ресурслари сонининг абсолют кўрсаткичи – бу ишлайдиган ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони билан ишлайётган ўсмирлар ва қариялар сонининг йиғиндисидир.

Меҳнат ресурсларининг абсолют миқдори қуйидагича ҳисоблаш йўли билан олинади:

$$\text{Меҳнат ресурсларининг абсолют миқдори} = \text{Бутун аҳоли} \cdot \text{Ишлайдиган ёшдаги одамлар сони} + \text{Ишлайдиган пенсияонерлар ва ўғиллар} \quad (4.4)$$

Меҳнат ресурслари сони маълум санагача бўлган ҳолатга кўра қайд этилади ва шу туфайли даврий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо бундай кўрсаткич ипакли иқтисодий ҳисоб-китоблар учун унча яроқли эмас, шунинг учун ҳам олинган маълумотлар (ой, чорак, йил учун) ўртача арифметик оралик қаторларини ҳосил қилади. Агар бошланғич маълумотларда давр (ой, чорак, йил)нинг боши ва охирида меҳнат ресурслари сонига оид кўрсаткичлар бўлса, ой (чорак, йил) учун ўртача арифметик кўрсаткич қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T = \frac{T_1 + T_2}{2} \quad (4.5)$$

Агар меҳнат ресурсларининг сони ҳақидаги маълумотлар давр бошидаги ўзаро тенг саналарга, масалан, 1 январь, 1 февраль, 1 март ва ҳоказоларга тўғри келса, меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик миқдори ўртача хронологик миқдор кўринишида аниқланади:

$$T = \frac{\frac{1}{2}T_1 + T_2 + \dots + T_{n-1} + \frac{1}{2}T_n}{n-1} \quad (4.6)$$

Агар меҳнат ресурсларининг сони ҳақидаги даврий кўрсаткичлар ўзаро тенг бўлмаган саналаргача ҳар хил ораликларда (масалан, уч, тўрт, беш ой оралигида) ифодаланган бўлса, меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик миқдори ораликлар катталиги бўйича ўртача хронологик миқдор кўринишида аниқланади:

$$T = \frac{\frac{1}{2}(T_1 + T_4) \cdot 3 + \frac{1}{2}(T_4 + T_9) \cdot 5 + \frac{1}{2}(T_9 + T_{13}) \cdot 4}{12} \quad (4.7)$$

Бутун мамлакат ва алоҳида минтақалар учун меҳнат ресурслари соф ўсишининг кўрсаткичи уларнинг табиий кўпайиши ва камайиши ўртасидаги тафовут кўринишида ҳисобланади.

$$\text{Меҳнат ресурсларининг табиий кўпайиши} = \text{16 ёшга тўлганлар} + \text{Амалда ишлайдиган пенсияонерлар сони} \quad (4.8)$$

$$\begin{array}{l} \text{Меҳнат ресурсларининг табиий камайиши} = \text{Пенсия ёшига тўлганлар ва инди қалмаганлар} \\ \text{Ностроитимки ўтган меҳнатга лавқатлилар сони} \\ \text{Меҳнатга лавқатлилар орасига вафот этганлар ҳамда ишлайдиган пенсияонерлар ва ўғиллар сони} \\ \text{Инди қалган пенсияонерлар сони} \end{array} \quad (4.9)$$

$$\begin{array}{l} \text{Меҳнат} \\ \text{ресурсларининг} \\ \text{соф қўпайиши} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Меҳнат} \\ \text{ресурслари} \\ \text{сифининг} \\ \text{табиий} \\ \text{тўлдирилиши} \end{array} - \begin{array}{l} \text{Меҳнат} \\ \text{ресурсларининг} \\ \text{табиий камайиши} \end{array} \quad (4.10)$$

Келишлар сони билан кетишлар сони ўртасидаги тафовут меҳнат ресурсларининг механик ўсишини, яъни миграцияни белгилайди:

$$\begin{array}{l} \text{Меҳнат} \\ \text{ресурсларининг} \\ \text{механик} \\ \text{қўпайиши} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Минтақага} \\ \text{келган меҳнат} \\ \text{ресурслари} \\ \text{сони} \end{array} - \begin{array}{l} \text{Минтақадаги} \\ \text{кетган меҳнат} \\ \text{ресурслари сони} \end{array} \quad (4.11)$$

Меҳнат ресурслари сонининг абсолют кўрсаткичлари ва уларнинг ўсишлари (барча ёшдаги, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва бошқа) аҳоли сонининг абсолют кўрсаткичлари билан таққосланади.

Натижада сана ёки давр оралиғигача бўлган nisбий кўрсаткичлар ҳисобланади:

$$\begin{array}{l} \text{Меҳнатга} \\ \text{лаёқатли ёшда} \\ \text{аҳолининг} \\ \text{салмоғи} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Меҳнатга лаёқатли} \\ \text{ёшдаги аҳоли сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Аҳолининг умумий} \\ \text{сони} \end{array}} \cdot 100\% \quad (4.12)$$

$$\begin{array}{l} \text{Меҳнатга} \\ \text{лаёқатли аҳоли} \\ \text{коэффициенти} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Аҳолининг умумий сони} \end{array}} \quad (4.13)$$

$$\begin{array}{l} \text{Аҳолининг} \\ \text{бандлиги} \\ \text{коэффициенти} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Барча ёшдаги меҳнатда банд} \\ \text{этилган аҳоли сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Аҳолининг умумий сони} \end{array}} \quad (4.14)$$

$$\begin{array}{l} \text{Ишчи ёшидаги} \\ \text{меҳнатга} \\ \text{лаёқатли аҳоли} \\ \text{коэффициенти} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Ишчи ёшидаги меҳнатга лаёқатли} \\ \text{аҳоли сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони} \end{array}} \quad (4.15)$$

$$\begin{array}{l} \text{Меҳнатга} \\ \text{лаёқатли} \\ \text{аҳолининг} \\ \text{бандлиги} \\ \text{коэффициенти} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Ишда банд этилган меҳнатга} \\ \text{лаёқатли аҳоли сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони} \end{array}} \quad (4.16)$$

$$\frac{\text{Меҳнатга лавқятли аҳолининг юклама коэффициенти}}{\text{Меҳнатга лавқятсиз аҳоли сони}} = \frac{\text{Меҳнатга лавқятли аҳоли сони}}{\text{Меҳнатга лавқятли аҳоли сони}} \quad (4.17)$$

$$\frac{\text{Меҳнатга лавқятли аҳоли пенсия юкلامаси коэффициенти}}{\text{Пенсия ёшидаги аҳоли сони}} = \frac{\text{Пенсия ёшидаги аҳоли сони}}{\text{Меҳнатга лавқятли аҳоли сони}} \quad (4.18)$$

$$\frac{\text{Меҳнат ресурсларини алмаштириш (ўринини тўлдирини) коэффициенти}}{\text{Меҳнатга лавқятли ёшига тўлмаган аҳоли сони}} = \frac{\text{Меҳнатга лавқятли ёшига тўлмаган аҳоли сони}}{\text{Ишчи ёшидаги аҳоли сони}} \quad (4.19)$$

$$\frac{\text{Ишчи ёшидаги меҳнатга лавқятли аҳолининг соф ўсиши коэффициенти}}{\text{Ишчи ёшидаги меҳнатга лавқятли аҳолининг соф (табiiй) ўсиши}} = \frac{\text{Ишчи ёшидаги меҳнатга лавқятли аҳолининг соф (табiiй) ўсиши}}{\text{Ишчи ёшидаги меҳнатга лавқятли аҳолининг сони}} \quad (4.20)$$

Ушбу нисбий кўрсаткичлар меҳнат ресурслари абсолют кўрсаткичларининг интенсивлигини ўрганиш, динамикада ҳисобланган кўрсаткичлар эса – уларнинг турли даврларда ўзгариш жараёнларини ўрганиш имконини беради.

Корхона ёки фирма доирасида *ҳодимларнинг рўйхатдаги ва амалдаги сони, ишга келганлар сони* ҳодимлар сонининг асосий кўрсаткичларидир. Бу кўрсаткичлар маълум санага (даврий кўрсаткичлар) ва ўрганилаётган даврга (оралик кўрсаткичлар) ҳисобланади.

Рўйхат таркибига барча доимий, мавсумий ҳамда бир кун ва ундан ортиқ муддатга қабул қилинган вақтинчалик ҳодимлар киритилади.

Амалиётни ўтаётган мактаб ўқувчилари, билим юртлари талабалари, шунингдек бир марталик (тасодифий) ишларни бажаришга жалб этилган ишловчилар рўйхат таркибига киритилмайди. Маълум санагача бўлган ҳодимларнинг рўйхат бўйича сонига: а) шу кун ишга келганлар; б) ишга келмаганлар (касалиги туфайли келмаганлар, навбатдаги меҳнат ёки ўқув таътилларида бўлганлар, давлат ёки жамоатчилик топшириқларини бажараётганлар ва ҳ.к.), аммо корхона ҳодимлари рўйхатида бўлган ҳодимлар киритилади. Ишчи ва хизматчиларнинг рўйхат бўйича сони ҳар бир корхонада

**Статистика ҳисоботи маълумотларига кўра шаклантириладиган
меҳнат ресурслари кўрсаткичлари**

	Ўлчов бирлиги	Ўзлон қилишнинг даврийлиги	Ўзлаштириш соҳаси
I. Меҳнат ресурсларининг маълумлиги			
1. Ходимларнинг ўртача сони — жами	инсон	ой	иқтисод тармоқлари бўйича
шу жумладан:			
- рўйхат таркиби ходимлари (ташқаридан жалб этилганларсиз)	☆	☆	Шунинг ўзи
- ташқаридан жалб этилганлар	☆	☆	☆
- фуқароларнинг ҳуқуқий шартномалари бўйича ишларин бажарган ходимлар	☆	☆	☆
- норўйхат таркибидаги бошқа шахслар	☆	☆	☆
2. Ходимларнинг умумий сонидан — асосий фаолият тури бўйича	инсон, ходимларнинг умумий сонига нисбатан % да	☆	☆
II. Ходимларнинг ҳаракати ва рўйхат таркибиянинг мўлжалланган озод бўлиши (ташқаридан жалб этилганларсиз)			
1. Йил бошидан буён ишга қабул қилинган ходимлар — жами	инсон	чорак	иқтисод тармоқлари бўйича
шу жумладан очилган қўшимча иш жойларига	☆	☆	Шунинг ўзи
2. Иял бошидан буён ишдан бўшатишлар — жами	инсон	чорак	иқтисод тармоқлари бўйича
шу жумладан:			
- ходимлар сони кенгайтирилиши муносабати билан	☆	☆	☆
- ўз ихтиёрига кўра	☆	☆	☆
3. Ҳисобот даври охирида рўйхат таркиби ходимларининг сони	☆	☆	☆
4. Ҳисобот даври охирида бўш иш жойлари (зарур ходимлар) сони	инсон	чорак	иқтисод тармоқлари бўйича
5. Яқин чоракда қўлатиш мўлжалланган бўш иш жойлари сони	☆	☆	Шунинг ўзи
6. Яқин чоракда бўшатиш мўлжалланган ходимлар сони	☆	☆	☆

хар куни аниқланади. Дам олиш ва байрам кунлари ходимларнинг рўйхат бўйича сони олдинги иш кундаги ходимларнинг рўйхат бўйича сонига тенг деб олинади.

Ишга келганлар сони ишга келган ходимлар сонини, *амалда ишлайдиганлар сони* эса – ишга киришган ходимлар сонини кўрсатади.

Маълум давр учун ходимлар сонини тавсифлашда ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони ҳисобланади.

Ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони ходимларнинг давр (ой, чорак, йил)нинг барча кунларидаги рўйхат бўйича сони йигиндиси (S)ни мазкур даврдаги кунларнинг календар сонига бўлиш йўли билан топилади.

Агар корхона тўлиқ ой ишлаган бўлмаса, ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони корхона ишлаган барча кунлардаги, шу жумладан дам олиш кунларидаги ходимлар сонини ойнинг календарь кунлари сонига (28, 29, 30, 31) бўлиш йўли билан аниқланади.

Ишга келган ходимларнинг ўртача сони корхонанинг иш кунлари сонига бўлинган барча иш кунларида ишга келган ходимлар сонига тенг.

Амалда ишлаётган ходимларнинг ўртача сони амалда ишланган инсон кунлари сонини корхонанинг иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўқорида зикр этилган кўрсаткичларнинг ҳаммасини статистик ҳисобот маълумотларига кўра тузиладиган меҳнат ресурслари кўрсаткичлари ёрдамида ҳисоблаш мумкин (4.1 жадвалга қаранг).

4.3. Минтақалар бўйича меҳнат ресурслари балансини таҳлилдан ўтказиш

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишда мумкин бўлган энг катта самарага фақат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда тармок ва ҳудудий ривожланишнинг уйғунлигини таъминлаш йўли билан эришиш мумкин. *Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган ҳудудий ташкилоти* энг кагта иқтисодий самарани ва меҳнат ресурсларининг энг тўлиқ бандлигини таъминлайди.

Ҳудудий жойлашиш одамларнинг китъалар, мамлакатлар, маъмурий ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктларида жойлашишини тавсифлайди.

Одамлар жойлашишининг хусусиятлари бир қатор тарихий, жуғрофий, иқлимий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади. У ёки бу ҳудудда аҳолининг тарқалганлиги даражаси аҳоли зичлигини тавсифлайди. Мазкур кўрсаткич қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Аҳолининг сони

$$\text{Аҳолининг зичлиги} = \frac{\text{Аҳолининг сони}}{\text{Ҳудуднинг ички сув ҳавзаларисиз майдони}} \quad (4.21)$$

Аҳолининг ҳудудий жойлашишини ўрганишда *шаҳар* ва *қишлоқ* аҳолиси тафовут этилади. Ўзбекистонда 7 минг ва ундан ортиқ аҳоли яшайдиган аҳоли пункти шаҳар деб ҳисобланади, башарти ундаги оилаларнинг камида 85% ни ишчи ва хизматчилар (яъни ноқишлоқ хўжалиги аҳолиси) ташкил этса. Аҳолисининг сони 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар кичик шаҳарлар деб, 50-100 минг киши яшайдиган шаҳар ўртача шаҳар деб, 100-250 минг киши яшайдиган шаҳар катта шаҳар деб, 250 мингтадан кўп одам яшайдиган шаҳар йирик шаҳар деб, аҳолисининг сони 1 млн. дан ортиқ бўлган шаҳар энг йирик шаҳар деб ҳисобланади¹.

Аҳолини шаҳар ва қишлоқ аҳолисига ажратишни аграр ва индустриал бандлик билан аралаштирмаслик керак.

Қабул қилинган *меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига қараб туркумлаш* усулига мувофиқ куйидаги минтақалар тафовут этилади: *ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд минтақалар* – табиий ва механик ўсиш даражасининг катталиги ҳамда бўш иш жойлари етишмаслиги билан тавсифланади;

меҳнат ресурслари тақчил минтақалар – малакали ишчи кучи камлиги билан тавсифланади. Бундай минтақалар мураккаб табиий-иклимий шароитлари, яхши ривожланмаган ижтимоий-ишлаб чиқариш соҳаси ва инфратузилмаси, шунингдек ишчи кадрларнинг кўнимсизлиги билан фарқ қилади;

иш ва меҳнат ресурслари билан таъминланган минтақалар – иш жойлари билан ишчи кучи ўртасида мувозанат ўрнатилган минтақалар.

Иктисодий фаол аҳоли бандлигининг тузилиши кўп жиҳатдан иктисодий ҳудудларнинг ихтисослашиши даражаси ва йўналиши билан белгиланади.

Меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг бандлик турлари, ижтимоий гуруҳлар, миллий хўжалик тармоқлари, ташкилотларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши мамлакат ва алоҳида минтақалар кўламида махсус жадвалда (меҳнат баланси шаклида) ҳисобга олиниши керак.

Меҳнат ресурслари баланси ҳар йили тузилади, кўрсаткичлар унда ўртача йиллик ҳисоблашларга кўра, иктисодий туманлар, вилоятлар, шаҳарлар бўйича тақсимланган ҳолда берилади.

Меҳнат ресурслари баланси икки бўлимдан ташкил топади. Биринчи бўлимда меҳнат ресурсларининг сони ва таркибига тавсиф берилади, иккинчи бўлимда – уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши келтирилади. Меҳнат ресурслари балансида меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳолига ҳамда ишлаётган қариялар ва ўсмирларга бўлинади.

Меҳнат баланси расми

I. Меҳнат ресурслари

1) Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли.

¹ “Миллионер” шаҳарлар сонига кўра АҚШ жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди (20 дан ортиқ шаҳар).

2) Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд этилган пенсия ёшидаги шахслар ва ўсмирлар.

Жами меҳнат ресурслари (1 + 2).

II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши

1) Миллий иқтисодда банд этилганлар - жами

шу жумладан:

а) давлат ва маҳаллий бошқарув органлари мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда;

б) жамоат бирлашмалари ва ташкилотларида;

в) аралаш мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда;

г) қўшма корхоналарда;

д) хусусий секторда, шу жумладан деҳқон ва фермер хўжаликларида, шу жумладан ёлланма ишчилар ва яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳам ҳисобга олганда.

Миллий иқтисодда банд этилганларнинг умумий сонидан:

а) моддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганлар – жами

шу жумладан тармоқлар ва аҳолининг ижтимоий табақалари бўйича;

б) ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар – жами

шу жумладан тармоқлар ва аҳолининг ижтимоий табақалари бўйича.

2) Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълимолаётган меҳнат ёшидаги (16 ёш ва ундан катта) ўқувчилар.

3) Диний идораларнинг хизматчилари ва бошқалар.

4) Рўзғорда банд бўлган ва болаларга қараётган меҳнат ёшидаги меҳнатта лаёқатли аҳоли.

Жами тақсимланди (1 + 2 + 3 + 4).

Меҳнат ресурслари сони меҳнат ёшидаги меҳнатта лаёқатли аҳоли ва меҳнат ёши доирасидан ташқаридаги ишлаётган шахслар (пензионерлар ва ўсмирлар) сонидан таркиб топади.

Меҳнат ёшидаги меҳнатта лаёқатли аҳоли сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{ccccccc} \text{Меҳнат ёшидаги} & & \text{Меҳнат} & & \text{Меҳнат ёшидаги} & & \text{Меҳнат ёшидаги} \\ \text{меҳнатта лаёқатли} & = & \text{ёшидаги} & - & \text{ишламайдиган I} & - & \text{ишламайдиган} \\ \text{аҳоли сони} & & \text{ўзгармас} & & \text{ва II гуруҳ} & & \text{пензионерлар} \\ & & \text{аҳоли сони} & & \text{ногиронлари} & & \text{сони} \\ & & & & \text{сони} & & \end{array}$$

(4.22)

Балансда меҳнат ресурслари кишлоқ ва шаҳар ўртасида тақсимланади, бунда кишлоқда яшайдиган, аммо шаҳарда яшайдиган ёки ўқийдиган шахсларга қараб киритиладиган тузатиш эътиборга олинади.

Корхоналарда ишлайдиганларнинг сони рўйхат таркиби сони ва пудрат шартномаларига кўра ишлайдиганлар сони ҳақидаги статистик ҳисобот-

дан олинади. Дехқон хўжаликларда банд бўлганлар сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{\text{Дехқон хўжаликларида банд бўлганлар сони}}{\text{Хар бир чорак бошида дехқон хўжаликларининг ўртача сони}} \times \frac{\text{Хар бир хўжаликдаги бандлик коэффициенти}}{\text{Хар бир хўжаликдаги бандлик коэффициенти}} \quad (4.23)$$

Бандлик коэффициенти йил бошидаги ҳолатга кура қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{\text{Хар бир хўжаликдаги бандлик коэффициенти}}{\text{Ўрганилган дехқон хўжаликларида банд бўлганларнинг умумий сони}} = \frac{\text{Ўрганилган хўжаликлар сони}}{\text{Ўрганилган хўжаликлар сони}} \quad (4.24)$$

Меҳнат ёшидаги ишламайдиган ногиронлар, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи имтиёзли пенсионерлар, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган меҳнат ёшидаги ўқувчилар ва иқтисодда банд этилган пенсия ёшидаги шахслар сони бандлик муаммолари юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг маълумотлари ёрдамида ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари балансидаги ресурслар ва ресурсларнинг тақсимланиши қисмлари ўзаро мос келиши лозим. Бу миграция хизмати маълумотлари бўйича мамлакат ҳудудида банд этилган чет эллик ишловчилар сонига қараб меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига тузатиш киритиш йўли билан таъминланади.

Меҳнат ресурслари балансини таҳлилдан ўтказиш мамлакат меҳнат ресурсларининг бандлиги даражасини, унинг тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича тақсимланиши тузилишини, банд этилганларнинг ижтимоий таркибини, ёрдамчи хўжалик ва рўзғорда банд бўлганлар салмоғини, меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги шахсларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштироки даражасини, меҳнат ресурсларининг мамлакат минтақалари ўргасида тақсимланишида юзага келган нисбатларни аниқлаш имконини беради. Бир қатор йиллардаги меҳнат ресурслари балансларини таққослаш орқали мазкур кўрсаткичларни динамикада баҳолаш мумкин. 4.2 жадвалда меҳнат ресурслари балансининг макети келтирилган.

Потенциал ва амалда фойдаланилаётган меҳнат ресурслари тафовут этилади. Амалда фойдаланилаётган меҳнат ресурслари минтақа меҳнат салоҳиятининг фаолиятини тавсифлайди.

Меҳнат ресурслари балансининг макети
Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши

Меҳнат ресурсларининг маълумлиги	Жамъи илп билан бағдлар	Шу жумладан					
		Давлат ва маҳаллий корхона ва таъкилотларида	Жамъит ташкилотлари ва корхоналарида	Арабани мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар	Қўшма корхоналари	Хусусий секторда	
						шундан	
						Жамъа	Изога тартибда меҳнат фавқияти билан банд бўлганлар
Меҳнат ёшдаги меҳнатга шайланган аёлли							
1) Меҳнат ресурслари							
2) Иккинчи илпиб чиқаришда банд бўлган ва банд бўлмаган шахслар ва бўликлари							
Жамъи меҳнат ресурслари (1 + 2)							
шу жумладан:							
Илпиб чиқариш тўрмоқлари ва моддий-техника тизимларида							
Саноатда							
Қўшма хўжаликларда							
Ўрмон хўжаликларда							
Транспортда							
Қурилишда							
Саноат							
Умумий оғирликларда							
Моддий-техника тизимлари ва сотишда							
Табиғий ресурслар							
Аҳолининг хизматлари хизматлари кўрсатиши							
Қўшма мулк билан шайланганларда							
Билан тизимлари бундан умумий оғирлик фавқияти							

4.4. Меҳнат салоҳияти: унга сифат ва сон жиҳатидан баҳо бериш мезонлари

Бугунги кунда Ўзбекистон кучли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат ресурслари жами аҳолининг қарийб 50% ни ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Меҳнат ресурслари ўзининг сон ва сифат кўрсаткичларига эга бўлиб, биргаликда жамиятнинг меҳнат салоҳиятини белгилаб берувчи абсолют ўлчовни ташкил этади. Бу ўлчов ҳам ўз навбатида сон ва сифат жиҳатларига эга.

Меҳнат салоҳиятининг *сон* жиҳати қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- а) меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сони;
- б) юзага келган меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги даражасида аҳоли меҳнат қиладиган иш вақти сони.

Меҳнат салоҳияти (МС)ни ҳисоблаш учун қуйидаги формула қўлланади:

$$МС = МР \times МУ \quad (4.25),$$

бу ерда МР – меҳнат ресурслари, МУ – меҳнатнинг потенциал унумдорлиги.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат ресурсларидан самара фойдаланиш кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймат ҳажмини (одатда, бу ялпи ички маҳсулот, яъни алоҳида тармоқлар маҳсулотининг қўшилган қиймати) ё банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонига (йиллик меҳнат унумдорлиги), ё ишланган инсон соатлари сонига (меҳнатнинг соатбай унумдорлиги) бўлиш йўли билан аниқланади.

Мамлакат хўжалигининг ҳолатини аниқлаш учун *йиллик меҳнат унумдорлиги* кўрсаткичи киритилади. Мамлакатда йил давомида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот сонини фойдаланилаётган жами ишчи кучи миқдорига бўлиб, умуман миллий иқтисоддаги меҳнатнинг унумдорлигини аниқлаш мумкин. Жумладан, унумдорлик иқтисодда банд бўлган киши бошига ЯИМ кўрсаткичи билан тавсифланади.

Меҳнат салоҳиятининг *сифат* жиҳати қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

- а) меҳнатга лаёқатли аҳолининг соғлиги, жисмоний лаёқати;
- б) аҳолининг умумий маълумоти ва касбий-малакавий тайёргарлиги даражаси.

Шундай қилиб, меҳнат салоҳиятининг сон жиҳати унинг экстенсив таркибини ифода этса, сифат жиҳати – интенсив таркибини ифода этади. Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятининг интенсив таркиби анча каттадир. И.А. Каримов қайд этиб ўтганидек: “*Юксак маълумот даражаси меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятидир. Аҳолининг ялпи саводхонлиги масаласи республикада тўлиқ ҳал қилинган. Аҳолининг саводхонлиги даражаси 99.06% ни ташкил этадики, бу жиҳатдан республика иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир даражада туради*”.

Меҳнат бозори – иқтисоднинг ўзига хос сектори. Мазкур бозор умуман олганда талаб ва таклиф қонунларига бўйсунди ҳамда бошқа товар бозорларидан бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Меҳнат бозорининг субъектлари тирик одамлардир. Меҳнат бозорини тартибга солиш улкан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, давлат бунга алоҳида ғамхўрлик қилади. Бу ерда нафақат макроиқтисодий ва микроиқтисодий омиллар, балки ижтимоий ва ижтимоий-психологик омиллар ҳам тартибга солиш воситалари бўлиб хизмат қилади.

Меҳнатга бўлган талаб кўп жиҳатдан тармоқ хусусиятига эга омиллар таъсирида шаклланади, шунинг учун ҳам у иқтисодий воситалар билан мувофиқлаштирилиши керак. *Меҳнат таклифи* (ишчи кучи таклифи) минтақавий хусусиятларга, шу жумладан демографик жараёнларга кўнрок боғлиқ бўлади, бу уни ижтимоий тартибга солиш заруратини кучайтиради. Аҳоли сони (умуман олганда, демографик вазият) минтақанинг иқтисодий салоҳиятига катта таъсир кўрсатади ҳамда унинг моддий ва ижтимоий ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатни юритиш шунга асосланадiki, жамиятнинг асосий бойлиги инсон ҳисобланади. Бу принципдан келиб чиқиб демографик сиёсат изчил амалга оширилади. Мазкур сиёсатнинг асосий йўналишлари: ёш авлоднинг сифат хусусиятларини (саломатлик, jisмоний ривожланиш, маълумот) ошириш, одамларнинг умрини узайтириш ва меҳнат фаолиятини ошириш чора-тадбирлари тизимли амалга ошириш, онлани мустаҳкамлашга қўмаклашиш, хотин-кизлар ва оналар меҳнат фаолиятда фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, болаларга ва меҳнатта лаёқатсиз одамларга қарашда жамият томонидан ёрдам кўрсатиш.

Демографик вазиятнинг комплекс таҳлили қуйидаги ўзаро боғлиқ омиллар ва кўрсаткичларни таҳлилдан ўтказишни назарда тутаяди:

- аҳоли сонининг динамикаси;

Аҳоли сонининг динамикасига таъсир кўрсатадиган омиллар:

а) *табиий ўсиш* (маълум даврда туғилганлар ва ўлганлар сони ўрта-сидаги тафовут);

Аҳоли сонини ҳисоблаш учун табиий ўсиш коэффициентидан фойдаланилган тақдирда, қуйидаги формула қўлланади:

$$\begin{array}{l}
 \text{Ҳар бир йилнинг} \\
 \text{бошланча бўлган} \\
 \text{аҳоли сони}
 \end{array}
 (N_1) =
 \begin{array}{l}
 \text{Олдинги} \\
 \text{йилнинг} \\
 \text{бошланча} \\
 \text{бўлган аҳоли} \\
 \text{сони}
 \end{array}
 (N_0) +
 \begin{array}{l}
 \text{Ушбу йилда} \\
 \text{аҳолининг} \Delta_1 \\
 \text{ўсиши}
 \end{array}
 \quad (4.26)$$

б) *механик ўсиш* (миграция жараёнларини акс эттиради ва келганлар билан кетганлар ўртасидаги тафовут тарзида ҳисобланади);

- аҳолининг сифат таркиби;

Аҳолининг сифат таркибини белгилайдиган омиллар:

а) *ёш тузилиши* (турли ёш гуруҳлари сонининг нисбати);

Демографик тавсифлаш учун аҳолининг ёши алоҳида аҳамиятга эга, чунки демографик жараёнларнинг интенсивлиги одамларнинг ёш таркибига боғлиқ. Статистика тадқиқотларида ёш шахс гулган ёшнинг яхлит сони кўринишида ҳисобланади, яъни у математика қоидаларига кўра яхлитланмайди, балки қаср қисми чиқариб ташланади. Ёшга қараб кўпинча аҳолининг қуйидаги гуруҳлари тафовут этилади: чақалоклар (0-1 ёш), боғча ёшидаги болалар (1-3 ёш), мактабгача ёшдаги болалар (4-6 ёш), мактаб ёшидагилар (7-17 ёш), меҳнатта лаёқатли ёшдаги аҳоли (аёллар – 16-54 ёш, эркеклар – 16-59 ёш), фертил ёшдагилар аёллар (15-49 ёш), пенсия ёшидагилар (аёллар – 55 ёшдан бошлаб, эркеклар – 60 ёшдан бошлаб).

б) *жинс тузилиши*;

Аҳолининг жинс тузилиши эркеклар ва аёлларнинг абсолют сони ҳамда аҳолининг умумий сонига эркеклар ва аёлларнинг салмоғининг нисбий кўрсаткичлари билан тавсифланади. Жинслар нисбати кўрсаткичи - ҳар 100 аёлга тўғри келган эркеклар сони - қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\frac{\text{Эркеклар сони}}{\text{Аёллар сони}} \cdot 100\% \quad (4.27)$$

в) *ижтимоий тузилиши* (ижтимоий табақаларга мансублик).

• *аҳоли зичлиги*

(муайян минтақада яшайдиган аҳоли зичлиги кўрсаткичи; у ҳудуднинг ўзлаштирилганлиги, одамлар ҳўжалик фаолиятининг интенсивлиги даражасини тавсифлашга хизмат қилади).

Статистика ахборотили тақлиф этилган расмга асосан таҳлилдан ўтказиш минтақада юзага келган ва меҳнат салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи демографик тенденцияларни аниқлаш имконини беради.

Меҳнат салоҳиятига баҳо бериш.

Аҳолининг сони моҳият эътибори билан меҳнат салоҳияти бўла олмайди. Шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятига баҳо бериш қуйидаги кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилиши лозим:

- банд бўлганлар сонининг динамикаси;

- мулкчилик шакллари бўйича банд бўлганлар сонининг динамикаси ва тузилиши;

- меҳнат ресурслари тармоқ тузилишининг динамикаси (банд этилган меҳнат ресурсларининг иктисод тармоқлари бўйича тақсимланиши);

- касб-кор тузилиши;

- малакавий тузилиши;

- бандлик даражаси – банд этилганлар умумий сонининг меҳнат ёшидаги аҳоли сонига нисбати;

- ишчи кучининг баланси;

- ишчи кучининг маълумоти даражаси;

- меҳнат унумдорлиги.

4.5. Меҳнат бозори ва унинг мониторинги

Меҳнат бозори иктисоднинг турли сектор ва тармоқларининг муҳим боғловчи бўғинидир. Меҳнат бозори – бу ишчи кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Бу ерда рақобат шароитида ишчи кучининг олди-сотдиси амалга оширилади. Меҳнат бозорининг бир томонида иш кучи эгаси турса, иккинчи томонида ишчи кучига мухтож корхона, фирма туради. Улар ўргасида айир-бошлаш муносабати юз беради. Шу тарзда ишчи кучига талаб ва ишчи кучи таклифи бир-бири билан боғланади.

Меҳнат бозори мониторинги деганда мазкур бозор фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикасидаги ўзгаришларни тезкор тизимли ахборот-таҳлилий кузатиб бориш тушунилади. Мониторингнинг мақсади меҳнат биржасида, минтақа ва республика миқёсида юзага келадиган тенденциялар ва кескин муаммоларни аниқлабгина қолмасдан, бандликни таъминлаш, ишсизликнинг назорат қилинадиган даражасини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан ҳам иборатдир. Мониторингни амалга ошириш учун бандлик хизматининг барча бўғинлари аниқ ишлаши, шунингдек қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олувчи катта ахборот базаси ташкил этилиши лозим:

- икки усулда ҳисобланадиган ишчи кучига бўлган самарали талаб коэффициентлари:

а) даврдаги янги бўш жойлари умумий сонининг янги таклиф қилинган ишчи кучининг умумий сонига нисбати;

б) йил давомида эълон қилинган бўш жойларнинг тўлдирилишининг фаол иш қидирганлар орасидан иш топган шахслар сонига нисбати.

- ишчи кучи таклифининг иш ҳақи ўсиши билан эластиклиги,

$$\frac{\Delta\%PC}{\Delta\%З/n} \quad (4.28),$$

- ишчи кучига бўлган талабнинг инвестицион ўсиш билан эластиклиги,

$$\frac{\Delta\%PC}{\Delta\%инвест} \quad (4.29),$$

- меҳнат фаолиятига аҳоли турли табақаларининг жалб этилганлиги даражаси банд этилганларнинг мазкур тоифага мансуб иктисодий фаол шахслар сонига нисбати кўринишида;

- ишсизлар сонининг динамикаси;

- рўйхатга олинган ишсизларнинг ёш ва малака тузилиши;

- ишсизлик даражаси. Ишсизликнинг ўртача ойлик даражаси йил давомида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$UR = \frac{U}{L} \cdot 100\% \quad (4.30),$$

бу ерда UR – ишсизлик даражаси (нормаси), %; U – ишсизларнинг ўртача ойлик сони, L – ишчи кучининг сони.

Макроиқтисодий таҳлилда Холл моделидан ҳам фойдаланилади. Бу модель ишчи кучи динамикаси модели бўлиб ишсизликнинг даражасини (U/L) кўрсатади ҳамда ишга жойлаштириш (f) ва ишдан бўшатилиш (S) даражаларига боғлиқ бўлади:

$$\frac{U}{L} = \frac{S}{S + f} \quad (4.31),$$

бу ерда U/L – ишсизликнинг даражаси, S – ишчиларнинг ишдан бўшатилиши кўрсаткичи, яъни ҳар ойда ишни йўқотаётган банд бўлганлар салмоғи, f – ишга жойлаштириш кўрсаткичи, яъни ҳар ойда иш топаётган ишсизлар салмоғи.

- ортиқча бандлик кўрсаткичи (бандликнинг ўзгариши билан ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши ўртасидаги тафовут).

Бунда муайян сон кўрсаткичларини таҳлилдан ўтказиш меҳнат бозоридаги умумий вазиятда содир бўлган, минтақада ижтимоий ва иқтисодий кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган сифат ўзгаришларига баҳо бериш мақсадида амалга оширилиши лозим.

Бандлик, даромадлар ва иқтисодий ўсиш нафақага ўзаро боғлиқ, балки бир-бирини белгилайдиган категориялардир, шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлилдан ўтказиш натижалари тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг динамикаси билан, ЯИМнинг ўсиш суръати бандликнинг динамикаси билан, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати реал иш ҳақининг ўсиш суръати билан таққосланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Қисқача хулосалар

Меҳнат ресурслари – бу жамиятдаги меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган кишилардир. Уларнинг асосий қисмини меҳнат қилиш ёшида бўлган аҳоли ташкил этади. *Меҳнатга лаёқатли аҳоли* – бу аҳолининг маълум ёш доираси билан чегараланган қисмидир.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида *иқтисодий фаол* ва *иқтисодий нофаол* аҳоли ажратилади.

Иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган аҳоли ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳловчилар (ишсизлар) тушунилади.

“Ишчи кучи” тушунчаси иқтисодий фаол аҳолининг синонимидир. Статистикага кўра ривожланган мамлакатларда барча ишлайдиган аҳоли ва ишсизлар ишчи кучи деб ҳисобланади.

Иқтисодий нофаол аҳоли деганда давлат ва айрим кишилар қарамоғида бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган аҳоли тушунилади.

Худудий жойлашиш одамларнинг қитъалар, мамлакатлар, маъмурий худудий бирликлар, аҳоли пунктларида жойлашишини тавсифлайди.

Қабул қилинган *меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига қараб турқумлаш* усулига мувофиқ куйидаги минтақалар тафовут этилади: *ортқича меҳнат ресурслари мавжуд минтақалар; меҳнат ресурслари тақчил минтақалар; иш ва меҳнат ресурслари билан таъминланган минтақалар.*

Меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг бандлик турлари, ижтимоий гуруҳлар, миллий хўжалик тармоқлари, ташкилотларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши мамлакат ва алоҳида минтақалар кўламида махсус жадвалда (меҳнат баланси шаклида) ҳисобга олинishi керак.

Меҳнат ресурслари ўзининг сон ва сифат кўрсаткичларига эга бўлиб, биргаликда жамиятнинг меҳнат салоҳиятини белгилаб берувчи абсолют ўлчовни ташкил этади. Бу ўлчов ҳам ўз навбатида сон ва сифат жиҳатларига эга.

Меҳнат салоҳиятининг сон жиҳати унинг экстенсив таркибини ифода этса, сифат жиҳати – интенсив таркибини ифода этади.

Меҳнатга бўлган талаб кўп жиҳатдан тармоқ хусусиятига эга омиллар таъсирида шаклланади, шунинг учун ҳам у иқтисодий воситалар билан мувофиқлаштирилиши керак. *Меҳнат таклифи* (ишчи кучи таклифи) минтақавий хусусиятларга, шу жумладан демографик жараёнларга кўпроқ боғлиқ бўлади, бу уни ижтимоий тартибга солиш заруратини кучайтиради.

Меҳнат бозори мониторингинг деганда мазкур бозор фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикасидаги ўзгаришларни тезкор тизимли ахборот-таҳлилий кузатиб бориш тушунилади. Мониторингнинг мақсади меҳнат биржасида, минтақа ва республика миқёсида юзага келаётган тенденциялар ва кескин муаммоларни аниқлабгина қолмасдан, бандликни таъминлаш, ишсизликнинг назорат қилинадиган даражасини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан ҳам иборатдир.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Меҳнат салоҳиятига таъриф беринг.
2. Меҳнат ресурслари нима? “Ишчи кучи” билан “банд этилганлар” тушунчаларининг фарқи нимада?
3. Меҳнат ресурслари таркибини айтиб беринг.
4. Меҳнат ресурслари сонининг асосий кўрсаткичларини айтинг.
5. Худудий жойлашиш нима, аҳолининг жойлашиши қайси кўрсаткич ёрдамида тавсифланади?
6. Минтақалар меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги даражасига қараб қандай ажратилади?
7. Меҳнат баланси нима?
8. Меҳнат салоҳияти қандай ҳисобланади?
9. Меҳнат салоҳиятига сон ва сифат жиҳатидан баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларини айтинг.
10. Меҳнат бозори мониторинги нима мақсадда ва қандай амалга оширилади?

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», - Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Микроэкономика. Теория и российская практика: Учебник. Под ред. А.Г. Грязновой и А.Ю. Юданова. – М.: ИТД «КноРус», 1999, - 544 стр.
3. Региональная экономика: Учеб. пособие. Под ред. М. В. Степанова М., ИНФРА. М., 2001.-463стр.
4. Сиденко А.В. и др. Статистика. Учебник. М., «Дело и Сервис», 2000. – 464 стр.
5. Шишов С.С. Экономическая география и регионалистика. - М.: ЗАО: «Финстатинформ», 1998.-127стр.

V боб

Ижтимоий салоҳият, унинг таркиби ва баҳолаш курсаткичлари

5.1. Тадбиркорлик салоҳияти

Инсон ресурслари фақат меҳнатни эмас, тадбиркорлик қобилиятларини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам меҳнат салоҳиятига комплекс баҳо берилиш тадбиркорлик салоҳиятига баҳо берилиш билан тўлдирилиши лозим. *Тадбиркорлик салоҳияти деганда одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш имконияти тушунилади.*

Тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ёрдамида иқтисодий ресурслар – меҳнат, капитал, ер, билим ўзаро таъсирга киришади. Тадбиркорларнинг ташаббускорлиги, таваккалчилиги ва кўникмалари бозор механизми орқали бошқа иқтисодий ресурслардан мумкин қадар самарали фойдаланиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш имконини беради. Бозор иқтисодига эга қўшгина мамлакатларнинг тажрибаси уларнинг иқтисодий ютуқлари, шу жумладан иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестициялар тадбиркорлик салоҳиятининг рўёбга чиқарилишига бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Минтақанинг тадбиркорлик салоҳияти одатда тўртта кўрсаткич билан ўлчанади:

- аҳоли сонига нисбатан кичик ва ўрта бизнеснинг сони;
- минтақа ЯИМда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи;
- кичик ва ўрта бизнесда банд этилганлар сони;
- кичик ва ўрта бизнесда банд этилган ҳар бир кишига тўғри келган ишлаб чиқариш ҳажми.

Ўзбекистонда республика ЯИМда кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи 2001 йилда 21,6% ни ташкил этди.

Энг унумли кичик ва ўрта бизнес корхоналари Тошкентда, Навоий, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Бу минтақаларда (ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда) энг кўп кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинган.

5.2. Инсон капитали иқтисодий салоҳиятни ўстирувчи омил сифатида

Меҳнат салоҳиятининг интенсивлиги *инсон капиталига* қўйилмаларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

“Инсон капитали” назарияси ўтган асрнинг 70-йилларида вужудга келди. Мазкур назарияни биринчи марта чиқағолик машҳур иқтисодчи Теодор Шульц тилга олди. Иқтисодий ўсишнинг янги омилларини излаш жараёнида у маълумот оддий ижрочини ижодкор ходимга айлантиришига, уни вазиятни таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш масалаларининг ечимини топишнинг мақбул йўллариини қидиришга мажбур қилишига эътиборни қаратди.

Шульцнинг издоши Гари Бекер инсонга қилинадиган харажатларга соғлиқни сақлаш, ахборот, иш қидириш, болаларни тарбиялаш ва бошқа шунга ўхшаш харажатларни (яъни инсоннинг ишлаб чиқарувчи қучини оширадиган барча харажатларни) киритди.

Бугунги кунда инсон капитали деганда инсонга жойланган маблағлар натижасида вужудга келган, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва даромадларнинг ошиши ва кўмаклашадиган инсоннинг билимлари, саломатлиги, касбий кўникмалари ва ишлаш қобилиятларининг маълум захираси билан белгиланган шахс қобилиятларининг мажмуи тушунилади.

Инсон меҳнати қанча малакали бўлса, унинг капитали шунча катта, бинобарин, даромади (меҳнатга ҳақ тўлаш) ҳам шу капиталга яраша бўлади. Ривожланган мамлакатларда инсон капиталига инвестициялар қилиш бугунги кунда жамият учун энг самарали ва ўзини тез оқлайдиган инвестициялар ҳисобланади.

Ҳозирги замон макроиқтисодий назарияси инсон капиталига иқтисодий салоҳиятни ўстиришнинг муҳим омилларидан бири деб қарайди.

Ўз навбатида, инсон капитали турмуш даражаси ва сифатининг кўрсаткичларига боғлиқ. Уч имконият – узок ва соғлом умр кечириш, билим олиш ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш – муносиб турмуш даражасининг муҳим шартларидир. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларининг ривожланиш даражаси ва даромадлар ҳажми (аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми) инсонни ривожлантириш индекси (ИРИ) га унинг муҳим таркибий қисмлари сифатида киритилади.

5.3. Ижтимоий салоҳият ва унга баҳо бериш мезонлари

Меҳнат ресурсларининг сифат жиҳати тўлиқ боғлиқ бўлган айти кўрсаткичларга “ижтимоий салоҳият” деб баҳо бериш ва тавсифлаш жоиз. Ижтимоий салоҳият қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таҳлилдан ўтказишни назарла тутити лозим:

- *ижтимоий хизматларни маблағ билан таъминлаш*: а) таълим харажатлари (ЯИМга нисбатан % да), жами, шу жумладан давлат харажатлари; б) соғлиқни сақлаш харажатлари (ЯИМга нисбатан % да), жами, шу жумладан давлат харажатлари;

- таълим кўрсаткичлари: балоғат ёшидан ўтган аҳолининг маълумоти даражаси; ўқув юртларида таълим олиш йилларининг сони; тегишли ёш тоифалари таркибида таълим олувчиларнинг салмоғи; турли босқичларнинг таълим билан қамраб олинганлиги; олий ва ўрта таълим ўқув юртларида тахсил олувчилар сони; ўқув юртлари сони;

- *соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари*: соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар кўрсатиш кўрсаткичлари (касалхоналар, амбулаториялар, касалхоналардаги кундузи ва уззукун даволаниш ўринлари сони); соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг кўрсаткичлари (аҳоли сонига нисбатан врачлар, ҳамширалар, касалхоналардаги ўринлар сони);

- *аҳолининг саломатлиги кўрсаткичлари*: кутилаётган умрнинг узунлиги (ёш); аҳолининг ўлиш даражаси (умуман мамлакат, минтақа бўйича); гўдаклар, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг даражаси; оналар ўлимининг даражаси; ижтимоий хавфли касалликлар (таносил касалликлар, ОИТС - орттирилган Иммуниетет танқислиги Синдроми (СПИД), сил, юқумли касалликлар) билан касалланиш даражаси;

- *атроф муҳит ҳолатининг кўрсаткичлари*: ҳаво, тупроқ ва ичимлик сувининг ифлосланиш даражаси, уларда ҳаёт учун хавфли элементлар таркиби; тоза сув манбалари билан аҳолининг таъминланганлиги; табиий офатлар (сув тошиши, сел қилиши ва х.к.)дан аҳолининг хавфсизлиги даражаси; тупроқнинг шўрланиши, унумдорлиги тавсифи.

Мазкур кўрсаткичлар халқаро амалиётда қабул қилинган инсоннинг барқарор ривожланиши мезонларидир.

Аммо, иқтисодий салоҳиятнинг ижтимоий жиҳатини қуйидаги динамик кўрсаткичлар: пул даромадлари (аҳоли жон бошига ҳисобланган), истеъмол харажатлари (жами ва аҳоли жон бошига), чакана савдо айланмаси ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига), пуллик хизматларнинг амалга оширилиши ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига) кўрсаткичлари билан тўлдирмасак, у тўлик бўлмайди.

Бозор иқтисоди шароитларида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши фақат барқарор тўлов лаёқати талабга асосланиши мумкин. Шунинг учун ҳам минтақанинг иқтисодий ривожланишига ва унинг мамлакат халқ ҳужалигидаги ўрнига баҳо беришда аҳолининг пул даромадлари, истеъмол харажатлари, чакана савдо айланмаси ва пуллик хизматларнинг амалга оширилиши ҳажми сингари тавсифлар жуда муҳимдир.

Минтақада ижтимоий соҳанинг ривожланишини бошқаришга нисбатан янгича ёндашувларни қидириш ахборот базасини вужудга келтириш зарурати билан боғлиқ. Ўзбекистонда республика ва унинг минтақаларида инсоннинг ривожланишига интеграл баҳо бериш методикаси ишлаб чиқилган. Бунда инсон ривожланишининг интеграл баҳоси (ИРИБ) қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланади:

1) болалар ва оналар ўлими даражаси;

2) ишсизлик даражаси;

3) касб-ҳунар таълими билан камраб олинганлик;

4) аҳоли жон бошига ҳисобланган (минтақавий) ЯИМ, (минтақавий харид қобилиятининг нисбати (ХҚН)га асосланиб ҳисобланган) ўртача ойлик миқдори.

ИРИБни тузиш учун кўрсаткичларнинг қуйидаги чегара (минимал ва максимал) миқдорлари белгиланади (5.1 жадвалга қаранг).

Ҳар бир миқдор учун қуйидаги формулалар бўйича алоҳида индекслар ҳисобланади:

1. Болалар ўлими даражасининг индекси (БЎДИ)

$B\ddot{U}D\ddot{I}_i = (\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}) / (\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори})$.

2. Оналар ўлими даражасининг индекси (ОЎДИ)

$O\ddot{U}DI_i = (\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}) / (\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори})$.

3. Ишсеизлик даражасининг индекси (ИДИ)

$ИДИ = (\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}) / (\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори})$.

4. Касб-хунар таълими билан камраб олинганлик индекси (КТҚИ)

$КТҚИ = (\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}) / (\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори})$.

5. Даромад даражасининг индекси (ДДИ)

$ДДИ = (\text{амал. миқдори} - \text{макс. миқдори}) / (\text{мин. миқдори} - \text{макс. миқдори})$.

5.1 жадвал

Кўрсаткичлар номи	Минимал миқдори	Максимал миқдори
Бошлар ўлими даражаси	0	100
Оналар ўлими даражаси (хар 10000 янги туғилган чақалоққа тек баътан)	0	100
Ишсеизлик даражаси	0	10
Касб-хунар таълими билан камраб олинганлик	0	100
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ, (ХҚН бўйича)	1000	50000

(Дастлабки уч индекс инверсион индекслар, яъни амалдаги миқдор қанча кам бўлса, шунча яхши натижа беради; 4-5 индекслар – тўғридан тўғри индекслар, яъни амалдаги миқдор қанча кўп бўлса, шунча яхши натижа беради.)

Аҳоли жон бошига ҳисобланган (минтакавий) ЯИМни (минтакавий ХҚН бўйича) аниқлаш учун ҳар бир минтака бўйича ЯИМнинг амалдаги миқдорига истеъмол товарлари тўплами қиймати билан мазкур тўшамнинг Тошкент шаҳридаги ва муайян вилоятдаги қиймати ўртасидаги тафовутни акс эттирувчи коэффициентга қараб тузатиш киритилади (товарлар қиймати ҳақидаги маълумотлар озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат маҳсулотларининг стандарт тўплами бўйича олинади). Ҳисоб-китоблар куйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$X\ddot{K}N_i = TK_{\text{Тошкент}} / TK_i \quad (5.1),$$

бу ерда $X\ddot{K}N_i$ – *i* вилояти коэффициенти;

$TK_{\text{Тошкент}}$ – Тошкент шаҳридаги тўшамнинг қиймати;

TK_i – *i* вилоятдаги тўшамнинг қиймати.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган (минтакавий) ЯИМ ҳажми ($X\ddot{K}N$ бўйича) куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ЯИМ_{(X\ddot{K}N)} = ЯИМ_{(амал)} \cdot X\ddot{K}N_i \quad (5.2),$$

бу ерда $ЯИМ_{(X\ddot{K}N)}$ – аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ($X\ddot{K}N$ бўйича);

$ЯИМ_{(амал)}$ – *i* вилоятининг амалдаги ЯИМ.

Минтакалар ЯИМи миқдорларининг (ХҚН ни ҳисобга олган ҳолда) бир-биридан фарқи уч бараварга етмайди, шунинг учун ҳам дисконтлаш мақсадга мувофиқ эмас.

ИРИБ ҳар бир минтақа учун унинг компонентлари индексларининг оддий ўртача миқдори сифатида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ИРИБ}_i = [(2/3 \text{ БЎДИ}_i) + (1/3 \text{ ОЎДИ}_i) + \text{ИДИ}_i + \text{КТҚИ}_i + \text{ДДИ}_i] : 4 \quad (5.4.)$$

ИРИБ ҳар йили ҳисобланади.

Тошкент вилояти учун ИРИБни ҳисоблашга мисол (кўрсаткичлар шартли):

Кўрсаткичлар номи	Амалдаги миқдори (шартли)
Болалар ўлими даражаси	27
Оналар ўлими даражаси (ҳар 10000 наиз туғилган чақалоққа нисбатан)	17
Ишсизлик даражаси	3,5
Касб-ҳунар таълими билан қамраб олинганлик	71
Аҳоли жами бошланиши ҳисобланган ЯИМ, ХҚН бўйича ҳар оёси	19600

1. Болалар ўлими даражасининг индекси (БЎДИ_i)

$$\text{БЎДИ}_i = (27 - 100) / (100 - 0) = 0,73.$$

2. Оналар ўлими даражасининг индекси (ОЎДИ_i)

$$\text{ОЎДИ}_i = (17 - 100) / (100 - 0) = 0,83.$$

3. Ишсизлик даражасининг индекси (ИДИ_i)

$$\text{ИДИ}_i = (3,5 - 10) / (0 - 10) = 0,65.$$

4. Касб-ҳунар таълими билан қамраб олинганлик индекси (КТҚИ_i)

$$\text{КТҚИ}_i = (71 - 0) / (100 - 0) = 0,71.$$

5. Даромад даражасининг индекси (ДДИ_i)

$$\text{ДДИ}_i = (19600 - 1000) / (50000 - 1000) = 0,38.$$

$$\text{ИРИБ}_{(1000 \text{ наиз})} = [(2/3 \cdot 0,73) + (1/3 \cdot 0,83) + 0,65 + 0,71 + 0,38] : 4 = 0,62.$$

Ғендер ривожланиши индекси

Халқаро ҳисоб-китобларда турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири деб қабул қилинган инсоннинг ривожланиши индекси (НДИ) эркаклар ва аёлларнинг турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни (тенгсизликни) ҳисобга олиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам эркаклар ва аёлларнинг турмуш даражасига (жинсий тенгсизлик даражасидан келиб чиқиб) янада тўлиқ баҳо бериш учун сўнгги даврда жаҳон амалиётида гендер ривожланиши индекси (GDI) қўллана бошланди.

Гендер ривожланиши индекси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида эркаклар ва аёллар ўртасидаги жинсий тенгсизлик даражасини кўрсатади:

- туғилишда ўлчанадиган (кутилаётган) умрнинг узунлиги;
- маълумоти даражаси;
- ХҚН бўйича ўлчанадиган даромад даражаси.

Гендер ривожланиши индексини ҳисоблаш уч босқичда амалга оширилади.

Биринчидан, юқорида зикр этилган кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича эркаклар ва аёлларнинг индекслари қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$\text{Амалдаги миқдори} - \text{минимал миқдори}$$

$$\text{Аниқланаётган индекс} =$$

$$\frac{\text{Амалдаги миқдори} - \text{минимал миқдори}}{\text{Максимал миқдори} - \text{минимал миқдори}}$$

Иккинчидан, эркаклар ва аёллар бўйича алоҳида ҳисобланган мазкур гуруҳга кўрсаткичларининг ҳар бири гендер тафовутларини аниқлаш мақсадида бирлаштирилади. Натижада қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган умумий (тенг тақсимланадиган) индекс олинади:

Тенг тақсимланадиган индекс = $\{[\text{аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси^{1-ε})}] + [\text{эркак аҳолининг салмоғи (эркаклар индекси^{1+ε})}]\}^{1/1-ε}$

ε – тенгсизликни акс эттирувчи коэффициент.

Эркаклар ва аёллар салмоғи тахминан бир хил ва 50% га тенг бўлганда, ε = 2 бўлса, умумий индексни ҳисоблаш формуласи қуйидагича ўзгартирилади:

Тенг тақсимланадиган индекс = $\{[\text{аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси¹)}] + [\text{эркак аҳолининг салмоғи (эркаклар индекси¹)}]\}^{1/2}$

Бунда мазкур формула эркаклар ва аёллар индексларининг мувозанатини кўрсатади.

Учинчидан, гендер ривожланиши индекси (GDI) ўртача кўрсаткич сифатида (уч тенг тақсимланган индексларни бирлаштириш йўли билан) ҳисоблаб чиқарилади.

GDI ни ҳисоблаш учун (жаҳон амалиётида қабул қилинган) мақсадли кўрсаткичлар

Кўрсаткич	мин. миқдор	макс. миқдор
Аёллар умрининг узунлиги	87.5	27.5
Эркаклар умрининг узунлиги	82.5	22.5
Катталарнинг саводхонлиги даражаси (%)	100	0
Умумий рўйхатги олиш даражаси (%)	100	0
Баҳоаланган даромад (PPP US \$)	40,000	100

Гендер ривожланиши индексини ҳисоблаш

Бразилияга оид маълумотлардан фойдаланган ҳолда гендер ривожланиши индекси (GDI)ни ҳисоблашга мисол келтирамыз.

1. Умр узунлигининг умумий (тенг тақсимланган) индексини ҳисоблаш.

Биринчи босқич – аниқланаётган кўрсаткич учун умумий формула ёрдамида эркеклар ва аёллар учун алоҳида умрнинг узунлиги даражасини ҳисоблаш.

Аёллар	Эркеклар
Умрнинг узунлиги: 72 ёш	Умрнинг узунлиги: 64.1 ёш
Умрнинг узунлиги индекси = $\frac{72-27.5}{87.5-27.5} = 0.742$	Умрнинг узунлиги индекси = $\frac{64.1-22.5}{82.5-22.5} = 0.693$

Шундан кейин гендер тафовутларидан келиб чиқиб умрнинг узунлигининг умумий индексини олиш учун индекслар бирлаштирилади.

Аёллар	Эркеклар
Аҳолининг умумий сонидagi салмоғи: 0.506	Аҳолининг умумий сонидagi салмоғи: 0.494
Умрнинг узунлиги индекси: 0.742	Умрнинг узунлиги индекси: 0.693

$$\text{Умрнинг узунлигининг умумий индекси} = \{[0.506 (0.742^{-1})] + [0.494 (0.693^{-1})]\}^{-1} = 0.717$$

2. Маълумот даражасининг умумий (тенг тақсимланган) индексини ҳисоблаш.

Биринчидан, катталар саводхонлиги индекси, шунингдек таълим соҳасида рўйхатта олинганларнинг бирлаштирилган бирламчи, иккиламчи ва учламчи (яъни турли маълумот даражаларига кўра) салмоқлари эркеклар ва аёллар учун алоҳида (0 дан 100 гача бўлган чегарада) ҳисобланади.

Аёллар	Эркеклар
Катталар саводхонлиги даражаси: 85.4%	Катталар саводхонлиги даражаси: 85.1%
Катталар саводхонлиги индекси: 0.854	Катталар саводхонлиги индекси: 0.851
Умумий рўйхатдан ўтин даражаси: 80.0%	Умумий рўйхатдан ўтин даражаси: 79.3%
Умумий рўйхатдан ўтин индекси: 0.800	Умумий рўйхатдан ўтин индекси: 0.793

Иккинчидан, эркеклар ва аёллар учун алоҳида маълумот даражаси индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Маълумот индекси = $2/3$ (катталар саводхонлиги индекси) + $1/3$ (умумий рўйхатдан ўтиш даражаси).

Шундай қилиб, аёллар маълумоти индекси = $2/3 (0.854) + 1/3 (0.800) = 0.836$

Эркаклар маълумоти индекси = $2/3 (0.851) + 1/3 (0.793) = 0.832$

Ниҳоят, эркаклар ва аёллар учун алоҳида ҳисобланган индекслар гендер тафовутларидан келиб чиқиб маълумот даражасининг умумий (тенг тақсимланган) индексига бирлаштирилади.

Аёллар	Эркаклар
Аҳолининг умумий сонидagi салмоғи: 0.506	Аҳолининг умумий сонидagi салмоғи: 0.494
Маълумот индекси: 0.836	Маълумот индекси: 0.832
Умумий маълумот даражаси = $\{ [0.506 (0.836^{-1})] + [0.494 (0.832^{-1})] \}^{-1} = 0.834$	

3. Умумий даромад даражасини (гендер тафовутларидан келиб чиқиб) ҳисоблаш.

Биринчидан, даромад даражаси ҳар бир жинс учун алоҳида, харид қобилияти нисбаги бўйича АҚШ долларарида ҳисобланади. Инсоннинг ривожланиши индексини баҳолашда даромад даражаси баҳоланган даромад логарифлари ёрдамида ҳисобланади:

$$\frac{\text{Даромад даражаси (индекси)}}{\text{Даромад даражаси}} = \frac{\text{Log (амаддаги миқдор)} - \text{log (минимал миқдор)}}{\text{Log (максимал миқдор)} - \text{log (минимал миқдор)}}$$

Аёллар	Эркаклар
Умумий даромад (XҲН бўйича АҚШ долларарида): 4.557	Умумий даромад (ППС бўйича АҚШ долларарида): 10.769
$\frac{\text{Log}(4.557) - \text{log}(100)}{\text{Log}(40.000) - \text{log}(100)} = 0.637$	$\frac{\text{Log}(10.769) - \text{log}(100)}{\text{Log}(40.000) - \text{log}(100)} = 0.781$
Даромад даражаси	Даромад даражаси

Иккинчидан, эркаклар ва аёллар учун алоҳида ҳисобланган даромад даражалари (гендер тафовутларидан келиб чиқиб) умумий индексга бирлаштирилади:

Аёллар	Эркеклар
Аҳолининг умумий сонидagi салмоғи: 0.506	Аҳолининг умумий сонидagi салмоғи: 0.494
Даромад даражаси: 0.637	Даромад даражаси: 0.781
Умумий даромад даражаси = $\{ [0.506 (0.637^{-1})] + [0.494 (0.781^{-1})] \}^{-1} = 0.701$	

4. Гендер ривожланиши индекси (GDI)ни ҳисоблаш

Гендер ривожланиши индекси – бу учта умумий индексни (умрнинг узунлиги индекси, маълумот даражаси индекси ва даромад индексини) бирлаштириш йули билан ҳисобланадиган ўртача кўрсаткич:

$$GDI = \frac{1}{3} \left[\begin{array}{c} \text{Умрнинг} \\ \text{узунлиги} \\ \text{индекси} \end{array} \right] + \frac{1}{3} \left[\begin{array}{c} \text{Маълумот} \\ \text{даражаси} \\ \text{индекси} \end{array} \right] + \frac{1}{3} \left[\begin{array}{c} \text{Даромад} \\ \text{индекси} \end{array} \right]$$

$$GDI = 1/3 (0.717) + 1/3 (0.834) + 1/3 (0.701) = 0.751$$

Гендер ваколатлари коэффиценти

Бундан ташқари, жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ва иштироки даражасини баҳолаш учун гендер ваколатлари (GEM) коэффиценти (ўлчови) ҳисобланади. Аёлларнинг қобилиятидан ҳам кўра кўпроқ улар учун жамиятда мавжуд имкониятларга асосланган ушбу кўрсаткич қуйидаги асосий соҳаларда гендер тафовутлари даражасини ҳисобга олади:

- сиёсатда иштирок этиш ва қарор қабул қилиш имконияти (парламентдаги эркеклар ва аёллар сони (салмоғи) кўринишида ўлчанади);

- иқтисодда иштирок этиш ва бу соҳада қарор қабул қилиш имконияти (иқтисод кўрсаткичи билан ўлчанади: 1) қонун чиқарувчилар, юқори мартабали амалдорлар ва менежерлар орасида эркеклар ва аёлларнинг фоиз улуши; 2) эркеклар ва аёлларда касбий ва техникавий лавозимларнинг фоиз улуши);

- иқтисодий ресурсларга эгаллик (эркеклар ва аёлларнинг ҲҚН бўйича АҚШ долларларида баҳоланган даромадлари ҳажми билан ўлчанади).

Бу йўналишларнинг ҳар бири учун тенг тақсимланган (умумий) EDEP индекси ўртача кўрсаткич кўринишида ўлчанади.

EDEPни ҳисоблашда қуйидаги формула қўлланади:

$$EDEP = \{ [аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси^{1-ε})] + [эркак аҳолининг салмоғи (эркеклар индекси^{1-ε})] \}^{1/1-ε}$$

ε – тенгсизликни акс эттирувчи коэффицент.

Эркаклар ва аёллар салмоғи тахминан бир хил ва 50% га тенг бўлганида, $\epsilon = 2$ бўлса, умумий индексни ҳисоблаш формуласи қуйидагича ўзгартирилади:

$$EDEF = \{[аёл аҳолининг салмоғи (аёллар индекси¹)] + [эркак аҳолининг салмоғи (эркаклар индекси¹)]\}^{-1}$$

Сиёсат ва иқтисод соҳаларида қарорлар қабул қилиш имконияти гендер ваколатлари даражасини ҳисоблашда умумий индекс кўрсаткичи 50 га бўлинади. Сўнг даромад даражасини аниқлайдиган учинчи индекс ҳисобланади. Ниҳоят, гендер ваколатлари даражасининг умумий кўрсаткичи (коэффициенти) юқорида зикр этилган уч кўрсаткичдан оддий ўртача кўрсаткич сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу кўрсаткичлардан жаҳонда мамлакатлар ва минтақалардаги гендер тафовутларидан келиб чиқиб турмуш даражасига баҳо бериш учун мамлакатлараро таққослашларда кенг фойдаланилади.

5.4. Минтақала ижтимоий неъматларнинг ривожланиши кўрсаткичлари

Минтақада маданият ва спортнинг ривожланиши даражасини аниқлашда тегишли ташкилот ва муассасаларнинг моддий-техникавий негизига, уларнинг кадрлар билан таъминланганлиги даражасига ва мазкур ташкилот ва муассасалар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига баҳо берилди.

Маданият, спорт ва бошқа ижтимоий неъматларга оид статистика ахбороти манбалари

Кўрсаткичлар рўйхати ва уларни эълон қилиш даврийлиги 5.2 жадвалда келтирилган.

Аҳолининг ижтимоий неъматлар билан таъминланганлиги кўрсаткичлари

Аҳоли соғлигининг ҳолати ва соғлиқни сақлаш органларининг фаолияти кўрсаткичлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) абортлар сони; туғилганларнинг умумий сонига ўлик туғилганларнинг салмоғи; янги туғилганларнинг умумий сонига нормадан чекланишлар билан туғилганларнинг салмоғи; болалар ўлими коэффициенти;

2) ногиронлар сони; уларнинг гуруҳлар бўйича (I, II, III гуруҳлар ажратилади), ногиронлик сабаблари бўйича тузилиши; аҳолининг умумий сони ногиронлар салмоғи (алоҳида гуруҳлар ва минтақалар бўйича);

3) аҳолининг умумий касалланиши кўрсаткичлари, бунда касалликларнинг асосий гуруҳлари ажратилади – юрак-қон томири касалликлари; юқумли касалликлар (шу жумладан: грипп, кизамиқ, кичима, таносил касал-

Статистик ҳисобот маълумотларига асосан шакллантириладиган маданият, спорт ва бошқа ижтимоий неъматларнинг курсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	Эътибор қилинган даврийлиги	Ишлов соҳаси
Маданият ва спорт неъматлари			
1. Маданият ва спорт тадбирлари билан боғлиқ истеъмол харajatлари	минг сўм, пайжижата нисбатан % да, аҳоли жон бошига	йиллик	шаҳар ва қишлоқлар
2. Таътилда сафарга чиқиб	минг сўм	йиллик	шаҳар ва қишлоқлар
3. Чет элда дам олиш	инсон	йиллик	шаҳар ва қишлоқлар
4. Спорт ва соғломлаштириш секцияларида иштирок этиш	"	йиллик	шаҳар ва қишлоқлар
5. Театр ва музейларга ташриф буюриш, туристик сафарларга чиқишлар сони	ҳар 1000 кишига	йиллик	шаҳар ва қишлоқлар
6. Китоб, галета, журналлар харид қилиш	ҳар 1000 кишига номлар сони ва тираж	йиллик	шаҳар ва қишлоқлар
Бошқа ижтимоий неъматлар			
1. Сони:	одам, ҳар 1000 кишига	"	"
Умумий таълим мактаблари ўқувчилари	одам, ҳар 1000 кишига	"	"
Коллеж ўқувчилари — жами	"	"	"
шу жумладан пуллиқ таълимда	одам, ҳар 1000 кишига	"	"
Олий ўқув юрлари талабалари — жами	"	"	"
Ўрта махсус билим юрлари ўқувчилари — жами	"	"	"
шу жумладан пуллиқ таълимда	"	"	"
2. Болалар сони: мактабгача тарбия муассасаларида	одам	"	"
3. Аҳолининг сони маълумот даражаси бўйича таълими	млн. киши	"	"
4. Врачлар сони — жами	минг киши, ҳар 10000 кишига	"	"
5. Аҳолининг касаллавиши динямикаси	%	"	шаҳар ва қишлоқлар, асосий
6. Болалар боғчалари сони	уйлар	"	минтақа бўйича
7. Меҳрибонлик уйларидаги болалар сони	одам	"	Шунинг ўзи
8. Қариялар уйлари сони	уйлар	"	"

5.2 жадвалнинг давоми

	Ўлчов бирлиги	Эътибор қилиниш даврийлиги	Ишлов соҳаси
9. Қариялар уйида яшайдиган пенсияерлар сони	одам		
10. Телефон алоқаси билан аҳолининг таъминланганлиги	Рақамлар		шаҳар ва қишлоқлар
- телефонлар сони – жами			Шунинг ўзи
- ҳар 1000 кишига			

ликлар ва х.к.); зарарли шиллар; жароҳатланиш ва захарланишлар; нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органларининг касалликлари ва х.к.;

4) наркологиқ касалликлар (алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандлик) ва рухий касалликлар (психоз, олигофрения, бошқа рухий касалликлар) билан касалланиш кўрсаткичлари;

5) фаол сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари

Барча тонфа касалланишларга нисбатан статистика икки кўрсаткични рўйхатга олади: 1) биринчи марта қўйилган ташхисли касаллар сони; 2) даволаш-профилактика муассасаларида ушбу ташхис билан рўйхатга олинган касалларнинг умумий сони.

Соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва муассасаларининг фаолияти куйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ақс эттирилади:

1) соғлиқни сақлашнинг моддий-техника негизи: касалхоналар, амбулаториялар, поликлиникалар, корхоналар ва муассасалардаги тиббий пунктлар, санаторий ва профилакторийлар ва х.к. сони; мазкур муассасаларнинг қуввати: ўринлар сони, бир сменада қабул қилиниши мумкин бўлган ташрифлар сони, санаторий ва профилакторийлардаги ўринлар сони, болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари, ногиронлар, қариялар ва фахрийлар уйларидаги ўринлар сони;

2) тиббий муассасаларнинг тегишли кадрлар билан таъминланганлиги: врачлар ва ўрта тиббий персонал сони (умумий сони ва ҳар 10000 кишига тўғри келган сони), алоҳида тиббий ихтисосликлар бўйича врачлар билан аҳолининг таъминланганлиги (ҳар 10000 кишига тўғри келган сони), ўрта ва олий тиббий муассасаларида тиббий кадрларнинг тайёрланиши ва чиқарилиши;

3) тиббий муассасаларнинг фаолияти: амбулатория-поликлиника муассасаларига ташриф буюрувчилар сони; уйда ва амбулаторияда тез тиббий ёрдам кўрсатишган одамлар сони; турли тиббий кўриқлардан ўтган шахслар сони (шу жумладан мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, ҳарбий хизматга қақирилувчилар ва х.к.), стационар даволанишдан ўтган касаллар сони, стационарнинг тўлиқ коэффициенти, касалларнинг ўлими коэффициенти, тузалиш коэффициенти.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини маблағ билан таъминлаш манбалари куйидаги гуруҳларга бўлинади: республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағлар; корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан олинган маблағлар, шу жумладан хайрия ва ҳомийлик фаолияти; аҳолининг маблағлари; гиббий суғурта фондининг маблағлари; халқаро тиббий ёрдам ва инсонпарварлик ёрдами.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини статистик тавсифлаш учун куйидагиларни асос эттирувчи кўрсаткичлар тизими қўлланилади: жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник негизи (стадионлар, спорт базалари, спорт заллари, бошқа спорт иншоотлари сони ва уларнинг сифми); иктисоднинг бу тармоғида банд этилган ходимларнинг меҳнат салоҳияти (сони, малакаси, тренер ва инструкторларнинг тузилиши; хизмат кўрсатувчи ходимлар сони); турли спорт турлари билан шуғулланувчилар сони (хаваскорлар ва профессионаллар ажратиб кўрсатилади); маблағ билан таъминлаш манбалари (чипталар сотилишидан келган тушум; ҳомийлик; корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблағлари; клубларнинг тижорат фаолиятидан олинган даромадлар).

Минтақада таълимнинг ривожланишини таҳлилдан ўтказиш куйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади: доимий ишлайдиган мактабгача тарбия муассасалари; умумий таълим мактаблари; бошланғич, ўрта ва олий махсус таълим муассасалари; тижорат таълим муассасалари (гимназиялар, лицейлар, коллежлар, университетлар); мактаб-интернатлар; касал болалар учун махсус мактаблар; ҳар хил ўқув юр்தларининг сони; профессор-ўқитувчилар таркибининг сони ва тузилиши; таълим олувчи ўқувчи ва талабалар сони; ҳар хил ўқув юр்தлари битирувчилари сони.

Фан ва илмий ташкилотлар (илмий-тадқиқот, конструкторлик, лойиҳалаш ва лойиҳалаш-изланиш ташкилотлари; олий ўқув юр்தлари, корхоналар ва ташкилотларнинг илмий бўлимлари ва х.к.) фаолиятини таҳлилдан ўтказишда куйидаги кўрсаткичларга баҳо берилди: ходимлар сони, бажарилган илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ишларининг қиймати, аспирантлар сони, аспирантура битирувчилари, докторантлар сони, ёқланган номзодлик ва докторлик диссертациялари сони.

Ижтимоий салоҳиятга баҳо беришда минтақадаги маданий-оқартув муассасалари (кутубхоналар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, музейлар, театрлар, кинотеатрлар ва х.к.)нинг сонини ҳисобга олиш керак, бунда мазкур муассасалар томонидан ўтказилган тадбирлар сонига ва бундай тадбирларда иштирок этганлар сонига баҳо берилди.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти китоблар, журналлар, газеталарнинг сони ва тиражи, радиотингловчилар ва телестомошабинлар аудиторияси ва х.к. билан тавсифланади.

Бўш вақтнинг мавжудлиги ва ундан фойдаланилиши ҳам жамият ривожланишининг ижтимоий натижалари жумласига киради. Бўш вақт деганда хизмат мажбуриятлари, рўзғор ишлари, физиологик эҳтиёжлар (сейил,

ухлаш, ўзига караш, хаммомга тушиш, сартарошхонага бориш, даволаниш ва х.к.)ни қондиришга сарфланган вақтдан кейин инсон ихтиёрида қолади-ган вақт тушунилади. Бу бўш вақтдан таълим олиш, болаларни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, маданий эҳтиёжларни қонди-риш, дам олиш, шахсий ишларни юритиш ва ҳоказоларга сарфлаш мумкин.

Қисқача хулосалар

Тадбиркорлик салоҳияти деганда одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш имконияти тушунилади.

Меҳнат салоҳиятининг интенсивлиги инсон капиталига қўйилмаларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳозирги замон макроиқтисодий назарияси инсон капиталига иқтисодий салоҳиятни ўстиришнинг муҳим омилларидан бири деб қарайди.

Ижтимоий салоҳият қўйидаги кўрсаткичлар тизимини таҳлилдан ўтказишни назарда тутиши лозим: ижтимоий хизматларни маблағ билан таъминлаш; таълим кўрсаткичлари; соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари; аҳолининг *саломадлиги кўрсаткичлари; атроф муҳит ҳолатининг кўрсаткичлари.*

Иқтисодий салоҳиятнинг ижтимоий жиҳатини қўйидаги динамик кўрсаткичлар: пул даромадлари (аҳоли жон бошига ҳисобланган), истеъмол харажатлари (жами ва аҳоли жон бошига), чакана савдо айланмаси ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига), пуллик хизматларнинг амалга оширилиши ҳажми (жами ва аҳоли жон бошига) кўрсаткичлари билан тўлдирмасак, у тўлиқ бўлмайди.

Минтақада маданият ва спортнинг ривожланиши даражасини аниқлашда тегишли ташкилот ва муассасаларнинг моддий-техникавий негизига, уларнинг кадрлар билан таъминланганлиги даражасига ва мазкур ташкилот ва муассасалар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига баҳо берилади.

Уч имконият – узоқ ва соғлом умр кечириш, билим олиш ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш – муносиб турмуш даражасининг муҳим шартларидир. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларининг ривожланиш даражаси ва даромадлар ҳажми (аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми) инсонни ривожлантириш индекси (ИРИ)га унинг муҳим таркибий қисмлари сифатида киритилади.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Инсон капитали нима?
2. Инсоннинг ривожланиши индекси нима ва у нима учун ўлчанади?
3. Тадбиркорлик салоҳияти нима ва у қандай ўлчанади?
4. Аҳолининг даромадлари даражасига баҳо беришнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Ижтимоий салоҳиятга таъриф беринг.
6. Мамлакатда маданият ва спортнинг ривожланиши кўрсаткичларини айтиб беринг.
7. Статистикада таълимни тавсифлаш учун қайси кўрсаткичлардан фойдаланилади?
8. Аҳоли соғлиғининг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни айтиб беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Экономика. Под. ред. проф. А.С. Булатова М., «Юрист», 2000.
2. Экономическая статистика: Учебник. Под.ред. Ю.Н. Иванова. М., ИНФРА-М., 1998. 480 стр.
3. Микроэкономика. Теория и российская практика: Учебник. Под ред. А.Г. Грязновой и А.Ю. Юданова. М., ИТД «КноРус». 1999. 544 стр.

VI боб

Минтақанинг инфратузилмаси унинг иқтисодий салоҳиятиниң муҳим омилли сифатида

6.1. Минтақа инфратузилмаси тушунчаси ва унинг туркумланиши

Минтақаниң ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг инфратузилмасиниң ривожланишига тўлиқ боғлиқ.

Инфратузилма тушунчаси логинча *infra* - қуйи ва *structura* – тузилиш сўзларидан келиб чиққан. Дастлаб хўжалиқниң саноат ва қиллоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи тармоқлари мажмуи мана шу сўз билан ифодаланган, кейинчалиқ тушунчаниң ҳажми кенгайди ва ижтимоий соҳаниң хизмат кўрсатувчи тизимларини камраб олди. Инфратузилма тармоқлари жумласига йўллар, каналлар, портлар, кўприқлар қурилиши, энергетика хўжалиғи, транспорт, алоқа, сув таъминоти, умумий касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш ва ҳоказолар киради. Фанниң ривожланишига қараб инфратузилманиң ривожланиш даражасига ишлаб чиқариш самарадорлигиниң боғлиқлиғи, мамалкат ва минтақадаги ижтимоий вазиятта инфратузилманиң таъсири, давлатниң иқтисодий сиёсатига инфратузилманиң таъсири қонуниятлари ўрнатилган. Маълумки, инфратузилмани вужудга келтириш ўз ҳолича даромад келтирмайди, аммо инфратузилманиң ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, минтақага инвестициялар, илчи кучи шунча кўп келади, иқтисодий ривожланиш суръати тезлашади, одамларниң турмуш даражаси яхшиланади.

Шундай қилиб, инфратузилма деганда турли тармоқларда ва фаолият соҳаларида асосий функцияларниң бажарилишини таъминлайдиган моддий-техникавий тизимлар (объектлар)ниң мажмуи тушунилади.

Бу таърифдан инфратузилманиң икки муҳим функцияси келиб чиқади:

1) *Боғловчи функция*. Инфратузилма тармоқлараро хусусиятта эга бўлиб, одатда бир нечта тармоқлар (транспорт, энергетика системалари, алоқа, ахборот тармоқларида вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

2) *Таъминловчи функция*. Инфратузилманиң мазкур функцияси уни ривожлантиришниң махсус воситаларини, мазкур жараёнга турли тармоқлар ўз хиссасини қўшишини талаб этади.

Бинобарин, инфратузилмани ривожлантиришда тармоқлараро ҳокимият органлари: маҳаллий ҳокимият органлари, минтақаларниң ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари муҳим ўрин тутади.


Инфратузилмани ҳар белгилари: одамларниң фаолият турларига, мазкур фаолият тармоқларига, тарқалиш кўламига, майдон муҳитига қараб туркумлаш мумкин.

Одамлар фаолиятига қараб туркумлашда:

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси;

- ижтимоий инфратузилма ажратилади.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш инфратузилмасига ва истеъмол воситалари ишлаб чиқариш инфратузилмасига ажралади. Ижтимоий инфратузилма мазкур фаолият функцияларига қараб тақсимлаш ва айирбошлаш инфратузилмасига, аҳолига истеъмол хизматлари кўрсатиш инфратузилмасига, ижтимоий онг ва илмий дунёқарашни шакллантириш инфратузилмасига, бошқарув инфратузилмасига, соғлиқни сақлаш инфратузилмасига, жамоат тартибини сақлаш инфратузилмасига, мудофаа инфратузилмасига ажралади. Ушбу туркумлашни расм кўринишида қуйидагича тасвирлаш мумкин (6.1 расм).



6.1-расм. Инфратузилмани фаолият соҳасига қараб тақсимлаш.

Инфратузилмани ривожлантиришнинг илмий асослари эндигина ишлаб чиқилмоқда, шунинг учун ҳам инфратузилманинг тармоқ (функционал) типлари ҳозирги вақтда яхши ишлаб чиқилмаган.

Инфратузилманинг қуйидаги типлари нисбатан муфассал ишлаб чиқилган:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси.
2. Хизматлар соҳаси инфратузилмаси. Ижтимоий инфратузилма.
3. Туризм ва спорт инфратузилмаси.
4. Фан-техника инфратузилмаси.
5. Ҳарбий инфратузилма.

Инфратузилманинг мазкур унсурлари вазифаси, функциялари ва турилишига батафсил тўхталиб ўтамай.

6.2. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси деганда sanoat ва кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида ресурслар ва товарларнинг харакатини таъминлайдиган моддий-техникавий тизимларнинг мажмуи тушунилади. Ресурсларнинг туркумланишига асосан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куйидаги функцияларини таърифлаш мумкин:

- моддий воситалар:
 - табиий ресурслар;
 - энергия;
 - тайёр маҳсулотларнинг харакатини таъминлаш;
- ишчи кучи (меҳнат ресурслари)нинг харакатини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш маблағларининг харакатини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ахборотининг харакатини таъминлаш.

Ишлаб чиқариш функциялари ишлаб чиқаришнинг “кон томирлари”-дир. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси куйидаги тамойиллар:

1. макон-ишлаб чиқариш;
2. тармок принципларига асосан туркумланади.

Макон-ишлаб чиқариш тамойилга асосан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куйидаги турлари тафовут этилади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- минтақанинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- давлатнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- давлатлар ҳамдўстлигининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- жаҳон ҳамжамиятининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси

Транспорт (транспорт коммуникациялари)
Энергия хўжалиги (энергетик коммуникациялар)
Алоқа (ахборот коммуникациялари)
Сув таъминоти ва канализация
Улгуржи савдо
Моддий-техник таъминот
Моддий инфратузилма

6.2 -расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тармок таркиби

Тармоқ тамойилга асосан ишлаб чиқариш инфратузилмаси бажарадиган функцияларига қараб туркумланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тармоқ таркиби 6.2 расмда келтирилган.

Инфратузилмани тармоқ тамойилга асосан туркумлаш кўпгина мамлакатларда ва иқтисодий-иқтисодий фанларда қабул қилинган. Қуйида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий унсурларига қисқача тавсиф бериб ўтамыз.

Транспорт – бу алоқа йўллари, барча турдаги транспорт воситалари, одамлар ва ҳар хил юкларнинг жойдан жойга кўчиши жараёнини таъминлайдиган алоқа йўлларидаги қурилмалар ва техник мосламалар мажмуидир.

Транспорт мансублигига ва макон муҳитларига қараб 6.3 расмда кўрсатилган тартибда туркумланади.



6.3-расм. Транспорт туркумлари.

Бундан ташқари, куруклик транспорти автомобиль, темир йўл, юк ҳайвонлари ва бошқа транспортларни ўз ичига олади. Сув транспорти денгиз ва дарё транспортини ўз ичига олади.

Транспорт воситалари жумласига автомобиллар, кўчма темир йўл таркиби, кемалар, трубопроводлар, учадиган ашпаратлар ва бошқалар кириди.

Йўллар, сув йўллари, ҳаво йўллари, арқонли осма йўллар алоқа йўллари деб ҳисобланади. Одатда, алоқа йўллари аҳамиятига қараб 4 гуруҳга бўлинади: маҳаллий, вилоят, республика ва халқаро аҳамиятга эга алоқа йўллари. Транспорт воситалари алоқа йўллари ва мазкур йўллардаги техник қурилмаларнинг мажмуи транспорт коммуникациялари деб аталади.

Энергетика хўжалиги деганда истеъмолчиларга электрэнергиясининг узатилишини таъминлайдиган энергетика тармоқлари мажмуи тушунилади. Энергетика тармоқлари электрэнергиясини узатиш тармоқлари, кучланишли кичик станциялар, хизмат кўрсатиш бўлимларини ўз ичига олади. Энергетика тармоқлари узатиладиган электр токининг номиналига (юкори вольтли, паст вольтли, ўзгармас токли, ўзгарувчан токли) ва ҳудудий белгисига (корхона, минтақанинг энергетика тармоқлари ва х.к.) қараб туркумланади. Зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган энергия узатиш тармоқлари мажмуи энергетик коммуникациялар деб аталади.

Алоқа (ахборот коммуникациялари) – бу ахборот узатишга мўлжалланган ҳар хил коммуникация воситалари мажмуидир. Қуйидаги алоқа турлари мавжуд:

почта алоқаси;
электр алоқа (қурукликдаги алоқа, космик алоқа);
фельдъегер алоқаси.

Алокани амалга ошириш учун одатда маъмурий-худудий принципга асосан *алоқа тармоқлари* ташкил этилади. Улар *бирламчи, иккиламчи ва магистрал алоқа тармоқларидан* таркиб топади.

Бирламчи алоқа тармоқлари маълум ҳудуд (корхона, шаҳар, туман, вилоят, минтақа)да абонентларнинг боғланишини таъминлайди. Бирламчи алоқа тармоқлари ўртасида турли бирламчи тармоқлар абонентларининг боғланишини таъминлайдиган магистрал алоқа тармоқлари жойлашади. Бирламчи алоқа тармоқлари ва магистрал алоқа тармоқлари биргаликда мамлакат ёки минтақанинг ягона алоқа тармоғини ташкил этади.

Бирламчи ва магистрал алоқа тармоқлари орқали ҳар хил ахборот: телефон, телеграф ахбороти, факсимил ахборот ва бошқа ахборотлар узатилиши мумкин. Бу ахборотни қайта тузиш, турли истеъмолчилар ўртасида унинг айланишини таъминлашни талаб этади.

Бунинг учун ҳар бир бирламчи алоқа тармоғи доирасида иккиламчи алоқа тармоқлари ташкил этилади. Ҳар бир бирламчи алоқа тармоқлари доирасида кўплаб иккиламчи алоқа тармоқлари фаолият кўрсатади: автоматик телефон алоқаси тармоқлари; корхоналараро телеграф алоқаси тармоқлари; факсимил алоқа тармоқлари; телевидение тармоқлари; радио тармоқлари; маълумотлар узатиш тармоқлари ва бошқалар.

Алоқа тармоқлари *алоқа линияларидан* ташкил топади. Алоқа линиялари *алоқа каналларини* ўз ичига олади.

Алоқа линиялари радиотўлқинларнинг тарқалиш йўлига қараб турқумланади: ҳаво, симли (кабелли), радиорелели, оптик тўлқинли, йўлдошли алоқа линиялари.

Сув таъминоти ва канализация – ишлаб чиқариш ва аҳолини сув билан таъминлашга мўлжалланган трубопровод коммуникациялари, манбалар ва махсус қурилмалар мажмуи.


Улгуржи савдо ва моддий-техник таъминот – моддий воситалар ва товарларни сотиб олиш, сотиш, жамғариш ва саклашга мўлжалланган муассасалар мажмуи. У товар биржалари, улгуржи омбуллар, бозорлар, музлаттичлар, сотиш-таъминот базалари, маркетинг ташкилотларини ўз ичига олади.

Молиявий инфратузилма – пул маблағларини сафарбар этиш ва ссудалар бериш билан шуғулланадиган банклар ва бошқа кредит-молия муассасалари мажмуи. У давлат муассасалари (марказий эмиссия банклари, тижорат банклари, почта-омонат кассалари ва бошқалар), хусусий муассасалар (тижорат банклари, инвестиция банклари, ихтисослашган банк муассасалари – ипотека банклари, ҳар хил фондлар)ни ўз ичига олади.

6.3. Ижтимоий инфратузилма

Минтақани комплекс ривожлантиришда *ижтимоий инфратузилма*ни ривожлантириш муҳим аҳамиятта эга.


Ижтимоий инфратузилманинг туркумланиши ва асосий унсурлари куйидаги расмда келтирилган:



6.4-расм. Ижтимоий инфратузилманинг гармок таркиби

Ижтимоий инфратузилманинг асосий унсурларини кўриб чиқамиз (6.4 расмга қаранг).

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг мақсади бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолига ўз вақтида сифатли хизматлар кўрсатишдир. Минтақа маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг тузилиши 6.5 расмда келтирилган.




6.5-расм. Машиини хизмат кўрсатиш корхоналарининг тузилиши

Соғлиқни сақлаш – бу жамият томонидан кўриладиган ва мазкур жамият аъзоларининг соғлиғини сақлаш ва яхшилашга йўналтирилган давлат, ижтимоий, иқтисодий ва тиббий чора-тадбирлари мажмуидир. Бинобарин, соғлиқни сақлаш инфратузилмаси – бу мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берадиган моддий-техник негиздир. Соғлиқни сақлаш инфратузилмасининг функциялари қуйидагилардир: соғлиқ ва касалликнинг ўрганилишини таъминлаш, касалликнинг олдини олиш ва даволашни таъминлаш, саломатлик ва меҳнатга лаёқатнинг сақланишини таъминлаш. Умумий ҳолда давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш тизимлари фаолият кўрсатиши мумкин.

Маориф деганда кенг маънода билим еки маърифат тарқатиш тушунилади; маориф бу давлат ёки минтақадаги таълим-тарбия муассасалари тизимидир. Атаманинг иккинчи маъноси кўпинча халқ таълими деб талқин қилинади. Таълим инфратузилмасининг функциялари: мактабгача тарбияни таъминлаш; умумий таълим тайёргарлигини таъминлаш; олий маълумот олишни таъминлаш; махсус-техника тайёргарлигини таъминлаш; қайта тайёрлаш ва малака оширишни таъминлаш.

Таълим-тарбия муассасаларининг тузилиши 6.6 расмда келтирилган.



6.6-расм. Таълим-тарбия муассасаларининг тузилиши

6.4. Илмий инфратузилма ва фан-техника салоҳияти

Фан деганда, биринчидан, билимлар (шу жумладан бирон-бир соҳадаги билимлар) тизими, иккинчидан, янги билимларни кашф этиш жараёни, учинчидан, бу билан шуғулланадиган иктисод соҳаси тушунилади. Куйида “фан” атамаси ўзининг иккинчи ва учинчи маъноларида, яъни янги билимлар кашф этиш жараёни ёки соҳаси маъноларида келади.

Фан билимлар кашф этиш соҳаси сифатида тавсифланганида “илмий тадқиқотлар”, “илмий тадқиқотлар ва илмий ишловлар”, “илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишлари” атамалари синоним сифатида қўлланади.

Ҳозирги замон шароитларида илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишлари муҳим ўрин тутган тармоқлар сони ортиб бормоқда. Илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш жараёнида янги билимлар тузилади. Бундай билимлар кўпинча ақлий меҳнат маҳсули деб аталади. Бундай маҳсул кашфиётлар, рационализаторлик тақлифлари, фойдали моделлар ва саноат намуналари, технологик жараёнлар ҳақида маълумотлар ва ноу-хау, ЭХМ учун мўлжалланган дастурлар ва селекция ютуқлари кўринишида бўлади. Бошқа илмий ишловлар ва ютуқлар, шунингдек адабиёт ва санъат асарлари ҳам ақлий меҳнат маҳсулидир.

Илмий инфратузилма деганда илмий фаолиятни таъминлашга мўлжалланган моддий-техник негиз тушунилади.

Илмий инфратузилманинг функциялари: минтақада илмий марказлар ташкил этиш учун моддий шарт-шароитлар (ер, бинолар, коммуникациялар) яратиш; тадқиқотлар ўтказиш учун зарур техникавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш; илмий ижодни ахборот билан таъминлаш; олимларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш; минтақада фаннинг ривожланишини режалаштириш ва мувофиқлаштириш; юқори малакали олимлар тайёрлаш; қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш.

Илмий инфратузилма унсурларининг тегишли таркиби 6.7 расмда келтирилган:

Фан-техника салоҳияти фаннинг моддий-техник негизи, илмий кадрлар, кашфиётлар, намуналар фондини ва фан соҳасининг ташкилий-бошқариш тузилмасини ўз ичига олади.

Фаннинг моддий-техник негизи – бу илмий-тадқиқот меҳнати воситалари мажмуи, шу жумладан илмий ташкилотлар, илмий асбоб-ускуналар, тажриба заводлари, цехлар ва лабораториялар, ҳисоблаш марказлари ва хоказолардир.

Илмий кадрлар деганда тадқиқотчилар, конструкторлар, лойихаловчилар, тажрибачилар ва бошқалар тушунилади.

Кашфиётлар фонди илмий лойихалар, патентлар, муаллифлик гувоҳномалари, бошқа маълумотларни қамраб олувчи ташкилий ахборот тизимини ўз ичига олади.

Илмий инфратузилма

Илмий марказлар бино ва иншоотлари
Тадқиқотларни олиб бориш учун техник ускуналар
Маълумот билан таъминлаш тизими: кутубхона,
ахборот маркази, ахборот тармоғи, нашриёт.
Олимларни таъминлаш тизими: алоқа, транспорт
Илмий тадқиқотларни мўвофиқлаштириш ва
режалаштириш бўлими
Илмий ходимларни тайёрлаш тизими
Моддий техника ва ижтимоий таъминот тизими

6.7-расм. Илмий инфратузилма элементлари таркиби

Фаннинг ташкилий бошқариш тузилмаси деганда илмий-тадқиқот ташкилотларининг тузилиши ва унинг мослашувчанлиги (яъни шошилинч масалаларнинг счимини топиш учун илмий-тадқиқот гуруҳларини тез ташкил этиш имконияти), шунингдек илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлаш ва уларни бошқариш тизимлари тушунилади.

6.5. Туризм ва спорт инфратузилмасининг тавсифи

Туризм – фаол дам олиш турларидан бири, инсоннинг рекреацион (тикланиш) эҳтиёжларини кондириш воситасидир. У рекреацион фаолиятнинг ҳар хил турлари – соғломлашиш, билиш, ишлаб чиқариш кучларини тиклаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

24 соатдан кам давом этган саёҳат экскурсия, бундан кўра чўзияган саёҳат эса туризм деб ҳисобланади.

Кўламига қараб халқаро ва ички туризм, жуғрофий муҳит ва бошқа физик-жуғрофий шарт-шароитларга қараб қуруқликдаги туризм, денгиз, тоғ, чўл, дарё туризми, максалларига қараб маърифий, спорт, ҳаваскорлик (ов, балиқчилик ва ҳ.к.), ишбилармонлик, диний, даволаш-соғломлаштириш туризми тафовут этилади.

Ўз вазифасига кўра туризм спортга яқин туради.


Туризм ва спорт инфратузилмасининг вазифаси, функциялари ва элементлари таркиби

Модомики, туризм ва спорт шаклида рекреацион фаолият мавжуд экан,

бундай фаолиятни таъминлашнинг моддий-техник негизи, яъни туризм ва спорт инфратузилмаси ҳам мавжуд бўлиши керак.

Ушбу инфратузилманинг функциялари: туристлар, спортчилар ва ишқибозларнинг ҳаракатланиши, яшаши, овқатланишини таъминлаш, уларнинг маданий, коммунал, коммуникацион ва бошқа эҳтиёжларини қондириш.

Маъмур функцияларни бажариш учун мамлакат, минтақадаги туризмнинг инфратузилмасини ташкил этувчи корхона ва муассасалар мажмуи назарда тутилади. Туризм инфратузилмаси элементларининг таркиби 6.8 расмда келтирилган.



6.8-расм. Туризм инфратузилмаси элементлари таркиби

Агар минтақа туристлар кўпроқ ташриф буюришини истаса, рекреацион тизимнинг барча элементларини яратиши лозим. Бундай тизимнинг таркиби 6.9 расмда келтирилган.

Комплекс хизмат кўрсатиш – *тур* туризм инфратузилмасининг асосий маҳсулотларидан бири. Тур туризм инфратузилмаси кўрсатадиган барча хизмат турларини ўз ичига олади.


Туризм инфратузилмаси шу қадар жадал ривожланмоқдаки, бугунги кунда туризм саноати ҳақида гап бормоқда.

Спорт инфратузилмаси ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Спорт мусобақалари ўтказиладиган мамлакатта туристлар кўп келади.

Спорт инфратузилмасининг таркиби 6.10 расмда келтирилган.



6.9-расм. Рекреацион тизим таркиби



6.10 расм. Спорт элементлари таркиби

Қисқача хулосалар

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг инфратузилмасининг ривожланишига тулиқ боғлиқ.

Инфратузилманинг муҳим функциялари: *боғловчи функция ва таъминловчи функция.*

Одамлар фаолиятига қараб туркумлашда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмага ажратилади.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш инфратузилмасига ва истеъмол воситалари ишлаб чиқариш инфратузилмасига ажралади. Ижтимоий инфратузилма мазкур фаолият функцияларига қараб тақсимлаш ва айирбошлаш инфратузилмасига, аҳолига истеъмол хизматлари кўрсатиш инфратузилмасига, ижтимоий онг ва илмий дунёқарашни шакллантириш инфратузилмасига, бошқарув инфратузилмасига, соғлиқни сақлаш инфратузилмасига, жамоат тартибини сақлаш инфратузилмасига, мудофаа инфратузилмасига ажралади.

Илмий инфратузилма деганда илмий фаолиятни таъминлашга мўлжалланган моддий-техник негиз тушунилади.

Илмий инфратузилманинг функциялари: минтақада илмий марказлар ташкил этиш учун моддий шарт-шароитлар (ер, бинолар, коммуникациялар) яратиш; тадқиқотлар ўтказиш учун зарур техникавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш; илмий ижодни ахборот билан таъминлаш; олимларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш; минтақада фаннинг ривожланишини режалаштириш ва мувофиқлаштириш; юқори малакали олимлар тайёрлаш; қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш.

Фан-техника салоҳияти фаннинг моддий-техник негизи, илмий кадрлар, кашфиётлар, намуналар фондини ва фан соҳасининг ташкилий-бошқариш тузилмасини ўз ичига олади.

Туризм – фаол дам олиш турларидан бири, инсоннинг рекреацион (тикланиш) эҳтиёжларини қондириш воситасидир. У рекреацион фаолиятнинг ҳар хил турлари – соғломлашиш, билиш, ишлаб чиқариш кучларини тиклаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Туризм ва спорт инфратузилмасининг функциялари: туристлар, спортчилар ва ишқибозларнинг ҳаракатланиши, яшаши, овқатланишини таъминлаш, уларнинг маданий, коммунал, коммуникацион ва бошқа эҳтиёжларини қондириш.

Муҳокама ва назорат қилиш учун саволлар

1. Инфратузилма нима ва минтақанинг иктисодий салоҳиятини ривожлантиришда у қандай аҳамиятга эга?
2. Инфратузилма қайси функцияларни бажаради?
3. Инфратузилма фаолият соҳаларига қараб қандай туркумланади? Мисоллар келтиринг.
4. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси нима? Унинг асосий функцияларини айтинг.
5. Ижтимоий инфратузилмага таъриф беринг. Ижтимоий инфратузилма элементларининг тармоқ таркиби қандай?
6. Илмий инфратузилма нима? Унинг асосий функцияларини айтинг.
7. Фан-техника салоҳияти ва унинг асосий элементларига таъриф беринг.
8. Туризм ва спорт инфратузилмасининг функцияларини санаб беринг.
9. Рекреацион тизим нима? Унинг элементларини айтинг.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», -Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Комаров М.П. «Инфраструктура регионів мира».
3. Экономика. Под. ред. проф. А.С. Булатова М., «Юрист», 2000.
4. Экономическая статистика: Учебник. Под.ред. Ю.Н.Иванова. М., ИНФРА-М. 1998. 480 стр.

Матнда учрайдиган мураккаб атама ва иборалар лугати

Тикланадиган табиий ресурслар – бу ишлатилишига қараб табиий жараёнлар ёки инсоннинг онгли фаолияти таъсирида қайта тикланадиган ресурслардир.

Дисконтлаш деганда бўлғуси даромадларни ҳозирги кийматига келтириш йўли билан баҳолаш (ўлчам) усули тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари – бу ер остида ва унинг юзасида жойлашган, ишлаб чиқариш жараёнига ишлаб чиқариш омиллари сифатида жалб этилиши мумкин бўлган табиий ресурслардир.

Изокванта деганда берилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ишлаб чиқариш имконини берадиган ишлаб чиқариш омиллари уйғунлигининг ҳар хил вариантларини ифода этадиган эгри чизик, нуқталарнинг геометрик ўрни тушунилади.

Инвестициялар – бу мамлакат ичида ва чет элда иқтисод тармоқларига капитални узоқ муддатли жойлаштиришдир. *Реал инвестициялар* – иқтисоднинг муайян тармоқларига капитални жойлаштириш ва *молиявий инвестициялар* – қимматли қоғозлар харид қилиш тафовут этилади.

Ахборот – бу моҳият эътибори билан янгилик унсурларига эга, маълум фаолият соҳаси ҳақида маълумот олиш ва мақбул қарорлар қабул қилиш имконини берадиган маълумотлардир.

Капитал (К) – бу меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида одамлар томонидан яратилган ишлаб чиқариш ресурслари (машиналар, бинолар, компьютерлар, трубопроводлар, темир йўллар ва ҳоказолар)дир.

Айланма капитал ҳар бир ишлаб чиқариш циклида бир марта ёки тўлиқ ишлатилади (яъни ўзининг истеъмол кийматини тўлиқ йўқотади).

Асосий капитал жумласига асосан бир йилдан ортиқ, бир неча йил, ҳатто ўн йилликлар давомида хизмат қиладиган ва бир нечта ишлаб чиқариш цикли давомида аста-секин фойдаланиладиган мол-мулк қиради.

Асосий капитални дастлабки қиймати бўйича баҳолаш – бу мазкур капитал ишлаб чиқариш жараёнига киритилган йили унинг кийматининг пул ифодасидир.

Тикланган қиймати бўйича баҳолаш – бу асосий капиталнинг фойдаланишдан чиқарилган пайтдаги қийматининг пул ифодасидир.

Қолдиқ қиймати бўйича баҳолаш деганда асосий капиталнинг фойдаланишга киритилган пайтдаги қийматининг айни давргача эскирилишини эътиборга олган ҳолдаги пул ифодаси тушунилади.

Тикланмайдиган табиий ресурслар – бу тўлиқ тугаганидан кейин тиклаш мумкин бўлмаган ресурслардир.

Капиталнинг чегаравий коэффиценти – бу капиталнинг жойлаштирилиши (инвестициялар, унинг ўсиши) ва маҳсулот ёки даромаднинг тегишли ўсиши нисбатидир.

Потенциал ЯИМ (ёки иқтисодий салоҳият) деганда мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари: капитал, ишчи кучи, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланилганида, яъни ресурслар тўлиқ банд этилганида олинishi мумкин бўлган ишлаб чиқариш хажми тушунилади.

Табиий-ресурс салоҳияти табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг сони, сифати ва уйғунлиги ҳудуднинг билан белгиланади. Табиий-ресурс салоҳияти мавжуд фойдали қазилмаларни, ҳудуд рельефини, ер-сув ресурсларини ва сейсмик бузилиш даражасини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш функцияси деганда мавжуд билим даражаси ва фойдаланилаётган технологиялардан келиб чиқиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўсишига турли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини акс эттирувчи математик ифодаланган боғлиқлик тушунилади.

Рекреацион салоҳият деганда инсоннинг жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолият (дам олиш, туризм) билан шугулланиш учун минтаканинг имкониятлари ва тайёрлиги тушунилади.

Ресурс билан таъминланганлик деганда ресурс салоҳияти, яъни табиий ресурсларнинг қатталиклари билан уларнинг миқдорлари ўртасидаги нисбат тушунилади.

Капиталнинг ўртача коэффициенти – бу ишлатилган капитал ва олинган маҳсулот ёки даромад нисбати дир.

Меҳнат ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили сифатида неъматлар яратиш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган ақлий ва жисмоний фаолиятни ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатта лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибига қирувчи ишлаётган аҳоли ва ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳловчилар (ишсизлар) тушунилади.

Иқтисодий нофаол аҳоли деганда давлат ва айрим кишилар қарамоғида бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган аҳоли тушунилади.

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», -Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Комаров М.П. «Инфраструктура регионов мира»: М., 2000.
3. Копанов Г.В. «Региональная экономика». - Ижевск «Персей», 1994.
4. Ларина Н.И., Кисельшков А.А. «Региональная полигика в странах с рыночной экономикой». М., «Экономика». 1998.
5. Макроэкономика: Учеб.пособие для вузов. Под ред. И.П.Николаевой. ВЗФИ. М., ЗАО «Финстатинформ». 1999. 213 стр.
6. Маршалова А.С., Новиков А.С. «Основы теории регионального воспроизводства». М., «Экономика». 1998.
7. Микроэкономика. Теория и российская практика: Учебник. Под ред. А.Г.Грязновой и А.Ю.Юданова. М., ИТД «КноРус». 1999. 544 стр.
8. Региональная экономика: Учеб. пособие. Под ред. М. В. Степанова М., ИНФРА. М., 2001. 463 стр.
9. Сиденко А.В. и др. «Статистика»: Учебник. М., Издательство «Дело и Сервис». 2000. 464 стр.
10. Шишов С.С. «Экономическая география и регионалистика». М., ЗАО: «Финстатинформ». 1998. 127 стр.
11. Экономика. Под ред. проф. А.С. Булатова. М., «Юрист». 2000.
12. Экономическая статистика: Учебник. Под ред. Ю.Н.Иванова. М., ИНФРА. М., 1998. 480 стр.
13. Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан. Экономическое обозрение. № 8-9. 2001.
14. Узбекистан в фокусе глобальной политики. Экономический вестник Узбекистана. № 4/5. 2001.
15. Бобылев С.Н., Стеценко А.В. «Экономическая оценка природных ресурсов и услуг». - Вестник московского университета., №81. 2000.



Тошпўлатова Лайло Маратовна

МИНТАҚАНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИАТИ

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир:
Акбарали Мамасолдиев.

Териппа берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоғи 6. Нуسخаси 250.
Буюрма № 76

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси наприёғи. 700000,
Тошкент. Ж-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп қилинди.
Тошкент шаҳри, Халича Сулаймонова, 33-уй